

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИККИ АСР
МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ
XX-XXI

ББК: 83.3
УДК: 1
И-85

Исмоилов С. Икки аср маърифатпарварлари XX-XXI. –
Гулистон: Университет, 2015. 132 бет.

Мазкур монография XX-XXI асрларда яшаган ва яшаётган бир қатор маърифат ва маънавийт вакилларининг энг муҳим фикр ва ғоялари, фалсафий-маърифий фаолиятлари ҳамда улар меросидан ижтимоий фанларни ўқитишда фойдаланиш масалаларини ёритиб беришга бағишланган. Муаллифнинг ўз монографиясида илгари сурган фикр-мушоҳадалари, талқинлари, илмий аҳамиятли бўлган фикр-мулоҳазалари ва маълумотлари ўқувчиларга қисқа вақтда ўзлаштириш имкониятини туғдиради.

Ушбу монография умуман олганда маънавийт ва маърифат билан қизиқувчи кишиларга, таълим-тарбия тизимида фаолият юритувчи барча ориф инсонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Саид Шермухамедов - академик

Такризчилар: Шермуҳаммад Юсупов - ф.ф.н., доцент

Равшанбек Маҳмудов - ф.ф.н., доцент

Солижон Қудратов - т.ф.н., доцент

ББК: 87.3
УДК: 1

Ушбу “Икки аср маърифатпарварлари XX-XXI” мавзусидаги монография ГулДУ Илмий Кенгашининг 2015 йил 26 февралдаги № 5-сонли мажлиси қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

© *Университет*

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИЛМУ-МАЪРИФАТ ЖОЗИБАСИ

Сўзбоши

Жамият тараққиётининг асоси,
уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб
қоладиган ягона куч - маърифатдир.
Ислом Каримов

Тафаккур эркинлиги, фикр ва маърифат тарбияси масаласи барча замонларда, айниқса, миллат ҳаётининг мураккаб лаҳзаларида ижтимоий фанларнинг бош масалаларидан бири бўлиб келган.

Илм-арабча ўқиш, ўрганиш демакдир.

Илм инсон тафаккурига нур бахш этади. У шу нур орқали ҳақиқатни топади. Илм инсонни доимо юксак мартабага эриштиради. Ҳатто, Қуръони каримнинг илк нозил қилинган ояти ҳам “Ўқи” дея бошланган. Замахшарий бу оятни шундай тафсир этади:

“Оллоҳ Таоло инсонларга билмаганликларини ўргатиш учун илк оятда “Ўқи” калимасини индирди. Бу эса илоҳий ваҳийнинг илмга берган буюк баҳосидан далолат”.

Пайғамбар с.а.в. “Оллоҳ Таоло Иброҳим алайҳиссаломга ваҳий қилиб: “Эй Иброҳим! Мен олимман (билувчиман) ва ҳар бир билувчини яхши кўраман деди”, - деб айтадилар.

Ҳадиси шарифлардан бирида: “Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан”¹ дейилса, бошқасида: “Илм саҳрода - дўст, ҳаёт чорраҳаларида - таянч, ёлғиз дамларда - йўлдош, бахтиёр дақиқаларда - раҳбар, қайғули онларда - мададкор, одамлар орасида - зебу-зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир”² дейилади.

Бир донишманддан илму толиб сўради³:

-Агар илм ўргансам, нима топаман?

¹ Билкиз Аладдин. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. –Т.: Камалак, 1991. 61 бет.

² Ўша асар, 43 бет.

³ Абу Али ибн Сино. Зафарнома. –Т.: Ниҳол, 2009. 13 бет.

Донишман дебди:

-Агар кичик бўлсанг, улуғ ва машҳур бўласан, камбағал бўлсанг, бойлик орттирасан, машҳур бўлсанг, янада машҳурроқ бўласан.

Илмга ҳурмат, илмга талпиниш, илмли бўлиш ва унинг учун умрни бахшида этиш ватандошларимизга хос фазилат. Минглаб олиму-фузало, орифларни берган, Хивадаги Хоразмшоҳ Маъмун, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек ва Хиротдаги Бойсунғур санъат академияларига асос солганлар бу бизнинг юртдошларимиздир.

Машҳур донишманд Суқрот ўзининг қанчалик донишмандлигига қарамай, “Мен шуни биламанки, ҳеч нарсани бимайман” деган ибораси билан ўзини илм тимсолига айлантирди. Яъни илм аҳли Суқротни илм рамзи сифатида эътироф этади.

Бизнингча, Марказий Осиё тарихида илм рамзига ўхшатиш, ал-Беруний зиммасига тушади. Беруний илмни денгизга, ўқувчини ғаввосга ўхшатади:

Пешволардан олға ўтдим жаҳд ила,

Мен ғаввосу илм бўлди уммоним-деб ёзади у.

Шарқшунос В.Крачковский “Берунийнинг шуғулланган фан соҳаларини санаб чиққандан кўра, у шуғулланмаган фан соҳаларини санаб чиқиш осонроқдир”-деб ёзганди. Шу ўринда Беруний ўз давридаги барча илмларни ўрганди, қомусий олимлик даражасига етди дейиш мумкин. У Арастунинг “Инсон табиатан билишга интилади” иборасини давом эттириб, “Инсон ҳаётидаги зарурат, эҳтиёжлар уларнинг илмларга бўлган талабларини келтириб чиқаради”. “Билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир”-деб ёзади.

Араб халқ мақолида “Ҳамма нарса сарфлаш билан завол топади, фақат илм қанча сарфланса шунча зиёда бўлади” дейилади. Ҳазрати Али айтганлар: огоҳ бўлким, илм ва унинг файзу равнақи 6 нарсага риоя қилганда ҳосил бўлади.

Заковат-зийраклик, илмга чанқоқлик, сабру-қаноатла етуклик, - кифоятлик, устоз иршоиди-йўлланмаси, ҳамда узоқ вақт даркор.

Илм олиш имкониятлари-жамият равнақининг муҳим омилидир. Шу боис ёшларимизни илм билан қурорлантириш, уларни илмий ғоялар билан таъминлаш жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасига муайян масъулият, вазифа юклайди. Бу вазифани бажариш ҳар биримизнинг миллат бугуни ва истиқболи олдидаги бурчимиздир.

“Билим эгаллаш узлуксиз ва абадий жараён бўлиб, инсон билан бирга туғилиб, инсон билан бирга ўтиб кетмайди, инсондан кейин ҳам яшаб қолиш хусусиятига эга”¹. Зеро, фуқароларимиз қанчалик илм-маърифатли бўлса, аждодларимизга ва ватанимизга мос фарзандлар бўлишадилар, ҳар қандай ғоявий таҳдид ва хуружларга қарши тура оладилар ва ўз ҳаётларни файзли ва баракали бўлишини таъминлайдилар.

Абу Ҳанифа шогирди Юсуфга васиятида:

“Эй, фарзанд! Огоҳ бўл! Ўн йил касбу хунарсиз, овқатсиз қолсанг ҳам илмдан воз кечма! Зеро, илмдан юз ўгириш барча яхшиликлардан юз ўгиришдир”-деб ёзганлар.

Маърифатпарварлик XVIII асрда расман ижтимоий-маърифий таълимот сифатида пайдо бўлган бўлса-да, ундан олдин ва ундан кейинги даврларда ҳам ҳар бир мамлакат, ҳудуд ва гўшаларнинг ўз маърифатпарварлари, зиё тарқатувчилари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Ушбу монография “Икки аср маърифатпарварлари” деб номланиб, унга XX-XXI асрлар давомида яшаган ва яшаётган илм-фан фидойилари, маърифатпарварларининг ҳаёт йўли, маърифий фаолияти ва илмий мероси тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

¹ Тилаб Маҳмуд. Комиллик асрорлари: ҳаётий ҳикматлар. –Т.: Адолат, 2006. 23 бет.

БИРИНЧИ ҚИСМ

XX АСР ЮРТИМИЗ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ

Маърифатпарварлик – жамият ҳаёти, унинг маънавий-маърифий соҳаларида намоян бўладиган жаҳолатга, ижтимоий-сиёсий жоҳилликка зид бўлган ижтимоий-фалсафий ва оммавий-демократик ҳаракатларни ифодаловчи тушунча. Унинг мақсади муайян жамият ҳаётини ғоявий жоҳиллик ва мафкуравий зўравонликдан, жаҳолатпарасликдан озод этиб, эркин тафаккур, маърифий фаолият орқали тараққиётнинг зарур моддий ва маънавий ютуқларига эришишдир¹.

Маърифатпарварлик атамасини илк бор XVIII асрда яшаган инглиз шоири Ж.Милтон ўзининг 1667 йилда яратган “Йўқотилган жаннат” достонида қўллаган².

Аслида башар тарихининг ибтидосидаёқ инсонлар худди нурга интилгани каби маърифатга, зиёга талпинган, уни тарқатувчига қараб интилган.

Маърифатпарварлик ҳаракатининг тарихий чегаралари Людовик XIV давридан бошлаб, француз буржуа инқилобигача (1789) бўлган тарихий даврни қамраб олади.

Маърифатпарварлик ғоясининг фалсафий асоси ҳис (сенсуализм) ва иккиаслик (дуализм) қарашларидан иборат бўлиб, бири маърифатпарварлик ҳаракатининг бошланиш даври, иккинчиси кейинги йиллардаги ривожланиш жараёнларида шаклланди.

Маърифатпарварлик ҳаракатига Де Сент-Эвремонт, А.Булен, Бейл, Мелье каби таниқли алломалар асос солган бўлиб, кейинчалик у Вольтер, Монтескье, Кондильяк, Ламетри, Гольбах, Дидро, Гелвеций, Бюффон каби забардаст тафаккур эгалари томонидан ривожлантирилган. Маърифатпарварлик ғоялари кейинги асрларда ҳам

¹ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. 364 бет.

² Философский энциклопедический словарь. 2 из. –Москва: Советский энциклопедия, 1989. Стр. 519.

кенг тарқалиб, ижтимоий-сиёсий, миллий-озодлик ҳаракатларининг омили бўлиб хизмат қилди. XIX аср охири ва XX бошларида Марказий Осиё халқлари миллий-озодлик ҳаракатларини ғоявий-маърифий тайёрлаб берган ва уларни руҳлантириб турган.

Марказий Осиё маърифатпарварлик ҳаракатининг тадқиқотчиси профессор Ҳ.Воҳидов Туркистонда маърифатчилик ҳаракатини қуйидаги босқичларга бўлади¹:

а) Маърифатпарварликнинг илк намояндалари (Аҳмад Дониш, Бердимурод Бердақ, Сатторхон, Фурқат);

б) Маърифатпарварлик ҳаракатининг демократик намояндалари (Муқимий, Завқий, Анбар Отин, Ҳамза Ҳакимзода);

в) жадиализм (Беҳбудий, Мунаввар Қори ва бошқалар).

З.Ишмуратова ва Н.Шермухамедовалар эса, Марказий Осиё маърифатпарварлигининг асосий йўналишлари: либерал-демократик (Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат ва ҳ.к.), инқилобий-демократик (Завқий, Ҳамза, С.Айний ва ҳ.к.), либерал-буржуа (Беҳбудий, Авлоний, Фитрат ва ҳ.к.)²дир деб қайд этишади.

Инсоният атом асри, фан техника инқилоби асри деб ном берган XX асрнинг мозийга айланганига ҳам салкам чорак аср бўлмоқда.

“Мамлакатимизда маърифатпарварликнинг кенг қулоч ёйиши учун фақат истиқлол йилларида кенг имконият яратилди. Мустақилликка эришиш муносабати билан Ўзбекистонда маърифатпарварликнинг янги даври бошланди. Халқимиз тарихидаги маърифатпарварликка йўналган ҳаракатлар истиқлол даврида Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги сиёсатнинг бош ғоясига айланди. Энг аввало, тарихий-маданий меросимиз, унинг асосини ташкил этган юрт ва миллат равнақи, ифтихори учун хизмат қилган, мустабид тузум даврида номи қораланган анъаналаримиз, моддий, маданий ва маънавий

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 214-232 бетлар.

² Маърифатпарварлик / Фалсафа қисқача изоҳли луғат. –Т.: Шарқ, 2004. 202 бет.

ёдгорликларимиз, юртимиздан етишиб чиққан ва нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёга доврў таратган илм-фан, давлат ва дин намояндалари, уларнинг Ватанимизга кўрсатган хизматларини халқ онгига сингдиришга эътибор берилди. Шу кабиларни тарғиб қилиш воситасида ватанпарварлик, халқпарварлик, истиқлолга садоқат, қийинчиликларга сабр-тоқатлилиқ, тараққиётга интилиш, замон талабларига мувофиқлик, турли-туман таҳдидларга бардошлилиқ туйғуларини жонлантириш, халқни мустабид тузумнинг қуллик тафаккуридан халос қилишга катта аҳамият қаратилди”¹.

Инсоният тарихининг ҳар бир босқич ва даврларининг ўз маърифатпарварлари бўлган.

Ушбу монографиянинг биринчи қисмида ХХ аср ўзбек миллий маърифатчилигини айрим етук намояндалари: академиклар: Мусо Тошмуҳаммад Ойбек, Иброҳим Мўминов, Саид Шермуҳаммедов, Музаффар Хайруллаев, Мўбин Баратов, шоира Зулфия Исроилова, профессор Омонулла Файзуллаев, таниқли файласуф файласуф шоир Муҳаммад Юсуфнинг, иккинчи қисмида Мирзачўл маърифат масканининг намояндаларининг ҳаёти, фаолияти ва маърифий қарашлари баҳоли қудрат тадқиқ этилди.

¹ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. 365 бет.

БУЮК АҚЛ СОҲИБИ

*Адабиёт яшаса-миллат яшар.
Чўлпон*

XX аср буюк ўзбек адиби, шоир ва файласуф олим Ойбек ўзининг кенг тафаккури ва мантикий мушоҳадалари билан илм аҳли орасида алоҳида ажралиб туради.

Биринчидан, Ойбек Тошкент шаҳрида, ҳунарманд тўқувчи оиласида дунёга келган. Адиб дунёқарашининг шаклланишида бевосита бобоси ва бувиси айтган қўшиқ, эртак, чўпчаклар муҳим аҳамият касб этади. Ойбек ўз хотираларида “Бувимнинг бутун гапи тирикчиликдан (ҳаётий демоқчи-С.И.). Унинг гапида мақоллар, турли ажойиб иборалар устма-уст қуйилиб келаверади”¹ деб эслайди. Ойбекнинг бобоси ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарини яхши билган. Шу билан бирга улар Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил каби мутафаккирлар ижоди билан таниш бўлиб, улар ёш Мусога намуналар айтиб берган. Бу эса Ойбекни ёшлигиданоқ халқ фалсафаси, Шарқ фалсафаси руҳида тарбияланганлигини кўрсатади.

Иккинчидан, Ойбек ёшлигиданоқ илмга, маърифатга талпинди. У Дегрез мактабида бошланғич эскича таълим олди, сўнг “Намуна” мактабида ўқиди. Навоий номидаги политехникумда, кейин Ўрта Осиё давлат университетининг ижтимоий фанлар факультетига ўқишга кириб, уни Ленинград халқ хўжалиги институтига кўчиради, соғлиги совуққа тўғри келмаганлиги сабабли Ўрта Осиё давлат университетига (ҳозирги СамДУга) келиб, уни 1930 йилда тугатади. Беш йил сиёсий иқтисод фанидан олий мактабда дарс беради.

Академик Ғафур Ғулом “Менинг ярим асрлик дўстим” мақоласида “Ойбек русчага уста бўлиб кетди, мен нўноқ эдим, ҳавасим келар эди”²-деб ёзади. Демак, ўша кезлари Ойбекнинг рус тилини яхши билиши уни ўз тенгқурларига қараганда рус фани, адабиёти ҳамда бу тилдаги чет

¹ Собиров О. Ойбек ижодида фольклор. -Т.: 1975. -Б. 26.

² Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. -Т.: 1989. -Б. 325.

эл олимларининг асарларини чуқур ўрганиш имконини беради. Бу жиҳат эса Ойбекни олим бўлиб етишишига олиб келади. Ойбекнинг ўз тили билан айтганда “Фанга юриш”¹ бошланди. Бу йўл машаққатли ва оғир йўл эди.

Фан йўли – оғир йўл, тошлиқ, узун йўл,
Сиз арслон ҳамласи билан ошингиз,
Сиз меҳнат эрлари, кучларингиз мўл,
Фанларнинг қоясин жойлар бошингиз.

Шоир ўзининг “Отамни эслаб” шеърининг охирги байтларини:

Ҳаёт ва борлиқнинг фалсафасини
Мен ҳам ўрганаман шавқ, ҳавас билан
Отдик дилдан, она, тун шарпасини,
Энди завқланамиз ўзга куйлардан²...

деб тугатади. Ёки “Шоир билан суҳбат” шеърида:

Санъат фалсафасини,
Юлдузлардан ўқидим.
Шеърнинг каштасини
Ипак-ғамдан ўқидим³ - деб ёзади.

Ойбек бу мисраларида ўзининг фалсафага кириши ва фалсафий шеърларининг вужудга келишини изоҳлаб берган.

Учинчидан, Ойбек ижоди жуда серқирра ва сертармоқ эди. “Ойбек истеъдодли шоир, йирик носир бўлибгина қолмай, машҳур олим, давлат ва жамоат арбоби, публицист, танқидчи ва таржимон ҳамдир”- деб қайд этади адабиётшунос олим С.Мирвалиев. Бу серқирра тафаккур соҳиби Ойбек домлага 1943 йилда очилган Ўзбекистон Фанлар академиясининг дастлабки ўн бир ҳақиқий аъзоларидан бири бўлиш имконини берди. У Ўзбекистон Фанлар академиясида 1943-1953 йиллар давомида

¹ Ўзбек шеърининг антологияси. Тўртинчи том. -Т.: 1962. -Б. 117.

² Ўзбек шеърининг антологияси. Тўртинчи том. -Т.: 1962. -Б. 120.

³ Ёқубов Ҳ. Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. -Т.: 1963. -Б. 71.

ижтимоий фанлар бўлимига раҳбарлик қилди. Бу эса донишманд Ойбекни тан олиниши эди.

Тўртинчидан, Ойбекка баҳо бера туриб, Ғафур Ғулом ўзининг “Ойбек - ёзувчи ва олим” мақоласида “Ўзбек адабиётига тарихий роман жанрининг киритилишида Ойбекнинг хизмати каттадир. “Навоий” романининг яратилишида Ойбекнинг ёзувчилик қобилияти билан бир қаторда унинг олимлиги ҳам ўз аксини топди. Ойбек рус, ўзбек, форс-тожик, классик ва шўро адабиётларини яхши биларди. Унинг ўзбек адабиётшунослигининг турли соҳаларига тегишли 30 га яқин илмий асарлари ва мақолалари бор”¹- деб, таъкидлаб ўтган. Яъни Ғафур Ғулом талқинича, Ойбек олим, ёзувчи, файласуф бўлган.

Бешинчидан, Ойбек навоийшунос олим. У “Навоий” романидан ташқари Навоий ижодига бағишлаб “Навоийнинг адабий мероси”, “Улуғ мутафаккирнинг ҳаёти ва ижод йўли”, “Навоий идеяларининг кенглиги” каби бир неча номдаги илмий мақолалар ёзган. “Навоий” романида “Подшо ҳазратлари, бизнинг фикримизча, ҳар бир ишда ақлни раҳнамо қилмоқ лозимдир. Зероки, инсонлар ҳақ йўлни ҳамиша ақлнинг нури билан топмишлар, ҳар турли мушкулотларни ҳам ақл билан ҳал этмишлар”²- деб Навоийни мурожаат этганлигини тасвирлайди. Бу “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фаҳоднинг қуйидаги:

Деди: ҳар ишни қилмиш одамизод,

Тафаккур бирла билмиш одамизод - деган сўзларини Навоийнинг юқоридаги нутқига сингдирилишидир.

Навоийдек буюк инсон ҳақида роман ёзиш, унинг ижодига муносабат билдириш бу том маънода катта олимнинг иши.

Олтинчидан, Ойбек шоирнинг таҳаллуси бўлиб, асли исми Муҳаммад Мусо ёки қисқача айтганда Мусодир. Мусо ҳаммага маълумки, Мусо а.с.нинг исмлари. Мусо а.с. бир неча “Оллоҳ билан

¹ Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. -Т.: 1989. -Б. 179.

² Собиров О. Ойбек ижодида фольклор. -Т.: 1975. -Б. 64.

сўзлашувчи”, “Барча ўтган ҳодисаларни билувчи” каби илоҳий сифатлар эгаси бўлган. Албатта, Шарқ илмидан хабардор бўлган Тошмуҳаммад ота ўз ўғлини билимли бўлишини истаган ҳолда шу исмни қўйган. Бошқа бир томондан, Ойбек исмини ўзи ҳам “нур”, “ёруғлик”, “нурли йигит” деган маъноларни билдиради.

Шарқда илм, ҳикмат нурга қиёсланади. Шу билан бирга Ойбекнинг ой юзли, кенг пешоналиги ҳам уни донишманд инсон эканлиги кўрсатиб турибди.

Еттинчидан, Ойбек фавқуллодда буюк ақл соҳиби бўлган. У гарчи шўро даврида фаолият кўрсатган бўлса-да, тафаккури бу тизим чекловларига сиғмаган, бўсунмаган, уни бузиб юборган.

Ғафур Ғулом “Олдинма кетин лауреат бўлдик, аммо тан беиб айтиш керакки, Ойбек ғоятда бардошли, кучли, заҳматкаш ижодкордир.

Ойбекнинг серҳосил, ўткир ижодкорлигини бизнинг адабиёт тарихида кимга ўхшатиш мумкин?

Ойбекни ўзига, Ойбекка ўхшатиш мумкин. Асарларини ўқиб улгуролмайсан, яъни бир асар билан “мана ман” деб, рўпарангда табассум қилиб туради”¹, - деб ёзади.

Ойбек 30-йилларда ёзган “Ўзбекистон” (1934) ва “Наъматак” (1936) шеърларидаги қуйидаги мисраларда ёзади:

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,

Бир ўлкаки, қишларида шивиллар баҳор.

Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...

Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.

Бахт тошини чақиб бунда куч гувиллайди².

Нафис чайқалади бир туп наъматак

Юксақда шамолнинг беланчагида,

¹ Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. -Т.: 1989. -Б. 325.

² Ўзбек шеърляти антологияси. Юқоридаги асар. -Б. 124.

Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул!

Виқорла ўшшайган қоя лабида

Нафис чайқалади бир туп наъматак¹...

унинг фалсафий мушоҳадага йўғрилган ижодини ҳеч кимга ўхшамаслиги кўрсатиб турибди.

Юқорида санаб ўтилган Ойбек ҳаётини баъзи қирралари унинг буюк олим ва донишманд эканлигини бир қадар кўрсатиб беради. Унинг фалсафий қарашларини алоҳида илмий мавзу сифатида ўрганиш зарур деган ниятдамиз.

Зеро, Ойбек ўзи ёзган “Қуёш нуринг сочавер мўл-мўл” мисраси унинг ўз ижоди, мероси ва тафаккурига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ойбек тафаккур нури порлайверсин.

XX аср буюк ўзбекларидан бири билим, ҳикмат, кенг тафаккур эгаси, том маънодаги файласуф олим Ойбек домла меросидан баҳраманд бўлишлик ҳар биримизга насиб этсин.

¹ Ўзбек шеърояти антологияси. Юқоридаги асар. -Б. 125.

ЎЗБЕК ФАЛСАФА МАКТАБИНИНГ АСОСЧИСИ

*Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидурлар.
Абдулла Авлоний*

Юртимизда “донишманд”, “аллома”, “устод”, “домла”, “пир”, “қомусшунос”, “алломайи даврон”, “дарёйи азим”, “гегельшунос”, “темуршунос”, “бедилшунос”, “шарқшунос” каби шарафли номлар билан аталувчи улуғ файласуф олим фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, Ўзбекистон “Билим” жамияти бошқаруви раиси, “Ўзбек шўро Энциклопедияси” ва “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналининг бош муҳаррири, давлат ва жамоат арбоби, “Буюк хизматлари учун” орденининг нишондори Иброҳим Мўминов эди.

Академик, Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ президенти Обид Содиқов унинг ҳаёт ва фаолияти тўғрисида тўхталар экан: “Иброҳим Мўминов чўпонликдан йирик шўро файласуф олими, фаннинг йирик ташкилотчиси, давлат ва жамоат арбобигача бўлган мураккаб ва оғир йўлни босиб ўтди”- деб ёзади¹.

Иброҳим Мўминов 1908 йил 7 сентябрда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Тезгузар қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келади. 1922-1927 йилларда бошланғич мактабда, сўнг Бухоро Маориф институтида ўқийди. Шу институт йўлланмаси билан 1928 йил Самарқанд Олий педагогика институтига ўқишга киради. Бироз ўтмай бу институт Самарқанд педагогика академиясига айлантирилади. 1931 йил у Самарқанд педагогика академиясининг ижтимоий-иқтисодий факультетини аъло баҳоларга тамомлаб, шу академияда ўқитувчилик лавозимига ишга олиб қолинади. 1933 йил шу академия базасида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ташкил

¹ Мўминов И.М. Танланган асарлар. Уч томлик. I том. –Т.: Фан, 1969. 7 бет.

қилинади. Иброҳим Мўминов университетда аввал филология, кейинчалик тарих факультетларининг декани лавозимида ишлайди, ижтимоий кафедрага мудирлик қилади.

Иброҳим Мўминов ёшлигидан тарих, ижтимоий фанлар, айниқса фалсафа илмига қизиқди, шу соҳада мақола, рисолалар ёзди ва илмий тадқиқот ишлари олиб борди.

“Фалсафа - бепоён олам. ...фалсафа илми ҳудудий, миллий, минтақавий хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, умумжаҳон мезонлари, қонуниятлари, тарихийлик аломатларини ҳам ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам Иброҳим Мўминов халқимиз фалсафий тафаккури қадриятларини тўғри баҳолаш мақсадида қадимги юнон, Европа, айниқса, Гегель фалсафасини ўрганмоқ зарур, деган қарорга келади”-деб ёзади домланинг шогирди, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Ғойибов¹.

Иброҳим Мўминов фалсафа илмини ўрганиш жараёнида бир қатор илмий тадқиқот ишларини ҳам амалга оширди. У 1941 йил ўзбеклар орасида биринчилардан бўлиб “Гегель диалектикасининг рационал мағзи” мавзусида номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил қилинади. Унинг таъсис мажлисидаёқ Иброҳим Мўминов академиянинг мухбир аъзоси қилиб сайланади. 1946 йил Самарқандда “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” монографияси рус тилида босилиб чиқди. 1950 йилда “XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан” деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. У 50-йиллар бошларида СамДУда ижтимоий кафедрага раҳбарлик қилди. Бу кафедра Республикада фалсафа йўналишида мутахассислар тайёрлашда асосий марказлардан бири бўлиб қолади. Иброҳим Мўминов 1955 йил Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти директорлигига тайинланади. 1956 йил

¹ Ғойибов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 10 бет.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва вице-президенти қилиб сайланади. То умрининг охиригача, 18 йил давомида вице-президентлик лавозимида фаолият кўрсатди. 1957 йил ташкил қилинган “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналининг ташаббускори ва бош муҳаррири. 1958 йил Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этилади ва унинг раҳбарлиги Иброҳим Мўминовга топширилади. Ҳа йилдан Ўзбекистон “Билим” жамиятига бошчилик қилиб келди. 1963 йилдан бошлаб, 11 йил давомида Ўзбекистон Олий Кенгаши Ташқи ишлар бўйича доимий комиссиясининг раиси сифатда фаолият кўрсатди. 1967 йил унинг раҳбарлигида нашр этилган уч томлик “Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи” китоби Беруний номидаги республика Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Шу йили ҳукумат Ўзбек Шўро Энциклопедиясини нашр этиш ҳақида қарор қабул қилди. Энциклопедиянинг бош муҳаррири қилиб Иброҳим Мўминов тайинланди. Унинг раҳбарлигида 14 томлик қомуснинг дастлабки беш жилди нашр этилди ва кейинги 4 томи нашрга тайёрланди. Домла Иброҳи Мўминовнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди шунчалик серқирраки, унинг саноғига етиш мушкул. Халқимизнинг ҳикматли бир гапи бор “Тоғдан қанчалик узоқлашсанг, унинг салобати, улканлиги, кўрки шунчалик яққолроқ кўринади”¹. Ушбу ҳикматни домла Иброҳим Мўминовга нисбатан муқояса қилиш мумкин. У том маънода илм, дониш, ирфон, зиё тоғи эди. Буни биз домланинг ўғил ва неvara шогирдлар, авлодлар бугун мустақилликка қадам қўйганлигимизга 24 йил тўлган бир пайтда мушоҳада қилаяпмиз. Домла Иброҳим Мўминов ХХ асрда ўз фалсафий мактабига асос солган, “...энг буюк жасорат-...маънавий жасорат”² кўрсатган халқимизнинг беназир буюк фарзандларидан бири. Устод Иброҳим Мўминовнинг маънавий шогирдларидан бири, адабий танқидчи Ғайбуллоҳ ас-Салом ўз

¹ Ғойибов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 5 бет.

² Каримов И.К. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 159 бет.

хотираларида “Бизнинг жаноби академикни кўпчилик ҳеч қандай «вич-пичсиз” –Домла деб атарди. Рост-да. Ҳақиқий устод учун такаллуф на даркор. Академия сарҳадида барча ёшу-қари домла деганда ўзга кимни эмас, яккаш Иброҳим домлани тушунишарди. Инсон учун бундай эъзозланиш қандай катта бахт-а! Ҳеч ким “Қайси домла?” демасди. Ким бўларди, ие, шу ўзимизнинг Домламиз-да, деб фахрланишарди. Ғалат: ўрис ва бошқа ғайримиллат кишилари ҳам шундай мурожаат қилишарди. –Домла.” деб фахланиб эслайди¹.

Домланинг ҳаёти ва фаолияти, шўро даврида кўрсатган маънавий жасорати ўнлаб, юзлаб монографияларга мавзу бўларлик. Ақалли ҳали ҳам домланинг тўла асарлар тўплами нашр юзини кўрган эмас. Домла ҳаётлигида 1969-1972 йиллар уч жилдлик танланган асарлар тўплами чоп этилган эди. Вафотидан сўнг эса, 1976-1977 йилларда “Ўзбекистон” нашриёти чоп этган тўрт жилдлик танланган асарлар тўплами 80 босма тобоқдан иборат бўлиб, унда акс эттирилган тадқиқотларнинг сони 165 тани ташкил этиб, ундан 20 таси монографиялар, китоблар, 42 таси тўпламлар ва китобларга бўлим ёки қисм бўлиб кирган ишлар, 19 таси рисолалар, қолганлари журнал ва газеталарда эълон қилинган мақолалардан иборат эди холос².

Биз ушбу мақоламизда домланинг биргина фаолият қирраси, унинг фалсафий мактабининг айрим жиҳатлари тўғрисида тўхталмоқчимиз холос.

“Ўзбекистонда фалсафий фикр тараққиётида Иброҳим Мўмин мактаби қарор топгани маълум. Бу мактабнинг асосий тамойиллари: ахлоқий поклик, мантиқий изчиллик, миллий теранлик ва даврий кўламдорлик”–деб мушоҳада қилади Ғайбуллоҳ ас-Салом³.

Домланинг фалсафий мактабга асос солганлигини қуйидаги жиҳатлар бир қадар асослаб беради:

¹ Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка чоғлан, одамзод. –Т.: Шарқ, 1997. 251 бет.

² Ғойибов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 27 бет.

³ Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка чоғлан, одамзод. –Т.: Шарқ, 1997. 242 бет.

- ҳар қандай илмий мактабни асоси, маркази бўлади. Масалан, бу Аристотель фалсафий мактабида Ликкей мактаби, рус илмий мактабида Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Улуғбек илмий мактабида Улуғбек расадхонаси, Иброҳим Мўминов фалсафий мактабида эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Домла бевосита шу илмий даргоҳнинг ташкилотчиси ва биринчи раҳбари эди. Гарчи, домланинг мактаб яратиш ғояси Самарқандда ишлаб юрган кезларида бошланган бўлса-да, асосий иш Тошкентдаги фаолиятида бошланди. 1956 йил Тарих ва археология институти таркибида фалсафа сектори тузилди. 1957 йил шу институтнинг фалсафа ва ҳуқуқ секторлари асосида фалсафа ва ҳуқуқ бўлими очилди. Шу бўлим базасида 1958 йил Ўзбекистон ҳукуматининг 1 май қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Фалсафа ва ҳуқуқ институти очилди;

-ҳар қандай мактабда таълим берилади, бир қатор қўлланма ва дарсликлар ўрганилади. Буни чуқур англаган домла бу масалани ҳал этишга чоғланган эди. 1958 йилда “Диалектик материализм масалалар”, 1962 йилда “Тарихий материализм масалалари”, 1964 йилда “Илмий атеизм асослари”, 1967 йилда “Марксча-ленинча этика асослари”, 1968 йилда “Марксча-ленинча философия асослари” дарсликлари унинг бевосита раҳбарлигида чоп этилди. Бу асарлар то мустақиллик йилларигача бир неча марта қайта нашр этилиб, фалсафа йўналишида асосий дарслик ва қўлланмалар сифатида фойдаланиб келинди;

-ҳар бир мактабни ўқувчилар бўлади. Иброҳим Мўминов мактабини ўқувчилари бўлажак академиклар: Музаффар Хайруллаев, Эркин Юсупов, Мўбин Баратов, Саид Шермухамедов, Абулхай Валиев, Ҳайдар Пўлатовлар, бўлажак профессорлар: Омонулла Файзуллаев, Ҳамид Воҳидов, Абдурахмон Ортиқов, Наим Ғойибов, Анвар Шарипов ва бошқалар бор эди. Улар домла бошлаган ишларни энига ва бўйига кенгайтирдиларки, бу илм тоғи ва тоғ тизмаси кўкка бўй чўзиб, уни дунё

илм аҳли тан ола бошлади. Айни пайтда Ўзбекистонда 3000 дан ортиқ ва қардош республикалардаги домланинг минглаб ўғил ва неvara шогирдлари фаолият кўрсатаётibdики, улар шу мактаб ўқувчилари бўлганликларидан фахрланадилар.

Домлани илмий фолияти ва мактаби тўғрисида фикр билдирар экан, профессор Н.Ғойибов ўзининг “Донишманд” рисоласида қуйидаги муҳим илмий хулосаларни беради¹:

-Марказий Осиёда фалсафий тафаккур тарихи халқимизнинг умумий тарихи билан чамбарчас боғлиқликда диалектик алоқада ривожланиб келди; у жаҳон фалсафаси тарихий тараққиётининг ажралмас ва мазмунан бой қисмидир;

-Марказий Осиё фалсафаси ҳозирги замон фалсафасининг асосий илмий-назарий йўналишларидан бири ҳисобланган инсон мавзусига қадим замонлардаёқ фалсафий муаммо сифатида эътибор қаратди ва ривожлантирди; инсон ахлоқи, ахлоқнинг ижтимоий моҳияти айниқса чуқурроқ таҳлил этилди;

-ижтимоий-фалсафий ғоялар бирмунча ривожлантирилди; одил жамият, одил ҳукмдор ғоялари дадил тарғиб қилинди;

-Марказий Осиё фалсафасида билиш жараёни ўзига хос усулларда таҳлил этилди; сезгилар воситасида билиш, ақлий билиш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларига муҳим аҳамият берилди;

-Марказий Осиё фалсафаси оддий диалектиканинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшди. Бу ўринда сонлар назарияси, инсон танаси ҳаётий фаолиятининг, шунингдек, моддий борлиқдаги, жумладан, фазодаги барча предметларнинг ҳаракатлари қонуниятлари ҳақидаги таълимотлар муҳим аҳамиятга эгадир;

-пантеизм таълимотининг шарқона йўналишлари (вахдати вужуд, ваҳдати мавжуд) фалсафий илмлар тараққиётига ўз ҳиссасини қўшди;

¹ Ғойибов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 36-37 бетлар.

-Марказий Осиё фалсафаси тараққиётида тасаввуф таълимоти (тасаввуф фалсафаси) ғоялари ўзига хос аҳамиятга эга;

-Марказий Осиё фалсафий фикрлар тараққиёти юқоридаги хусусиятлари билан жаҳон фалсафаси тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшди.

Домла Иброҳим Мўминовнинг мазмунли ва самарали ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида бизнингча қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин.

-домла ўз фалсафий мактабига асос солган инсон. Бу мактабни “Иброҳим Мўминов фалсафий мактаби” ёки “Ўзбек миллий фалсафа мактаби” дейиш мумкин;

-домла асос солган “Ўзбек миллий фалсафа мактаби” жаҳон фалсафаси тарихида алоҳида ўрин ва мавқега эга бўлган, юнон, рим, хитой, ҳинд, немис, рус фалсафий мактаблари билан бир қаторда турадиган мактабдир;

-домла Иброҳим Мўминов фалсафий мактаби вакиллари айна пайтда аждодлар анъанасига содиқ қолган ҳолда, XXI асрда ҳам Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур, Бедил, Машраб, Иброҳим Мўминов анъаналарини давом эттирмоқдалар;

-домла Иброҳим Мўминов нафақат Марказий Осиё, балки инсоният тарихида ҳам “...энг буюк жасорат-...маънавий жасорат” кўрсатган башар фарзандларидан биридир. Буни биз домлани Амир Темур номини тиклаш жараёнидаги фаолиятида кўришимиз мумкин;

-домла Иброҳим Мўминов донишмандлар юрти Мовароуннаҳр, Марказий Осиё, Туркистон ўлкасинининг фарзанди, буюк бухорийлар: Имом Бухорий, Ҳафзи Кабир Бухорий, Ибн Сино, Исмоил Сомоний, Абу Бакр Наршахий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Дониш, Фитрат, Садриддин Айнийларнинг издоши, улар ишининг давомчисидир;

-Иброҳим Мўминов нафақат Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизими, ўзбек халқи, Ўзбекистон учун, балки, қардош Марказий Осиё халқлари учун ҳам том маънодаги Домладир.

-домла Иброҳим Мўминов ўз ҳаётининг асосий шиорларидан бири “Темурона яшаш ва ишлаш” ҳикмати бўлган. Бу ва алломанинг бошқа пурҳикмат ўғитлари биз авлодларнинг ҳар биримиз учун ибрат, сабоқ ва илмий мактабдир;

- домла Иброҳим Мўминов илмий мероси ва у асос солган мактаб минг йиллар фаолият кўрсатажакки, оддий миллат фидоийси ва фарзанди учун бундан катта бахт йўқ.

Ўзбек халқининг домлаи даврони Иброҳим Мўминов жисмонан бу оламдан ўтган бўлса-да унинг асарлари, ғоялари ва таълимоти халқимиз қалбида ва тафаккурида асрлар оша яшайверади.

ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

*Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги хапқимиз,
лекин асосий бойлиги аёллар.
Ислон .Каримов*

Муҳтарам Президентимиз “Аёлни улуғламоқ - оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демақдир”, - деган эдилар.

Ҳақиқатдан ҳам аёл - жамиятни, ҳаётни давом эттирувчилари саналишади. Фақатгина буни ўзи эмас балки, бугунги аёл давлат арбоби, ақлли оила бекаси, эрининг яқин ёрдамчиси, ўқитувчи, шифокор, мураббий, тарбиячидирлар.

Бугунги аёл ташаббускор, иқтидорли, адолатли, гўзаллик, нафосатлилик, фаросатлилик тимсоли.

Ватанимиз ва халқимизнинг ўтмишида бир қатор буюк аёлларимиз яшаб ўтганлигига тарих шоҳид. Ўшандай аёлларимиздан бири 2015 йили Республикамизда юз йиллиги нишонланган Зулфия Исроиловадир.

Агар Президент Ислон Каримов асарларидаги Зулфия Исроиловага нисбатан билдирилган фикр ва таъкидларни кузатадиган бўлсак унда уч жиҳатни қайд этиш мумкин:

Биринчидан, 2009 йил Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик шодёнасидаги “Пойтахтимиз - муқаддас остонамиз” маърузасида Зулфия Исроилова номи Тошкент шаҳар фарзандлари “... бизга замондош бўлган буюк адиб ва санъаткорлар Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Зулфия ... каби кўп-кўп халқимиз маънавиятига салмоқли ҳисса қўшган улуғ инсонлар камол топган”, дея келтириб ўтилади.

Иккинчидан, “Камолот” ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин” ва “Ватан мукофоти – хоразм элига юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи” маърузаларида Зулфия Исроилова номи “Зулфия мукофоти” тарзида қайд этилади.

Учинчидан, “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарининг уч ўрнида, дастлаб, дунёга танилган машхур илм-фан, адабиёт ва маданият арбоблари таркибида,¹ иккинчи ўринда, “Зулфия сингари алломаларимиз, ёзувчи ва шоирларимиз ҳайкаллари”²) бунёд этилган ва учинчи ўринда шоиранинг маънавий жасоратига³ алоҳида тўхталганини қайд этиш мумкин.

Президентимиз ушбу асарида Зулфия Исроилова фаолиятига алоҳида баҳо бериб ўтган.

“Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоян этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам мен ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърият мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболаға бўлмайди. Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аягани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо ғам-андух ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир”⁴, дея юқори баҳолайди.

Президент Ислам Каримов бошқа бир “Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” асарида маънавий жасорат ҳақида: “айтиш керакки, маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшашда намоян бўлади”⁵, деб ёзади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Ma’naviyat, 2008. 49 бет.

² Ўша асар, 155 бет.

³ Ўша асар, 166-167 бетлар.

⁴ Ўша асар, 166-167 бетлар.

⁵ Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 15-16 бетлар.

“Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат - бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин. Айнан ана шундай одамларнинг маънавий фазилатлари туфайли эзгу ҳис-туйғулар, муқаддас ва улуғ тушунчалар дунёда ҳануз барқарор бўлиб келмоқда. Бундай беназир зотларнинг барча халқлар ва миллатлар орасида кўплаб топилиши-маънавий жасорат туйғуси бутун башариятга хос хусусият эканидан далолат беради”¹.

Хулоса ўрнида айтганда юқорида Президент Ислом Каримовнинг Зулфия Исроилова ҳаёти ва фаолиятига нисбатан берган тафсифи, бу барча заҳматкаш ва фидойи ўзбек аёлларига нисбатан берилган баҳодир. Зулфия Исроилова эса нафақат йигирманчи аср ўзбек аёллари, балки барча даврлар халқимиз аёлларининг ҳам фидойилик ва жасорат тимсоли ва рамзидир.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Ма’naviyat, 2008. 159-160 бетлар.

АЛЛОМАНИНГ АБАДИЙ ҲАЁТИ

*Ҳар қандай иш юзасидан бошқаларга маслаҳат солиш керак,
лекин кўнгил чопган ишнигина қилиш керак.
Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳаёт деб аталмиш жумбоқ, Яратганнинг инсоният, ҳайвонот ва набатот оламига берган неъматларидан бири, организмларнинг яшовчанлигидир. У икки ҳолатда: биринчиси организмларнинг тириклик, биоҳаёт, биофаолият, биологик тур, мавжудот, жонивор сифатидаги яшовчанлигидир. Иккинчи ҳолатда инсонларнинг авлодлар хотирасида тикланиши, эсланиши, ёд этилишидир. Бу эса унинг иккинчи ҳаётидир. Устоз аллома Омонулла Файзуллаев ҳаётдан кетганларига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ, лекин домланинг иккинчи ҳаётлари у кишининг ҳали ҳаётлик давридаёқ бошланган эди. Бизнингча бу ҳаёт деб аталмиш жумбоқнинг узлуксизлиги ва узвийлиги бўлса керак.

“Иккинчи ҳаёт”-ўлимдан кейинги ҳаёт, хотира, инсонлар хотирасида яшаш демакдир. Шу ўринда ҳаётмизда учрайдиган “хотира”, “инсон хотираси”, “инсон хотирасининг мангулиги” тушунчалари ҳақида мушоҳада қилсак.

Хотира тушунчасини икки хил талқин этиш мумкин: у аввало психологик атама бўлиб, инсон мия фаолиятида маълумот ва ахборотларни эслаб ва сақлаб қолиш жараёнини ифодаловчи категория. Шу ўринда домла хотираси билан боғлиқ иккита мисолни келтирмоқчиман. Биринчиси, 2006 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти катта залида домланинг 85 йиллиги тантанаси ўтаётган жараёнда табриклаш навбати Гулистон давлат университетига келди. Гулистондан албатта тўн, белбоғ, дўппи ва ректор табригини Шермат Юсупов ва мен топширгани олиб келганмиз. Тўн ва белбоғ Шермат акани қўлида, дўппи ва адресни мен кўтариб олганман. Совғани топшираётган чоғимизда домла совғаларни қабул қилавериб бироз чарчаган, сўз айтишга ҳам мажоллари йўқ. Домла ва Шермат акани бир-

бирини кўрмаганларига ҳам 25-26 йиллар бўлган. Шермат ака тўнни домланининг елкасига ёпаётганида, домланинг кўзлари одатдагиданда катароқ очилди. Мен домла Шермат акани таниди деб ўйладим. Демак хотиралари кучли экан деган хулосага келдим. Ҳолбуки кўпчилигимиз икки-уч йил олдин ўқитган талабаларимизни эслаш олмаймиз, танимаймиз. Иккинчиси, 2006 йил 30 июнь куни домла раислигида илмий ишимни ҳимоясида бизга нисбатан “бизнинг диссертантимиз-молодец” деган иборани ишлатганларки, мен домланинг бу баҳоси билан ҳозиргача фахрланиб юраман.

Иккинчи бир томондан эса хотира марҳумларни тирикликда бажарган амаллари, касб-кори, сийрати, суръати, хатти-ҳаракати ва бошқа бажарган фаолиятини эсга олишдир. Бандасини эслаш, ёд олиш бу хотирадир.

Инсон хотираси - ҳар бир инсонни вафотидан сўнг уни яқинлари, авлодлари томонидан эсланиши. Яъни аجدодларни авлодлар томонидан ёд этилиши. Ҳар биримиз аجدодлар руҳи олдида бош эгамиз. Чунки улар бизни мана шу мавжуд ҳаётимизнинг сабабчиларидир. Куръони каримда икки яратувчига нисбатан минатдорлик, шукр изҳор этишлик айтилади, яъни Яратганга ва ота-онага. Яратганга нисбатан айтиладиган миннатдорлик, шукр унинг абадийлиги ва азалийлиги учун ҳар доим бажариладиган зикр амали ҳисобланади. Ота-онага, пиру-устозларга ва яқинларга нисбатан эса уларни ҳаётликларида шукроналик, вафотларидан сўнг эса хотира бўлади. Барча марҳум ва марҳумаларни барҳаёт инсонлар томонидан ёд этилиш, эслаш, тилга олиш, гапириш, зикр этиш жараёни - инсонни хотирлаш деб аталади. Тўғри, бу хотирлаш қайсидир марҳум-марҳумада кўп, қайсидир марҳум-марҳумада нисбатан камроқ бўладики, бу уларнинг тирикликдага фаолият жараёнлари билан бевосита боғлиқ жараёндир.

Инсон хотирасининг мангулиги нисбий тушунча. Аслини олганда фақат Яратгангагина мангуликка дахлдор. Бандаси борки, бунга даъво қилолмайди. Лекин инсон хотирасининг нисбатан мангуликка дахлдорлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин: биз бандамиз, яъни Яратганга боғланганмиз. Бир куни унга қайтамыз. Ҳар биримиз инсон сифатида 7 аждод: ота, катта ота, бобо, бува, қува, жўта, жете ва 7 авлод: фарзанд, неварра, чевара, эвара, кабара, овора, дувора (бегона) орасида яралган бир бандаи ожизмиз. 8-аждод ва 8-авлод учун биз бегонамиз, бегоналашамиз, қон-қондошлик, шажаравий боғлиқлигимиз, дахлдорлигимиз бир қадар узоқлашади, зиммамизда уларга нисбатан масъулиятимиз қолмайди. Бандалик бурчларидан бири ҳам тирикликда улар олдидаги аждод-авлодлик бурчини шараф билан бажармоқликдир. Агар авлодлар алмашуви ўртача 20-25 йил чегарасида содир бўлса, унда ўртача ($7 \times 20 = 140$, $7 \times 25 = 175$, $140 + 175 = 315$, $315 : 2 = 157,5$) тақрибан 150-160 йиллар давомида авлодлар бизни хотирлашади. Одатда мусулмончиликда жамики мўмин ва мўминалар эсланади ва дуо қилинади. Шу маънода инсон хотираси мангуликка дахлдордир.

Олимлар эса ёзган асарлари ва кашфиётлари билан ҳам умрбоқийдир.

Марҳумнинг тирикларга қолдириб кетадиган нарсалари, бу-кўрган фарзандлари, ҳаётда орттирган дўстлари, ёру-биродарлари, эккан дарахти, қурган иморати, одамларга қилган яхшилиги, меҳнатда, ишда ва жангда кўрсатган жасорати, ёзган китоблари, қилган кашфиётлари, жамият ва халққа келтирган фойдаси ва етиштирган шогирдларидир.

Файласуф Бенедикт Спиноза: “Ҳар бир нарсага мангулик нуқтаи назар билан боқинг” - деб ёзгандек, инсон ҳаёти ўткинчи, хотираси эса мангуликка дахлдордир. Шу маънода домла Омонулла Файзуллаев хотираси авлодлар, шогирдлар хотирасида, эзгу амаллари ва яратган асарларида доимо барҳаётдир.

Зеро, инсон Оллоҳ томонидан мукаррам ва азиз қилиб яратилган мавжудотдир. Шу маънода унинг хотираси ҳам азиз ва мукаррамликка лойиқ.

Инсонга инсондан яхшироқ наф етказувчи йўқ-деб ёзган эди донишмандлардан бири. Ҳаётда бир-бирига мададкор, ҳамдард ва ҳамфикр бўлишлик, ўтганларни руҳини шод этиш, уларни яхши фазилатларини, ишларини эслаш, аҳли-оиласини йўқлаб туриш ҳам биз инсонларнинг бурчимиздир. Шу маънода ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташаббуси билан мана бир неча йиллардан буён қомусий-файласуф олим Омонулла Файзуллаев хотирасига бағишлаб ўтказилаётган хайрли тадбир ибратлидир. Инсонларнинг инсоният олдидаги бурчининг ижроси, одамийлик қарзини қутилиши ва домла Омонулла Файзуллаевнинг иккинчи ҳаётидир.

Шажара тушунчаси арабча сўз бўлиб "дарахт" деган маънони билдиради. Тасаввуфда айнан "силсила" сўзи ўрнида ишлатилади. Биргина фарқ қиладиган жойи шундаки, "шажара" кўпроқ насабномани ифодаловчи тушунча сифатида, "силсила" эса кўпроқ пиру-устозлар тизимини акс эттирувчи сўз сифатида ишлатилади.

Силсила тушунчаси ҳам арабча тушунча бўлиб, "ҳалқа", "занжир", "кишан" демақдир. Силсила деб тасаввуфда тариқат машойихларининг икки хил нисбий боғланишларига айтилади:

Биринчиси - ҳар бир шайх ўз пиру устози, устозининг устози номларини шу тартибда то Муҳаммад алайҳиссаломгача номма-ном баён қилишликдир. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанднинг пири Саййид Амир Кулол, унинг пири Муҳаммад Самосий, унинг пири Маҳмуд Анжир Фағнавий ва ҳоказо.

Иккинчиси - ҳар бир шайх ўзининг ота-бобалари кимлар бўлтани ва қайси машҳур зотта бориб етишини исботлаб берадиган шажарадан иборатдир. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд ибн Жалолиддин ибн

Бурхониддин ибн Абдуллоҳ ... то Али ибн Аби Толиб (разияллоҳу анҳу) гача.

Шажарашунослик, илмий тил билан айтганда генеология фани узоқ мозийга эга бўлган тарих илмининг соҳасидир. Тарихда турли хил шажаралар ёзилган ва яратилган. Айниқса шажарашуносликка тасаввуф илмида катта эътибор қаратилган. Мустақиллик йилларида миллий шажарашунослик илми юртимизда ҳам қарор топди. Бу жараёнда профессор Омонулла Файзуллаев етакчи ўринда туради. Уни том маънода таниқли шажарашунос олим дейишга асосларимиз бор. Буни қуйидаги жиҳатларда кўриш мумкин:

Биринчидан, олимнинг шажара ҳақидаги фикрларини қайд этиш мумкин. Олим ёзади: “Оила ва жамиятда “Шажара” тушунчаси қадимдан маълум. “Шажара” сўзининг маъноси - аждоду авлодларнинг гўёки бир дарахт-мисол йириклашиб бориши, тадрижий бир давомийлиги деганидир. Бир илдиздан шохлар ва баршар бўлганидек, биз бу ерда илмий тушунчаю ғояларининг ривожланишини “шажара дарахти” кўринишида ифода этмоқчимиз. Бу соҳа ҳозир дунёда генеология деб аталади. Биз бу ерда қуйидаги илмий-тарихий шажараларни тавсия этмоқдамиз”.

Иккинчидан, олимнинг фанлар шажараси ҳақидаги ёзганларини келтириш мумкин:

1.Фан шажараси. Унинг асосий шохлари: табиат ҳақидаги фанлар, техника ҳақидаги фанлар ва ижтимоий-гуманитар фанлар.

2.Фалсафа шажараси. Тарихда шундай вақт бўлганки, унда фалсафа фақат натурфалсафадан, табиат фалсафасидан иборат бўлган. Ҳозир фалсафа ривожланиб, «шох»лари барқ уриб гулламоқда. Табиатшунослик фалсафаси, жамиятшунослик фалсафаси шу жумладандир.

3.Математика шажараси. Математика тарихан умумий бўлгани билан, бора-бора кўп йўналишларга бўлиниб кетган. Яъни вақтлар

ўтиши билан унга янги-янги "шоҳ"лар, "шоҳча"лар, "барг"лар қўшила борган.

4.Алгебра шажараси. Ҳозир алгебралар сони бир неча ўнлаб, лекин илдизи битта. У ҳам бўлса ал-Хоразмий алгебрасига бориб тақалади. Ҳа, буюк аждодимиз ўтказган битта "кўчат"дан катта "дарахт" пайдо бўлган.

5.Алгоритмлар шажараси. Дастлабки алгоритмларни ал-Хоразмий кашф қилгани учун улар "Ал-Хоразмий алгоритмлари" деб ҳам юритилади, Ундан кейин асрлар давомида буюк математиклар галдаги алгоритмларни кашф этишни бошлашди.

6.Физика шажараси.

7.Кимё шажараси.

8.Биология шажараси.

9.Ижтимоий-гуманитар фанлар шажараси. Тарихшунослик, иқтисодшунослик, филология, ижтимоий фалсафа каби фанларни бир шажара сифатида қаралади.

Учинчидан, аждодлар шажараси ҳақида О.Файзуллаев ёзади: "Аждод-авлодлар шажараси. Одамзод Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалган, деган тамойилни қабул қилсак, Ер юзидаги ҳар қандай авлод бориб-бориб ана шу зотларга тақалади. Албатта, бошқа биологик тамойиллар, масалан, Дарвиннинг эволюцион назарияси ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Бу ҳолларнинг ҳаммасида ҳам, барибир, ҳозир яшаётган ҳар бир инсоннинг отаси, буваси ва ҳоказо аждодлари ўз вақтида яшаган бўлмаслиги мумкин эмас, яъни, ҳар бир одамнинг табиий-тарихий шажараси бор. У ёзилмаган ёки ёзилган бўлиши ҳам мумкин. Тарихда ёзиб қолдирилган шажаралар унча кўп эмас. Бу соҳада илм генеология деб аталади ва бу борада анча ютуқлар бор.

Ўзбекистонда ўтган асрларда ҳуқуқ идоралари, қозикалонлар ўз муҳрлари билан тасдиқлаган шажаралар учраб туради. Ана шундай шажаралардан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Беруний номидаги Шарқшунослик институти тарихий-ҳуқуқий ҳужжатлар хазинасида сақланиб келаётган Шайх Зайниддин Бобо Кўйи Орифон Тошкандий ибн Шайх Шаҳобиддин Абу Хафс Умар Сухравардий шажарасидир. Бу тарихий шажарани ўтган замонларда 57 та қозикалонлар ҳуқуқий ҳужжат сифатида ўз муҳрлари билан тасдиқлаганлар. Ушбу шажара беш минг йиллик даврни ўз ичига олиб, Идрис алайҳиссаломдан бошланган. У зотнинг ўн биринчи авлоди ҳисобланадиган Иброҳимнинг икки ўғли бўлган: Исмоил ва Исҳоқ. Исмоилдан мусулмон авлодлар, яъни Идрис-Исмоил-Сухвардий-Шайх, Зайниддин-Норхўжа Тошкандий йўналиши, Исҳоқдан эса насроний ва яҳудий авлодлар, яъни Идрис-Исҳоқ-Исо Масиҳ (Иусис Христос) йўналиши бошланган. Ушбу шажара 80 дан ортиқ аجدод-авлодлардан иборат. Уларнинг ҳаммасини кетма-кет ёзиб чиқиш анча жойни олади. Биз бу ерда улар сонини қисқартирганимизни уч нуқталар билан ифодаладик. Шажаранинг 50-авлоди Сухравардий (1144-1234) ўзининг "Аворуф ул-маориф" китобида ўз фалсафасини яратган бўлиб, бу асар араб, форс, инглиз, француз ва немис тилларида ҳануз нашр этиб келинмоқда. 73-авлод, ҳисобланувчи Саййид Норхўжа (1779-1863) шажарада қуйидагича таърифланган: "Мазкур Норхўжа азизлар узоқ муддат давомида... ноиблик мартабасида, қиём кўрганлига ўз даврининг султонлари ва уламолари томонидан берилган ҳужжатларда ўз аксини топган, умаро ва хоқонларнинг берган ёрлиқлари шундан далолат беради". XIX-XX асрларда ҳам ушбу шажарага дахлдор авлодлардан кўплаб атоқли шоирлар ва олимлар етишиб чиққан. Шоир Хислат (1880-1945) шулар жумласидан.

Ҳар бир оила ўзининг ўтган аجدодлари шажарасини билганича ёзиб ва уни келгуси авлодларга давом эттириш учун қолдирса, фойдадан холи бўлмас эди. Лекин бунга кўп ҳолларда эътибор берилмайди. Агар шажара илмини йўлга қўя олсак, халқимиз маънавияти бирмунча юксалган бўлар эди".

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

*Энг буюк жасорат - бу маънавий жасорат.
Ислом Каримов*

Мустақиллик шарофати ила маънавий меросимизни мустабид тузум сарқитларидан халос қилиш, янгича талқин этиш, ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида жамиятимизнинг барча жабҳаларида: иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу бунёдкорлик ишлари ва ижобий ўзгаришлар жараёнини ғоявий жиҳатдан таъминлаш ва мустақилликни мустаҳкамлаш борасида ижтимоий фан вакилларининг, жумладан файласуфларнинг алоҳида ўринлари бор.

Донишманд халқимиз дунё тамаддунига не-не даҳоларни етиштириб берган. Уларнинг издошлари бугун ҳам жамиятимиз фаровонлиги йўлида қизгин фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай улуғ зотлар ҳар бир давр ва замонда жонбозлик кўрсатиб келган. Жаҳон тарихидаги жуда кўп давлат раҳбарлари, жамоат арбоблари ва саркардалар ўз фаолиятида ҳақимлар, донишмандлар ўғитларига амал қилган, уларнинг маслаҳатлари билан давлатни бошқарган.

Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда: "... аввало мустақилликка эришиш арафасидаги оғир кунларни бевосита кўрган, шу воқеаларнинг гувоҳи бўлган" халқ ва миллат эътирофига мушарраф бўлган устоз-мураббийлар мустақил диёримизда бисёрдир. Улар ҳозирда ҳам ўзларининг бой ҳаётий тажрибалари, салмоқли билимларидан фойдаланиб, Ватан, халқ ва миллат манфаати йўлида зиё тарқатмоқдалар.

Ана шундай закий, мўътабар инсонлардан бири, Ўзбекистон Фалсафа жамияти президенти, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермухамедовдир. Аллома-устоз 2015 йил ўзларининг 85 – баҳорини қаршиладилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон файласуфлар жамияти ҳамда Гулистон давлат университети ҳамкорлигида Сирдарё вилоятида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Академик Саид Шермухамедовнинг мамлакат фалсафа фани тараққиёти ҳамда педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашдаги хизматлари ниҳоятда катта. У киши Иброҳим Мўминов бошлаб берган миллий фалсафа мактабининг ёрқин вакили ва шогирди саналади.

Устоз академик Саид Шермухамедовнинг ҳаёт-фаолияти ва илмий меросини ўрганиш, фалсафаси ва ҳикматларини мазмун-моҳиятини тушиниш баркамол авлод тарбияси ва ўзликни англаш жараёнида барча зиёли-маърифатпарварлар учун фойдадан холи эмас, деган фикрдамиз.

Жасорат, инсон жасорати тўғрисида ҳаётимиз давомида кўп эшитганмиз ва ўқиганмиз. Бунга ватанимиз тарих зарварақларидан исталганча мисоллар келтириб ўтишимиз мумкин. Ҳақиқатда миллатимиз дунё халқлари орасида мард ва жасоратли халқлардан бири.

Мустақиллик йилларида Президент Ислам Каримов томонидан “маънавий жасорат” тушунчаси истеъмолга киритилди. Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини “Энг буюк жасорат”¹ фаслида “маънавий жасорат” ҳақида сўз боради.

Президентимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч”да 14 та жасорат намуналари: Платон, Байтул-ҳикма: Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Хоразм Маъмун академияси: Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абу Наср

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 159-171 бетлар.

ибн Ироқ, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий, Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей, Маҳатма Ганди, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Жаҳид боболаримиз: Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, бобо-деҳқонларимиз, Яҳё Ғуломов, Зулфияхоним, Озод Шарафиддинов ва халқимизнинг миллий мустақиллигини қўлга киритиши эканлиги қайд этилиб, бу жасорат намуналарида 17 кишининг: Платон, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий, Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей, Маҳатма Ганди, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди. Амир Темур, Яҳё Ғуломов, Зулфияхоним, Озод Шарафиддинов исми-шарифлари кўрсатиб ўтилган. Улардан 5 таси: Боғдод академияси, Хоразм академияси, жаҳид боболаримиз, бобо-деҳқонларимиз ва халқимизнинг миллий мустақиллигини қўлга киритилиши умумий, кўпчиликка тегишли маънавий жасорат сифатида қайд этилган. Жасоратларни 14 тасидан 10 таси халқимизга, 3 таси бошқа халқларга: юнон, поляк-итальян ва ҳинд халқларига тегишли. 17 та исми-шарифлардан 7 таси Платон, Абу Наср ибн Ироқ, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий, Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей ва Маҳатма Ганди бошқа: юнон, араб, форс, поляк, итальян, ҳинд халқлари вакиллари дир. Китобда қайд этилган 17 та исми-шарифдан 11 тасига умумий баҳо берилган бўлса, 5 тасига: Платон, Маҳатма Ганди, Яҳё Ғуломов, Зулфия ва Озод Шарафиддиновга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Президент Ислам Каримов бошқа бир “Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” асарида маънавий жасорат ҳақида: “айтиш керакки, маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшашда намоян бўлади”¹ деб ёзади.

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 15-16 бетлар.

Агар Президент Ислом Каримов томонидан тузилган юқоридаги маънавий жасорат тимсоллари бўлган улуғларни исми-шарифлари рўйхатини давом эттириш имконияти бўлганда эди, бу рўйхатга бевосита ва билвосита икки донишманд файласуф, академиклар Иброҳим Мўминов ва унинг шогирди Саид Шермухамедовларни ҳам киритиш лозим бўлур эди.

Академик Иброҳим Мўминов бу рўйхатга шунинг учун ҳам киришлари ўринлики, олим ҳали шўро исканжасининг қамчиларидан қон томиб турган таҳликали бир пайтда буюк Амир Темур шахсини шўро мафкураси таҳқирларига қарамай, унинг тарихдаги хизматларини илмий асослаб берди. Буни таъсирида танаю дашномларга учраб, охир-оқибатида оламдан ўтди.

Саид Шермухамедовнинг энг иқтидорли шогирдларидан бири, фалсафа фанлари номзоди Абдураҳим Эркаев устоз ҳақида “у кишининг чинакам инсоний фазилатларини, қатъиятли иродасини, зарур вазиятларда маънавий жасоратини кўриб, кузатиб, сабоқ олганимдан жуда-жуда мамнунман”¹, (3: 82) деб ёзади.

Академик Саид Шермухамедовнинг 85 йиллик юбилейи арафасида устоз билан бўлган ўзаро мулоқотлар жараёнидаги кузатишларим, олимнинг ҳаёти ва фаолиятига оид адабиётлар билан танишишим асносида, устоз ҳаётида ҳам бир-неча бор маънавий жасорат кўрсатганлигини шоҳиди бўлдим.

Биринчидан, устознинг илк маънавий жасорати 1970-1984 йиллар давомида қариб 15 йил Ўзбекистон Республикасининг Маориф вазири бўлиб ишлаган пайтларида кўринди. Ўша турғунлик йилларида, коммунистик партиянинг зўравонлиги кучайган чоғларда, энг оғир соҳада бунчалик узоқ раҳбар бўлиб ишлашнинг ўзи бир жасорат. Бошқа

¹ Қалб изҳорлари. Тўплам. -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2010. 82 бет.

бир томондан “улуғ оға” кўз ва қулоқларини тайзиқи ва назоратида уларни кўзини шамғалат қилиб, хали “центр ВУЗларни” очириш, мактаб-интернатлар раҳбарларини кўпчилигини маҳаллий миллат вакилларида қўйиш, бутун республика маорифига миллий руҳни киритиш устознинг яна бир жасоратидир.

Иккинчидан, профессор Ҳайдар Бобобеков ўзининг Саид Шермухамедовга бағишлаб ёзган “Замонамизнинг етук олими” мақоласида устоз фаолиятининг беш: ташкилотчилик, раҳбарлик, олимлик, меҳмондўстлик ва “ака”лик (яъни ёшларга ва шогирдларга “ака” деб мурожаат ва муносабат билдириши) қирраларини қайд этиб ўтадилар. Агар биз ўша қирраларни кузатадиган бўлсак, уларнинг барчасида устоз ўзининг ўзига хос фалсафасига, инсонпарварлик фалсафасига содиқ қолиб, инсонийликни, одамийликни ҳаётининг мақсади ва мазмунига айлантирганлигини гувоҳи бўламиз. Бунинг учун эса тасаввуф вакилларикидан кам бўлмаган ирода, матонат ва сабр-бардош керак бўлади.

Учинчидан, буюк француз файласуфи Жан Жак Руссо инсон ҳаётини ўн йилликларга ажратиб: “Ҳар бир ёш ўзининг мойилликларига эга, аммо одам ҳамиша қандай бўлса, шундайлигича қолади. Ўн ёшда у-ширинликлар шайдолиги, йигирмада-жазманлик, ўттизда-лаззатланиш, қирқда-шуҳратпарастлик, элликда-хасислик измида бўлади”, деб ёзади.

Катта ҳаёт, илмий ва раҳбарлик тажрибасига эга бўлган устоз Саид Шермухаммедовнинг фаолиятини кузатадиган бўлсак, у ўзининг барча саккиз “ўн йиллик” ҳаёт поғоналарида “инсонийлик” қирраларини сақлаган, одамийликни ҳамма нарсадан устун қўйиб, “шайтоний”, “нафсоний” ва “жоҳиллик” иллатларидан ўзини холос этиб, баракали ва файзли умр кечирганлиги ва “тўққизинчи ўн” йилликда ҳам шу тамойилларга амал қилиб келаётганликларини шоҳиди бўлмоқдамиз.

Тўртинчидан, 2015 йил февраль ойининг бошларида домлани кўргани “Истиқлол” саройи ёнидаги уйларига бордим. Сухбат жараёнида, “Собиржон ака айни пайтда ҳеч қаерда ишламаяпман. Сентябрь ойида ёшларга халақит бермаслик мақсадида ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб бердим. Ҳозирда эркин қушман”, деб қолдилар. Кўзим домлада бўлса-да, кўнглимда домла “маънавий жасорат қилибдилар-да” деган хаёл кечарди. Кейин билсам, домланинг бу иши унинг навбатдаги мен билган тўртинчи маънавий жасорати бўлиб чиқди.

Саид Шермухамедовнинг маърифат фалсафасидан қатралар:

- Инсон тафаккуридан қудратли куч йўқ.
- Комилликка интилиш жараёнидаги қудратли куч бу фалсафадир.
- Шогирдлардан кўп нарсани талаб қилмасанг, кўп нарсани ололмайсан.
- Ташаббус билан ишланг, ташаббускор эл ардоқлайди.
- Олим бўлиш ҳам, одам бўлиш ҳам осон эмас.
- Ҳеч қачон “амал”нинг кетидан қувманг, “амал” сизни қувсин, шундагина меҳнатингиз самарасига эришасиз.
- Аёлларсиз ҳаёт тараққиётини тасаввур қилиш мумкин эмас.
- Аввало ўзбек тилини мукаммал билиш ва чин қалбдан севиш керак.
- Аслида ёниб, шижоат билан, қалби эзгу ҳисларга тўла, кўплаб шогирд етиштирган, дўст орттирган одамнинг умри баракали бўлади.
- Ким бўлишимиздан қатъий назар инсон бўлиб қолайлик.

Хулоса ўрнида Президент И.Каримовнинг Самарқанд шаҳридаги халқаро анжуманда сўзлаган нутқидаги қўйидаги “... улуғ зотларнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда бутун маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаётган ютуқлари - бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб таъзим қиламиз” деган таъкидини келтириб ўтмоқчимиз ўринли деб биламиз.

ЎЗБЕК ФАЛСАФА ИЛМДАГИ ҚОЯ

*Халқ ақлли кишиларни доно деб атайди.
Форобий*

Таниқли файласуф олим, академик Музаффар Хайруллаев ХХ асрда академик Иброҳим Мўминов асос солган миллий ўзбек фалсафа мактабининг ёрқин вакили эди. Унинг илмий мероси ранг - баранг ва серқирра бўлиб, миллий фалсафамиз тарихида алоҳида ўрин ва аҳамият касб этади.

Илмни денгизга менгазишади одатда. Илм денгиз каби улкан ва чексиз. Денгизга кириб келиш йўллари ҳам турли-туман. Фалсафа илми ҳам илм денгизига қўйиладиган улкан бир дарё. Илм шайдолари денгиз ёки дарё сувларида чўмилиб баҳра олишадилар. Музаффар Муҳиддиновичнинг “фалсафа дарёсига” кириб келиши ҳам ўзига хос бўлиб, бу жараён устоз Иброҳим Мўминов кўмаги ва маслагида амалга ошган.

“... мен Иброҳим Мўминов билан 1952 йил аспирантурада танишдим ва шундан бошлаб умрларининг сўнгигача (1974 йилгача 22 йил. И.С.) бу ажойиб меҳрибон инсон ва ҳақиқий ватанпарвар, миллатпарвар олим раҳбарлигида ва у киши билан ҳамкорликда хизмат қилдим”¹ –деб эслайди М.Хайруллаев устози И.Мўминов тўғрисидаги хотираларида.

Буюклар ўнгирини тутиш шарқона урфлардандир. Музаффар Муҳиддинович ҳам ёш шарқшунос сифатида бу ақидага амал қилган ҳолда аввал Иброҳим Мўминовнинг кейин эса ғойибона Абу Наср Форобийнинг этагидан тутди. Натижада миллий фалсафамизнинг забардаст ва салобатли қоясига айланди.

Буюк файласуф олим Музаффар Хайруллаев илмий фаолиятининг бир неча қирраларини қайд этиб ўтиш мумкин:

¹ Хайруллаев М.М. Миллий маънавиятимизнинг улкан жонкуяри. Академик Иброҳим Мўминов (Мақолалар ва хотиралар). –Т.: 1993. 28-29 бетлар.

-Биринчидан, шарқшунос Музаффар Хайруллаев фалсафа илмига унинг энг машаққатли соҳаси бўлган мантиқ илми орқали кириб келди. У 24 ёшида “Диалектик материализм мантиқий қонунларининг объектив характери ҳақида” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу йўналиш кейинчалик уни Ўзбекистонда илк мантиқшунос олимлардан бирига айлантди. 1986 йил М.Ҳақбердиев билан ҳаммуалифликда “Ўқитувчи” нашриётида “Логика” ўқув қўлланмасини чоп этилишига олиб келди. Бу китоб мустақиллик йилларида “Мантиқ” номи билан қайта нашр этилиб, ҳозиргача олий ўқув юртларида мантиқ фанидан асосий ўқув қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

-Иккинчидан, академик Музаффар Хайруллаев Ўзбекистонда форобийшуносликка асос солган олимдир. “1956 йилнинг ўрталарида Иброҳим Мўминов чет эл матбуотида нашр этилган Форобий ҳақидаги 6 бетлик кичик мақола билан танишиб чиқишни топширдилар. Бу мақола мени ўзига жалб этди ва сўнгги илмий изланишларимни белгилаб олишда ҳал қилувчи роль ўйнади”¹ - деб хотирлаб ёзади файласуф Музаффар Хайруллаевнинг ўзлари. У 1966 йили 35 ёшида Иброҳим Мўминов раҳбарлигида “Форобий дунёқараши ва унинг фалсафа тарихидаги аҳамияти” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди.

-Учинчидан, Музаффар Хайруллаев юртимизда Марказий Осиё уйғониш даврини ўрганган дастлабки файласуф олимдир. У А.Мец, Ш.Нуцубидзе, В.Чалоян, И.Филиштинский, И.Брагинский, В.Никитина, И.Бородина, Н.Конрад каби уйғониш даври тадқиқотчилари каби Ўрта Осиё уйғониш даври ёки Марказий Осиё уйғониш даври² ўрганди ва илмий асослаб берди.

-Тўртинчидан, Музаффар Хайруллаев Марказий Осиё маданияти тарихини³ тадқиқ этган олимдир. Унинг Абу Райҳон Беруний номидаги

¹ Хайруллаев М.М. Миллий маънавиятимизнинг улкан жонкуяри. Академик Иброҳим Мўминов (Мақолалар ва хотиралар). –Т.: 1993. 28-бет.

² Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: Ўзбекистон, 1971.

³ Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. –Т.: Фан, 1994.

Шарқшунослик институтидаги фаолияти ва раҳбарлик даври асосан маданият тарихи масалаларини тадқиқ этишга қаратилди.

-*Бешинчидан*, Музаффар Хайруллаев Марказий Осиё алломаларининг ҳаёти ва илмий фаолиятини тадқиқотчисидир. У киши фақат Абу Наср Форобий ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш билан чекланмади. Унинг раҳбарлигида мустақиллик йилларида чоп этилган уч китобдан иборат “Буюк сиймолар ва алломалар” (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар) (1995-1997 йиллар) тўпламида илк бор 82 та мутафаккирларимиз фаолияти хронологик тадқиқ этди. Бу китоб 2000 йил “Маънавият юлдузлари” номи билан ягона китоб ҳолида қайта нашр этилди.

-*Олтинчидан*, Музаффар Хайруллаевнинг таржимонлик фаолиятини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бевосита домланинг таржимасида Абу Наср Форобийнинг бир неча асарлари: “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола”, “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш керак”, “Фалсафани мазмуни ҳақида сўз” ва бошқа асарлари илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб, ўқувчилар оммаси эътиборига етказилди.

-*Еттинчидан*, Музаффар Хайруллаев Иброҳим Мўминов асос солган ўзбек фалсафа мактабининг неvara вакиллари, айти пайтда замонавий фалсафамизнинг фалсафа тарихи йўналишининг етук вакиллари: Ҳайдар Алиқулов, Миржалол Усмонов, Абдурахим Абдурасулов, Элеонора Бобоева, Муҳаммаджон Қодиров, Абдуқодир Зоҳидов каби олимларни тарбиялаб, етиштирган раҳбар устоздир.

Хулоса ўрнида айтиш мукинки, академик Музаффар Хайруллаев ўзининг машҳур “Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири” асарида: “Уйғониш даври мутафаккирларининг ва умуман, маънавий маданиятдаги характерли хусусиятлардан бири қомусийликка, универсалликка интилиш, бирданига бир неча илм билан шуғулланиш бўлди”-деб ёзганидек, ўзи ҳам қомусийликка, универсалликка интилди.

Ундаги бу илм-маърифатга ва зиёга бўлган талпиниш уни ўзбек фалсафий билимлар тизими тарихида: шарқшунос, мантиқшунос, форобийшунос, маданиятшунос, мутафаккиршунос, таржимон, медевист олимга айлангирди ва ўзбек фалсафа илм тоғининг чўққиси бўлган академик Иброҳим Мўминов ёнидаги миллий фалсафамизнинг сервиқор ва серқирра илм қояси сифатида тарихда қолди.

Зеро, илм тоғлари, қоялари ҳам табиат тоғлари каби абадиятга дахлдордир.

ФАХР ТУЙҒУСИ

*Дедилар, дунёда асли ким азиз,
Айтдилар, устоздир, устоз бегумон.
Тагин айтдиларки, азиз шубҳасиз
Устозин қадрига етолган Инсон.
Абдулла Орипов*

Ҳар биримиз ҳаёт чорраҳаларининг турли нуқталарида ўз устозларимиз билан учрашганмиз. Тақдир деб аталмиш ёзириқ, бизларни ўзимиздан ёши улуғ, тажрибаси катта, билим доираси ва дунёқараши кенг устозларга рўбарў қилган ва қилади. Шартли равишда устозларни уч турга ажратиш мумкин: ота-она, устозлар ва ҳаёт сабоқлари.

Ота-онамизнинг ҳаётга келишимиз, инсон бўлиб вояга етишимиз жараёнидаги сабоқларини таъриф ва талқинлари чексиз.

Ҳаёт сабоқларини ҳар биримиз ҳар дақиқа, ҳар сонияда “олиб” турамиз.

Устоз деб аталмиш зот, зотлар, инсон боласига ота-онадан кейинги энг яқин кишилардир.

Менинг ҳам бир неча устозларим бўлган ва бор. Улар илк саводимни чиқарган Ортиқбой Ғайбуллаев, олий таълимда илмга йўналтирган Абдужалил Бобоколонов, фан оламига етаклаган, фан номзоди илмий даражасига эриштирган Мўбин Баратов ва докторлик сари етаклаётган устод, забардаст олим Саид Шермухамедовлардир.

Аввало, устоз Мўбин Баратов билан илк учрашувимиз тарихи ҳақида. Гулистон давлат университетига ишга келган илк кезларим. 1991-1993 йиллар давомида ўзимча илм қиламан деган ниятда бир неча мақола-тезислар чиқариб, фалсафадан илмий мавзу олиб, мавзуни тасдиқлатиш мақсадида юрибман. Профессор Ҳамид Пўлатов тавсиялари билан “Адолат муаммоси” мавзусида илмий иш қилишга келишиб, университет илмий Кенгашида тасдиқлатиб ҳам қўйдим.

1993 йили Ўзбекистон Республикасида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан

матбуотда эълон қилинган материаллар билан танишиб бордим. Бунинг натижаси сифатида 3 босма табоқдан иборат “Баҳоуддин Балогардон” номли рисола чоп эттирдим. Бу ишларимни кўрган Илмий ишлар проректори А.Каттабеков ва Илмий бўлим бошлиғи А.Позиловлар мени 1994 йил бир йиллик илмий стажировкага борувчилар рўйхатига киритишди. 1994 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтига стажировкага бордим. Институтни “Маънавият ва шахс” бўлимига учрашдим. Бўлимга ўша кезларда Мўбин Баратов домла раҳбарлик қилар эканлар. Домлани олдига кирганимда янги чиққан рисоламни совға қилдим. Домла ҳол-аҳволдан кейин илмий мавзуга ўтдилар. Мен юқоридаги мавзуни айтдим. Домла эса, рисола ни назарда тутиб, “Ўғлим, диссертацияни ярми бўлиб қолибдику, бошқа мавзусини нима қиласиз”,- дедилар. Ва илмий мавзуни ўйлаб кўришимни маслаҳат бердилар. Шундан сўнг устоз раҳбарлигида “Нақшбандия тариқатининг тасаввуф тараққиётидаги ўрни” мавзусида илмий иш қиладиган бўлдим.

Устоз Мўбин Баратов серфайз ва камтарин инсон сифатида ёдимда қолган. У киши билан бирга ижодий жараёнда бўлган ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида орттирган тажрибам ва хулосаларим асосида айтишим мумкинки, домлани ҳақиқатгўйлиги, илмсеварлиги ва камтарлиги у кишининг шахсини белгиловчи фазилатлар эди. Авваллари институтнинг 6-қаватдаги домланинг хонасида, кейинчалик Ц-5 даги 68 уйнинг 7 хонадонидида домла билан илмий мавзу юзасидан учрашиб, суҳбатлашиб юрдик. Баъзи бир сабаблар билан диссертация ҳимояси ҳам чўзилиб кетди. Ҳамиша домла илмга, олдинга юриш кераклигини таъкидлар эди. Сўнги пайтларда домланинг соғлиқлари унча яхши бўлмаса-да, мени ҳимояга чорлар эдилар. Ҳатто, “Фан доктори ҳам бўласиз, Собиржон”, дея ният ҳам билдирган эдилар.

Халқимиз ҳикматларидан бирида “Тоғнинг салобати ундан қанчалик узоқлашганинг сари яхшироқ кўринади” деганларидек, домланинг

салобатини ҳар икки ҳимоямда ҳам юракдан ҳис қилганман. Домла 2005 йил оламдан ўтдилар. Биринчи ҳимоя 2006 йил, иккинчи қайта ҳимоя 2008 йил Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги Ихтисослашган илмий кенгашда профессор Омонулла Файзуллаев раҳбарлигида муваффақиятли ўтди. Ҳимоя олди ва ҳимоя жараёнларида домлани руҳий ёрдамини қалбан сезиб турдим.

Гулистон давлат университети ташаббуси билан 2013 йил академик Мўбин Баратов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманга материаллар йиғиш ва Мўбин Баратов ҳаёти ва фаолиятини яқиндан ўрганиш мақсадида ГулДУнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари 26-27 апрель кунлари Ватанимизнинг гўзал ва қадимий масканларидан бўлган Нурота туманида бўлиб қайтишди.

Сафар чоғида Нурота шаҳридаги қадимий обидалар: “Нур” қалъаси, Шайх Абул Ҳасан Нурий мақбараси, Муқаддас Чашма зиёрат қилинди. Ундаги мўъжизавий балиқлар, меъморий мажмуа, Мўбин Баратовнинг авлодлари бунёд этган Оқ масжид зиёрат қилинди. Устоз яшаган хонадон, ўқиган мактабга борилди. Домланинг Нурота шаҳрида яшаётган яқинлари, синфдоши 80 ёшни қаршилаган Мамаражаб Ҳақназаров ва Нурота табиий-меъморий мажмуа музейи директори Шавкат Исмоилзода билан суҳбат қурилди. Ташриф жараёнида домла Мўбин Баратов ҳаёти ва фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жойлар ва суҳбатлар видео тасмага туширилди. Ушбу материаллар асосида анжуман иштирокчиларига қўйиб бериш учун ва оммавий ахборот воситаларида академик Мўбин Баратов ҳаёти ва фаолиятини ёритиш мақсадида видеоролик тайёрланди.

Нурота сафари давомида домла Мўбин Баратов ҳақидаги янги-янги маълумотларни тўплашга эришилди. Гулистон давлат университетида “Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани 2013 йил 23-24 май кунлари бўлиб ўтди.

Анжуманда асосий эътибор, замонавий ўзбек фалсафаси муаммолари ва ўзбек фалсафаси ривожига ўзининг салмоқли хиссасини қўшган, Шарқ фалсафаси йўналишлари, жумладан, Марказий Осиё мутафаккирлари Форобий, Ибн Сино, Берунийлар меросини, ўзбек миллий фалсафасини шаклланиш жараёни, ўзбек ва ҳинд фалсафий мактаблари ўртасидаги алоқадорликни ўрганган академик Мўбин Баратов фаолияти ва илмий меросини тадқиқ қилишга қаратилди.

Энди, йиллар ўтиб, домла Мўбин Баратов ҳақидаги хотира ва маълумотларни ўрганиб, у инсонинг ўша пайтларда юқори давлат ташкилотлари назарида бўлганлиги, айниқса, Абу Райҳон Берунийнинг (1973 йил) ва Абу Али ибн Синонинг (1980 йил) 1000 йиллик юбилейларини ўтказишнинг ташкилотчиси ва ҳинд-ўзбек халқлари алоқаларини XX асрда янги поғонага кўтаришдаги жонбозлиги, ўз устозлари Иброҳим Мўминовга энг оғир пайтлардаги хайрхоҳлиги, фарзандлари ва шогирдларига берган насиҳатлари, ўғитлари ва домланинг қизлари Муҳтарам, Муаззам, Маҳбуба ва Дилбар опаларни ҳамда устознинг нуроталик қариндошлари, жиянлари Обид Баратов билан бўлган суҳбатларда олган маълумотларим асосида мен Иброҳим Мўминов фалсафа мактабининг Мўбин Баратовдек ўзбек фалсафа фани дарғасининг шогирди эканлигимни чуқур англаб, фахр туйғусини туйиб юрибман.

Маърифатпарвар Пошохожа ёзганларидек:

Ҳеч ким устодсиз топмас жаҳонда иззату жоҳ,
Нечаким ҳашамат била Искандари даврон эрур,
Ҳар неча бўлса каломи комили устоди фан,
Ўз сочин олурда доим ожизу ҳайрон бўлур.

ФАЙЛАСУФ ШОИРНИНГ БОЛАЖОНЛИК ФАЛСАФАСИ¹

*... азиз фарзандининг бахти ва келажагини ўз ҳаётининг
маъно-мазмуни деб биладиган халқмиз.
Ислом Каримов*

Шоирлик касб эмас, тақдир инъоми, Яратган неъмат, халқ дардини куйчисидир. Муҳаммад Юсуф ўзбек халқининг шоир болаларидан бири эди. У ватан, миллат, севги-муҳаббат куйчиси эди. Ўзбек халқининг бола бахшиси эди.

Муҳаммад Юсуф шоирлик ҳақида ёзади:

Шоирлар-куйган кўнгилларни ноласи,
Ғариб оналарнинг ғариб боласи.
Жами буюкларнинг буюги улар,
Жами бечоралар ҳам бечораси...²

Шоир ўзининг шоир Шавкат Раҳмон хотирасига бағишлаб ёзган “Лолақизғалдоқ” шеърисида Шавкат Раҳмон тилидан ўзига-ўзи камторона

Кўкси тиниқ бола,
Ҳалол бола у.
Фақат сал соддароқ,
Фақат сал ёшроқ³, деб таъриф берса, бошқа ўринларда:

Яхши бола. Яхши бола. Яхши бола.
Мен эса бир ёмон қайсар бахши бола.
Ўғил кўрсанг у “шумболангдек” шўх бўлсин,
Кўзларида чақнаб турган бир чўғ бўлсин!⁴

Эсламаса нима, мен бир тўпори,

Қишлоқи сўзбозни, осмон йиқилмас¹ дея ўзини “қайсар”, “бахши”, “шумбола”, “тўпори”, “қишлоқи”, “сўзбози” сифатида тавсифлайди.

¹ Саида Каримова билан ҳамкорликда ёзилган.

² Юсуф, Муҳаммад. Сайланма: Шеърлар. Достонлар. Хотиралар. –Т.: Шарқ, 2007. 228 бет.

³ Ўша асар, 265 бет.

⁴ Ўша асар, 257 бет.

2014 - Соғлом бола йилида шоир Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини мамлакатимизда кенг нишонланганида ҳам қандайдир фалсафа яшрингандек гўё. Муҳаммад Юсуф ижодида “болажонлик” фалсафаси алоҳида ўрин тутди. Гарчи у болалар шоири бўлмаса-да, унинг шеърларида болажонлик уфуриб туради. Унинг шеърларида болажонлик билан боғлиқ: “болахона”, туғуриқхона, бешик, бола-фарзанд, сулола каби жиҳатлар ўз ифодасини топган. Буни қуйидаги жиҳатларда қайд этиш мумкин:

Биринчидан, Муҳаммад Юсуповни шоир Муҳаммад Юсуф қилган нарса бу болажон ўзбек халқининг анъаналаридир.

Аллома Озод Шарафиддинов талқинича “Шошнинг болахоналарида “шоир” деган унвонга эришди”

Мени шоир қилган қумсувоқ

Болахоналарининг бор бўлсин².

Болохона³-юқори хона, икки қаватли (ошёна) уйларда юқоридаги айвон ва хоналар.

Болахоналар одатда бир томондан болалар учун юқорида жойлашган хона бўлса, иккинчи томондан меҳмонлар ва ижарада турувчилар учун қурилади. Кўпинча ўзбекнинг азим шаҳарларида ўқийдиган ва ишлайдиганлар болахоналарда ижарада туришади. Шу маънода юқоридаги сатрларни асли андижонлик бўлган Муҳаммад Юсуф ҳам Тошкент болахоналарида яшаганлиги ва у ерда ижод қилиб шоир бўлганлигига йўйиш мумкин.

Иккинчидан, шоирнинг “туғруқхоналар” тўғрисида ёзганлари борки бу унинг болажонлик шеърятининг қиёси йўқ эканлигидир. Бизнингча Лев Толстойнинг аёлларни туғиш жараёни ҳақида 15 бетлик наср матнини инобатга олмаганда, шеърят тарихида бирон-бир эркак шоир туғруқхона ҳақида шеър ёзмаган бўлса керак.

¹ Юсуф, Муҳаммад. Сайланма: Шеърлар. Достонлар. Хотиралар. –Т.: Шарқ, 2007. 193 бет.

² Ўша асар, 7-8 бетлар.

³ Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. 17 бет.

Шоир ўзининг “Туғруқхонада” шеърда ёзади:

Мана қандай экан оталик бахти,
Турибман гулларим билан панада.
Бир маҳалла бўлғуси файласуфлар,
Олимлар чинқирар туғруқхонада...¹

Бошқа бир ўринда:

Юртим, омон бўлсин бари болаларинг,
Ва уларга доя, туғруқхоналар ҳам², деб ёзади.

Учинчидан, Муҳаммад Юсуф ижодида ўзини ва ёру-биродарларини вояга етишида муҳим омил бўлган ўзбекнинг бешиги юзасидан битганларини қайд этиш мумкин. Аввало бешик ҳақида:

Бешик³-чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун мўлжалланган тўрт оёқли махсус мослама. Асосан тут, тол ва бошқа ёғочдан ясалади. Узинлиги 1-1,05 метр, баландлиги 50 см дан 60 см гача. Бешикнинг тузилиши: тўрттадан саккизта устбози (помбози) ва такбози (гирдбози) билан ўралган; бола ётиши учун такбозилар устига юпка тахтачалар ўрнатилади (унда тувак учун махсус жой ажратилади). Бешикнинг икки томонидаги ярим дойра шаклидаги йўрға (оёқ)ларига узунлиги 1,2 метр, эни 8-10 см бўлган эгмоч (қосқон) ўрнатилади, эгмочга даста бириктирилади. Дастанинг иккала томонига қуббалар ясалади. Боланинг бош ва оёқларини муҳофаза қилиш учун эгмочларнинг ичига бошлоғи ва бағалак чўплар ўрнатилади. Бешик нақшлар билан безатилади ёки ранг-баранг бўёқлар билан бўялади, сўнг баъзан лак суртилади. Болани белаш учун ип ёки шойи матодан махсус тикилган абзаллар (қовуз тўшакча, таглик кўрпача, ёстиқчалар, қўлбоғлар, говрапўш, чойшаб ва бошқалар) ишлатилади. Бешикда ётганда боланинг таги қуруқ, тоза туради. Бешикнинг бир маромда тебранишига она алласининг ҳамоҳанглиги бешикдаги болага яхши таъсир этади,

¹ Юсуф, Муҳаммад. Сайланма: Шеърлар. Достонлар. Хотиралар. –Т.: Шарқ, 2007. 164 бет.

² Ўша асар, 266 бет.

³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-жилд. –Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедия” Давлат илмий нашриёти, 2001. 5 бет.

унинг тинч осуда ухлашини, руҳан соғлом яхши ривожланишини таъминлайди.

Бешик қадимдан ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ, қирғиз ва бошқа шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. Қадимги манбаларда, хусусан “Девону луғотит турк” асарида XI-асрда тилга олинган.

“Бола учун дунё бешиқдан бошланади. Ота-она учун дунё бешиқда давом этади...”

Бешиқда болам ётар, алла,

Эшиқда олам ётар, алла.

Бешик-мурғаккина болани ана шу кенг оламга олиб кирадиган эшик”¹. Ёки:

Кўхна толбешиқдан

Бошланган олам².

Муҳаммад Юсуфнинг “Ёғоч бешик” деган 6 мисралик шеъри бор:

Елкадан сирғалиб кундузги ташвиш,

Елкадан сирғалиб кўрпалари-да,

Супачада ухлар эркак ва аёл

Ёғоч бешик ўрталарида³.

Ушбу мисралар бир жиҳатдан оддий ўзбек оиласининг турмуш тарзини ифодаласа, бошқа бир томондан эркак ва аёлни шарқона томилга кўра ажратиб турувчи ва бир вақтнинг ўзида эр ва хотин ришталарининг боғловчи восита эканлигини ифода этади. Бошқа ўринда шоир бешик ва беланчак ҳақида:

Уй тўрида толбешик-

Акам ётган, мен ётган,

Шердек-шердек келбатли

Беш ўғилга асқотган⁴,

¹ Султонмурод Олим. Бешик. Бадиа. –Т.: Ёзувчи, 1998. 5-6 бетлар.

² Юсуф, Муҳаммад. Сайланма: Шеърлар. Достонлар. Хотиралар. –Т.: Шарқ, 2007. 155 бет

³ Ўша асар, 85 бет.

⁴ Ўша асар, 233 бет.

Бешикларга тўлиб кетсин бир ўзбеклар,
Тили чиқмай кўзи чақнар хур ўзбеклар¹ -

Мен келдим шул шаффоф сўзимни топиб.
Мен билдим, юракдан Ватанни севмоқ-
Беланчак осилган толларни ўпиб,
Чақалоқ кўзига ҳалол термулмоқ...² деб ёзади.

Тўртинчидан, шоирнинг бевосита болаларга бағишланган:
“Болалик”, “Хирмондаги бола”, “Бола”, “Яхши бола” каби шеърлари бор.

Шоир “Болалик” шеърида:

Қиқирлашиб қирларда
Қизлар ўйнаб юрарди,
Рўмолини йўқотиб
Мендан сўраб турарди³.

Шоир “Хирмондаги бола” шеърида:

Бундай қарамагин, чақалоқ.
Мен ҳалол одамман ҳар ҳолда.
Чайқаларди ҳар йил кузда менинг ҳам
Беланчагим шу букри толда⁴.

Шоир “Бола” шеърида:

Кўнглим ийиб кетиб, билмадим нечун,
“Бола” деб қўйибман кучугим отин⁵.

Шоир Хайрулла Саъдиевга бағишлаб ёзган “Яхши бола” шеърида:

Боғчасига кеч қолмаса-яхши бола,
Мактабда “икки” олмаса-яхши бола.
Институтда курсда қолмаса-яхши бола,

¹ Юсуф, Муҳаммад. Сайланма: Шеърлар. Достонлар. Хотиралар. –Т.: Шарқ, 2007. 271 бет.

² Ўша асар, 137 бет.

³ Ўша асар, 68 бет.

⁴ Ўша асар, 137 бет.

⁵ Ўша асар, 141 бет.

Ҳеч кимга гап қайтармаса-яхши бола...¹ дея болаликни-қизлар қикириқлари, хирмондаги боланинг-беланчақда катта бўлишлигини, ўз кучугини ўзига яқин олиб унга - “бола” деб исм берганлиги, яхши боланинг 16: кеч қолмаслик, икки олмаслик, курсда қолмаслик, гап қайтармаслик, билмасликка олиш, кўрмасликка олиш, иш буюрмаслик, танқид қилмаслик, ўз бахтини ўйламаслик, “қизларга қарамаслик”, аччиқланмаслик, йиғламаслик, тик боқмаслик, тутақимаслик, индамаслик, қийнамаслик сифатлари ҳақида ёзади. Бизнингча, шоирнинг болалар ҳақида энг мукамал асари ушбу “Яхши бола” шеърдир.

Бешинчидан, шоирнинг ўз жигарлар-жужуқлари ҳақида ёзганлари, болалар ҳақида энг кўп битганларидир. Шоир қизи Нозимага бағишлаб ёзган “Узр” шеърда:

Шоҳ асар бўлса ҳам тупурдим ўша-
Боламни йиғлатиб ёзган шеъримга!² деб ёзса,

Қизи Мадинага бағишлаб ёзган “Мадина” шеърда:

Бу ёруғ дунёда менинг қолар изим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...³ деб ёзади.

Шоир ўзининг набирасига бағишланган “Билолим” шеърда:

Маконинг тоғларнинг дашту даласи,
Эй арзанда қизимнинг азиз боласи,
Алпдай йигит бўлгин, мағрур ва масрур,
Сен давом этказгил менинг сулолим⁴ деб ўз сулоласини

давомчисини дунёга келганли ҳақида тўлқинланиб ёзган бўлса, икки ёшида бевақт вафот этган жиянига бағишланган “Илёс” шеърда:

Малҳам кутиб менга жовдираб қолган
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.
Шифокор опанинг сўзлари ёлғон,

¹ Юсуф, Муҳаммад. Сайланма: Шеърлар. Достонлар. Хотиралар. –Т.: Шарқ, 2007. 257 бет.

² Ўша асар, 66 бет.

³ Ўша асар, 195 бет.

⁴ Ўша асар, 272 бет.

Илѐс, кўзларингдан айланай сенинг¹ дея куйиниб, ачиниб ѐзади.

Ўзимдан ҳам содда болаларим бор² деган мисраларида ўз ўз жигарлари ҳақидаги дил изтиробларини битади.

Олтинчидан, шоир ўз армонлари ва нолаларида ҳам болаларни ўйлайди, улар ҳақида ѐзади. У “Фарѐд” шеърисида:

Нетай шундай кенг дунёга сиғмасам,

Боламга деб ўйинчоқлар йиғмасам,

Тушларимда алла айтиб йиғласам,

Айб мендами, айб сендами энди ёр?..³ дея ѐзса, бошқа ўринда:

Жисмига сўнгги сафар олдидан

Ўз боласин кўлидан тупроқ тушсин...⁴ деб ѐзади.

Еттинчидан, шоир ҳазрат Алишер Навоийдек ўз асарларини ўз фарзандига, боласига ўхшатади.

Боламдайин ширин эди кеча шеърим.

Видолашдим ҳали ѐзиб улгурмайин⁵.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шоир Муҳаммад Юсуф болажон ўзбек халқининг, ҳатто боласини ҳам сизлайдиган Андижон гўшасининг, Юсуф ота ва Энахон аянинг фарзанди эди. Шу юртда ўниб ўсди, Халқ шоири деган ном ва шараф олди, ҳурмат топди. Ўзи эътироф этиб битганидек:

Кўшдай учиб кучоғингдан дунё кездим,

Кезиб-кезиб топганларим соғинч бўлди⁶.

Шоир “Қаранг, қандай бахтли боламан!”⁷ дея ўз Ватанидан, ҳаётидан ғурурланади, фахрланади. Бошқа томондан у ўз болаларининг отаси эди. Болажон халқнинг шоир фарзанди. Ўз

¹ Юсуф, Муҳаммад. Сайланма: Шеърлар. Достонлар. Хотиралар. –Т.: “Шарқ”, 2007. 138 бет.

² Ўша асар, 270 бет.

³ Ўша асар, 268 бет.

⁴ Ўша асар, 190 бет.

⁵ Ўша асар, 259 бет.

⁶ Ўша асар, 262 бет.

⁷ Ўша асар, 37 бет.

фарзандларининг меҳрибон отаси сифатда унинг болалар ҳақида ёзмаслиги мумкин эмас эди.

Шоир нафақат болалар ҳақида ёзди, балки ўзбек халқининг болажонлигини шеърий мисраларда ифодалаб кетган туғма талант, файласуф ва шоир эди:

Қиёси йўқ асло, меҳри бир дарё,
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.
Болаларига-ку билдирмас, аммо,
Дунёда болам деб яшайди ўзбек¹.

¹ Юсуф, Муҳаммад. Сайланма: Шеърлар. Достонлар. Хотиралар. –Т.: “Шарқ”, 2007. 177 бет.

ИККИНЧИ ҚИСМ

МИРЗАЧЎЛ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ

Маърифатпарварлик тарихида: Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Фарғона, Андижон, Хоразм маърифатпарварлик мактаблари қайд этиб ўтилади. Мустақиллик шарофати билан Мирзачўл маърифатпарварлик мактаби ҳам шаклланди дейишимизга етарли асосларимиз бор.

XX аср мамлакат маърифатчилигидан Сирдарё минтақа маърифатчилигига ўтганимизда шу нарса кузатиладики, минтақада маърифий йўналишдаги зиёлилар фаолияти ўтган асрнинг иккинчи ярмидан, аниқроғи 1963 йил Сирдарё вилояти ташкил этилгандан кейинги даврда кўринади. Бу жараёнда бир томондан Мирзачўл маърифат дарғалари: Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон, Ўзбекистон Қаҳрамони Семе Самадов, таниқли шоир ва публицист Ҳамроқул Ризо ва бошқалар иштироки кузатилса, иккинчи томондан 2016 йили ўзининг 50 йиллигини нишонлайдиган Мирзачўл маърифат маскани, Гулистон давлат университети зиёлиларининг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Ғарбда Рим, Шарқда Самарқанд, Россия тарихида Византия, Россияда Москва давлат университети, Ўзбекистонда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) қандай ўрни-аҳамият касб этган бўлса, Гулистон давлат университетининг Мирзачўл тарихидаги мавқеи ҳам шундай. Шу маънода монографиямизнинг иккинчи қисмида Мирзачўл маърифат маскани, Гулистон давлат университети олимлари: Ҳайдар Алиқулов, Иброҳим Баратов, Шермуҳаммад Юсупов, Қўчқор Абдушукуров, Абдурахим Абдурасулов, Ўринбой Бегимқулов, Бозорбой Усмонов, Баҳодир Бобохонов, Тошназар Омонжулов, Ҳабубилло Абдукаримов, Ўғилой Эрбўтаева, Равшанбек Маҳмудов, Йўлдош Каримлар ҳаёт-фаолияти ва маърифий қарашлари тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қилдик.

СИРДАРЁЛИК ФАЙЛАСУФ¹

*Илмнинг ниҳояси ўйқ.
Фитрат*

Академик Иброҳим Мўминов асос солган ўзбек миллий фалсафа мактабининг ҳақиқий давомчиси, етакчи ва забардаст олимларидан бири сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда илм аҳлига яхши таниш бўлган фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳайдар Алиқуловдир.

Ҳайдар Алиқулов 1939 йилнинг 1 май кунида Тошкент вилоятининг (ҳозирги Сирдарё вилояти) Боёвут туманида туғилган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг 1957 йилдан то 1959 йилнинг июнь ойигача Бекобод металлургия заводида ишчи бўлиб ишлади. 1959 йил сентябр ойидан у Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУнинг) эрон-афғон бўлимига ўқишга кирди ва уни 1964 йилда муваффақиятли тамомлади.

Ҳайдар Алиқулов 1964-1965 йилларда Афғонистоннинг Қобул университетиде стажёр-тадқиқотчи сифатида малакасини оширди. Афғонистондан қайтиб келгач, 1965 йилнинг августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг кичик илмий ходими лавозимида ишга қабул қилинади. Ўша даврда фалсафа тарихи бўйича мутахассис кадрлар камчил эди. Шунинг учун шарқшунослик факультетини битирган, шарқ тиллари, айниқса, араб, форс, ҳинд ва урду тилларини биладиган ёш кадрлар имтиёз асосида ишга қабул қилинар эди. Уларнинг бир гуруҳи аспирантурага кирди, қолганлари эса илмий ходим сифатида илмий тадқиқот ишлари билан машғул бўлдилар. Ҳ.Алиқулов ҳам бошқа ёш кадрлар қаторида институт директори Музаффар Хайруллаев раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ 1971 йилда у "XIV-XV асрларда Ўрта

¹ Ушбу мақола профессор Р.Носиров, доцент А.Шарипов билан ҳамкорликда ёзилган.

Осиё илғор ижтимоий-фалсафий фикри ва Давоний социал-ахлоқий қарашларининг шаклланишида унинг роли” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди.

Ёш олим Эроннинг ўрта асрлардаги машҳур файласуфи Жалолиддин Давоний (1427-1502) нинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларини илк бор таҳлил қилиб берди. У Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган форс ва араб тилидаги асарларнинг қўлёзмаларини кунт билаи ўрганди. Давоний дунёқарашининг шаклланишида Ўрта Осиё мутафаккирлари, айниқса Абу Наср Форобийнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларининг таъсири кучли бўлганлигини исботлаб берди. Ҳайдар Алиқуловнинг номзодлик диссертациясига оппонентлик қилган академик И.Мўминов мазкур тадқиқотга юксак баҳо берар экан, ўз навбатида Давонийнинг фалсафий қарашлари Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари дунёқарашининг шаклланишида ғоявий манбалардан бири бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида қайд қилган эди. Хусусан, домланинг маълумотига кўра, Жалолиддин Давонийнинг "Ахлоқи Жалолий" номли фундаментал асари Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Қўқон ва бошқа шаҳарларнинг мактаб ва мадрасаларида ўқув қўлланма сифатида мутолаа қилинган. Ушбу китоб муаллим ва мударрислар ҳамда талабалар учун дастуриламал вазифасини ўтаб келган. Бу билан устоз И.Мўминов Давоний ижоди билан яхши таниш эканлигини намойиш этди.

Файласуф 1972-1979 йилларда педагогик фаолият билан шуғулланди, Тошкент давлат университетида ахлоқшунослик бўйича талабаларга сабоқ берди. Бундан ташқари ўтган йиллар мобайнида Тошкент шаҳрининг турли олий ўқув юртларида, хусусан Тошкент муҳандислик ва темир йўллар институти, Тошкент техника университети, Тошкент давлат Шарқшунослик, Тошкент давлат

маданият ҳамда Тошкент педиатрия институтларида ўриндошлик асосида фалсафа, ахлоқшунослик бўйича талабаларга маърузалар ўқиди, семинар машғулоти олиб борди.

Иқтидорли олим Ҳайдар Алиқулов кўп йиллик изланишлари натижасида академик Музаффар Хайруллаевнинг илмий раҳбарлигида 1984 йилда “XIV-XV асрларда Ўрта Осиё ва Эрон ижтимоий фикрининг ўзаро таъсири ва равнақи” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олимга фалсафа фанлари доктори илмий даражаси берилди. Ҳ.Алиқулов кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти учун 1991 йили профессор унвонига сазовор бўлди. Докторлик диссертациясида олим Уйғониш даврининг сўнгги босқичида яшаб ижод этган Ўрта Осиё ва Хуросоннинг машҳур мутафаккир ва шоирлари - Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Биноий, Эроннинг машҳур донишмандлари - Мажид Хавофий, Авхадий, Шайх Дойи Шерозий, Жалолиддин Давоний ижтимоий-фалсафий қарашлари ўртасидаги ўхшашлик ва бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатлари, ўзига хослигини форс ва араб тилидаги манбаларни ўрганиш орқали қиёсий усулларни қўллагани ҳолда тадқиқ қилди. Унда муаллиф икки минтақа мутафаккирларининг ижтимоий қарашлари бир-бирига самарали таъсир қилиши натижасида янги фалсафий фикрлар, сиёсий ва ахлоқий қарашлар ривожланганлигини асослаб берди.

Ҳайдар Алиқулов ўзининг илмий фаолиятида кўплаб асарлар ва илмий мақолалар чоп эттириб, Шарқ фалсафаси тарихи бўйича таниқли олим даражасига кўтарилди. Олим 350 дан ортиқ монография, рисола ва илмий мақолалар муаллифидир. “Социально-утопические идеи Средней Азии” (ҳаммуаллифликда, 1992), “Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана” (1992), “Гуманистический мерос в шахс камолоти” (2006) ва бошқалар Ҳ.Алиқулов қаламига мансубдир.

Ҳайдар Алиқуловнинг тадқиқотлари фалсафий меросимизнинг долзарб муаммолари тўғрисида бўлиб, Шарқ фалсафаси, хусусан,

Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий фикри тарихининг шу вақтга қадар ўрганилмаган жиҳатлари, яъни, ўтмиш мутафаккирларининг тадқиқ қилинмаган онтологик, гносеологик, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларини таҳлил қилишга бағишланди. Олим 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида XIV-XV асрда Мовароуннаҳр ва Эронда яшаб ижод этган мутафаккирлар Мажид Хавофий, Журжоний, Абдурахмон Жомий, ҳазрат Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Биноий ва бошқаларнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларини, уларнинг илм-фан ва маданият равнақида қўшган улкан ҳиссаларини ўрганди. Домланинг китоблари, илмий мақолаларида Ўрта Осиё ва хорижий Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Марғиноний, Имом Бухорий, ат-Термизий, Жалолиддин Давоний, Жомий, Навоий, Машраб, Сўфи Оллоёр, Мирзо Бедил, Аҳмад Дониш, Авлоний ва бошқаларнинг ижтимоий-фалсафий, диний-ирфоний ҳамда ахлоқий қарашлари таҳлил қилинди.

Олимнинг у ёки бу мутафаккирнинг дунёқарашига бағишлаб ёзилган кўплаб мақолалари "Фалсафа. Қомусий луғат", "Фалсафа. Изоҳли оммабоп луғат", "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси"да ҳам чоп этилган.

Ҳайдар Алиқулов жамоавий дарслик, ўқув қўлланмалари ва илмий-методик ишланмалар яратишда қизгин фаолият олиб борган. "Основы философии" (1998), "Фалсафа маърузалар матни" (2000), "Основы философии" (2004), "Falsafa" (2006) каби китобларни яратишда асосий муаллиф сифатида иштирок этган. Сермаҳсул олим илмий фаолиятининг яна бир қирраси -Темурийлар даврида яшаб ижод этган мутафаккирларнинг форс тилидаги асарларининг фалсафа, ахлоқ ва сиёсатга оид қисмларини ўзбек ва рус тилларига таржима қилган, уларни шарҳлаб берган. Бу таржималар турли журнал ва тўпламларда босилиб чиққан ҳамда "Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида" номи билан алоҳида китоб ҳолида чоп этилган.

Республикамиз мустақилликка эришгач, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий фикри тарихининг турли муаммоларини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Олим Марғиновий, Термизий, Имом Бухорий, Замахшарий, Абдулхолиқ Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳдуми Аъзам, Машраб, Сўфи Оллоёр, жадид маърифатпарварлари: Авлоний, Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов каби мутафаккирларнинг диний-ирфоний ҳамда маърифий-ахлоқий қарашлари холисона, ҳар томонлама чуқур, тарихийлик тамойили нуқтаи назаридан таҳлил қилади.

Ўтган йиллар мобайнида ўтмишдаги мутасаввиф ва мутакаллимлар, таниқли муҳаддисларнинг диний-ирфоний, маънавий-ахлоқий қарашларини тадқиқ қилаётган олимлар гуруҳи етишиб чиқди. Чунончи Р.Шодиев, Э.Каримов, Г.Наврўзова, Р.Маҳмудов, М.Жакбаров, Қ.Шодмонов, С.Исмоилов, М.Ҳошимхонов, А.Хусейнова, О.Шарипова, Э.Зоиров, Г.Юнусова, О.Муҳаммадиева, З.Аҳмедова, С.Ғозиев ва бошқалар докторлик ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Дарҳақиқат, олимнинг малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари каттадир. Унинг бевосита раҳбарлигида 9 та фан доктори ва номзодлари етишиб чиққан. Унинг шогирдлари масъул лавозимларда ишламоқдалар, республикамизнинг олий ўқув юртларида фалсафа, этика ва эстетика, миллий ғоя ва маънавият асосларидан маърузалар ўқимоқдалар, аспирант ва магистрларга Шарқ фалсафаси тарихи бўйича сабоқ бермоқдалар. Шуни таъкидлаш лозимки, домла бўлажак ёш олимларга ўз кучи ва вақтини аямайди. Унга мурожаат қилган тадқиқотчиларга маслаҳатлар беради, мавзу бўйича диссертация ёзиш, материаллар тўплаш борасида йўл-йўриқлар кўрсатади. Бир неча йилдирки, у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

ва Тошкент давлат шарқшунослик институти бакалавр ҳамда магистрларининг илмий ишларига раҳбарлик қилди.

Шу билан бирга Ҳайдар Алиқулов Гулистон давлат университетида “ГулДУ Ахбаротномаси” илмий журналининг 2001-2011 йилларда таҳрир ҳайъати аъзоси бўлган. Айни кунларда бир қатор шогирдлари Гулистон давлат университетида фаолият кўрсатиб, устоз илмий ва ижодий ишларини Сирдарё воҳасида давом эттираётibdилар.

Юксак салоҳиятли олим ўзининг меҳнаткашлиги, камтарлиги билан ўз ҳамкасblлари орасида обрў ва ҳурматга сазовор инсон эди. Ўзининг фидокорона меҳнати, дарслик ва қўлланмалар яратишдаги хизматлари ҳамда фалсафа фани ривожига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони ҳамда Ўзбекистон фалсафа жамиятининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. 2006 йилда йилнинг энг яхши дарслиги учун Республика танловида “Основы философии” муаллифлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари ва “Истеъдод” жамғармасининг III даражали дипломи соҳиби бўлган эди.

Сирдарёликлар, хусусан боёвутликлар нафақат туманларидан балки Мирзачўлдан етишиб чиққан биринчи файласуф олим, фалсафа фанлари доктори, профессори Ҳайдар Алиқуловдек билан ҳақли равишда фахрланишадилар.

МАЪРИФАТ НОРИ

*Камтар бўлганнинг ҳамкори бордир,
Демак, у ҳаётда битта чинордир.
Қодир бахши*

Ҳар бир юртнинг ва минтақанинг ўз суянадиган тоғлари, юкини ерда колдирмайдиган норлари, шерюрак ўғлонлари бўлади. Бахши шоир Ҳаёт Шодмон шеърларидан бирида шундай сатрлар мавжуд:

Бахшиларнинг айтиб кетган бордир сўзи.

Алпомиш ҳам жиян экан бизга ўзи.

Эналари бўлган асли Зомин қизи,

Жуманбулбул кўнгилларни яйратган эл,

Чанқовузи Ҳалимани сайратган эл – деб. "Зомин сўзлиги" асари муаллифлари Босим Тўйчибоев ва Қозоқбой Қашқирли домлалар "Зомин ҳақида сўз кетса, елкалари юртнинг адирларидек кенг, бўйин томирлари йўғон, яъни ўжарроқ, гап сўзлари ҳам яшаш жойидай нотекис, аммо тўғри ва дангал, сохтакорликнинг кўчасидан ҳам ўтмаган танти, жўмард, "меҳмон отангдан улуғ" маталига ҳамиша амал қилувчи, қўли очиқ, бағри кенг, валломат кишилар эсга келади"-дея таърифлаган ҳамда "Ўзбекистон Швейцарияси", "Ижодкорлар маскани" деб ном олган Зомин элидан етишиб чиққан камтар, маърифатли ва олижаноб инсонлардан бири Иброҳим Баратовдир.

Зомин халқининг Мирзачўлни мирзагулистонга айлантириш жараёнидаги ўрни алоҳида таъриф-тахсинга сазовор.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Мирзачўлни ўзлаштиришга келган Раимқул бобони хонадонида 1939 йилнинг кеч кузида оиладаги иккинчи ўғил неварга дунёга келади. Унга акаси Мустафога уйқаш сифатида Иброҳим деб исм кўяди. Барат отанинг хотирлашича, Раимқул бобо илм ва исломга ихлосманд кишилардан бўлиб, бежизга невараларига Мустафо (Муҳаммад а.с.нинг шарафли исмлари) ва Иброҳим (Иброҳим а.с.нинг исмлари) деб пайғамбарлар исмларини қўймаган кўринади.

Иброҳим аканинг болалиги Сирдарё туманида кечади. У шу ерда ўрта мактабни битирди, илк меҳнат фаолиятини пахта далаларида ишчиликдан бошлади.

1961-1967 йилларда Тошкент давлат университетининг тарих факультетини кундузги бўлимида таҳсил олади. 1967-1970 йилларида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Марғилон филиалида ижтимоий фанлардан дарс беради. Иброҳим ака: "Юрагимнинг бир парчасини янгангиз Саломатхонга берган бўлсам, ярмини Марғилонга ташлаб келганман. Марғилон эли Олтин водийнинг энг шинаванда халқидир. Марғилонликлардек самимий халқни умрим бўйи кўрмадим. Тўнғич фарзандларим Ғуломжон ва Наргизахонлар Марғилон тупроғида дунёга келган" - деб эслайди.

Тақдир тақозоси билан Иброҳим ака 1970 йили Янгиер шаҳрига кўчиб келади. Унинг кейинги 45 йиллик умри Янгиер ва унинг қалби олов одамлари билан бирга кечади. Иброҳим ака бу йилларда Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация инженерлари институтининг Янгиер филиалида 12 йил, аввалги Сирдарё давлат педагогика институти, ҳозирги Гулистон давлат университетиди ва Сирдарё вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтида 30 йилдан буён ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудури лавозимларида фаолият кўрсатиб келган. Ҳозирда қарилик гаштини сурмоқда.

1980 йил Иброҳим ака "Мирзачўлда халқнинг турмуш даражаси ва маданиятини оширишда ижтимоий ташкилотларни роли (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари мисолида)" мавзусида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Йўлдош Ибрагимов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. У 40 йиллик педагогик фаолияти давомида 50 дан ортиқ рисола ва мақолалар эълон қилган.

Иброҳим акани вилоятда танимаган, билмаган одам кам. Ўн минглаб талабалар у кишидан сабоқ олиб, айна пайтда вилоят ва республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқда. Уни ГулДУда фаолият кўрсатган ва кўрсатаётган "Миллий ғоя ва фалсафа" кафедрасининг собиқ доценти, марҳум Ўринбой Бегимқулов, ГулДУ илмий ишлари проректори Амалиддин Сулаймонов, Ижтимоий-иқтисодий факультет декан ўринбосари Баҳодир Тўйчибоев, доцентлар: Одил Олтмишев, Ўғилой Эрбўтаева, Абдулла Икромов, Ориф Раҳматовлар ўзларининг маънавий устозлари деб биладилар. Жиззах педагогика институти деканлари: Исмоил Мўминов ва Эркин Холбўтаев, Сирдарё вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти доценти Козим Эшқувватов, шу институт проректори Абдуманнон Эшмуродов, ОЎМТВда бўлим бошлиғи Баҳодир Тожибоев, ГулДУ катта ўқитувчилари: Абдурахмон Юсуфалиев, Шомурод Бектурдиев ва ўқув бўлим бошлиғи Анвар Араловлар домланинг собиқ талабаларидир.

Тарих факультетининг қалдирғоч магистрантлари: Бекзод Ибрагимов, Элдор Қурбонов, Фаррух Шодиев, Гўзал Аҳмедова ва Юлдуз Давроновалар Иброҳим аканинг том маънодаги, юракка яқин шогирдларидир,

Иброҳим ака Сирдарёдан институтни Гулистон шаҳрига кўчириш жараёнида фаоллик кўрсатган. Собиқ институт ректори Комилжон Эшчонов эътиборидаги кишилардан бири бўлган. 1987-1989 йиллар Ижтимоий фанлар факультети партия ташкилотига раҳбарлик қилган.

Иброҳим акани мучали балиқ, буржи чаён, яшил ранг ва етти рақамини ёқтиради. Бўйи 187 см. Ҳаётдаги шиори "Камтар-етар муродга, ман-ман қолар уятга". Камтарлик бу эзгу ниятлилик, одамийлик, хушмуомалалик, бағрикенглик, иззат икромни билишлилик, дўстлари ва ўзгаларнинг қадрига етишлик, ҳурмат қила олишлик, маънавий поклик демақдир.

Минглаб шогирдларни тарбиялаган, Сирдарёда тарих йўналишини очган, "вилоят тарихчиларининг отаси" деб эътироф этилган, тарих илмидан қарийб 40 йилдан буён Сирдарёда ёшларга сабоқ бериб келган, айна чоғда кексалик гаштини сураётган, ажойиб устоз, камтар инсон ва моҳир педагог Иброҳим Баратовни том маънода биз Сирдарёда ўзига хос тарих мактаби яратган, маърифат нори деб айта оламиз.

МИРЗАЧЎЛ МАЪНАВИЯТ ЧИНОРИ

*Юксак маънавият-енгилмас куч.
Ислом Каримов*

“Ҳамроқул Ризо шеър ёзишни ҳам, уни қиёмига етказиб ўқишни ҳам биларди. Шоир пахта далаларида, меҳнат жамоаларида, турли анжуманларда, тантаналарда бўлганида ундан шеър ўқишни илтимос қилишар, унинг равон, кескир, жарангдор овози ҳаммани ўзига мафтун этарди”, деб ёзади таниқли ижодкор М.Пардаев.

Шоир, ёзувчи ва публицист Ҳамроқул Ризоқулов 1941 йил 26 декабрда Гулистон туманидаги Бешбулоқ қишлоғида дунёга келди. У ўрта мактабда ва Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида сабоқ олди.

“Сирдарё ҳақиқати”, “Гулистон” газеталарида журналист ва муҳаррир бўлиб ишлади. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, вилоят ҳокими ўринбосари каби масъул лавозимларда ишлади. Лекин у ўз фаолиятини бир умр ижод қилишдан айрича тасаввур қиломасди. Ўқувчилик кезларидан, умрини охиригача ижод қилишда давом этди. Охиригача ижод намуналари унинг вафотидан сўнг “Ҳикматлар” номи билан нашр юзини кўрди.

Тақдир тоқозоси билан 1993 йилнинг кузида оилам билан элимизнинг таниқли шоирларидан, ижодкорларидан бири бўлган Ҳамроқул Ризо яшаётган ховли ёнига кўчиб келдик. Кўп ўтмай Ҳамроқул Ризо билан ҳамфикр бўлиб кетдик. Ўзаро суҳбатларимизда оилам ва одам олами, ижод, илм-фан, тарих, фалсафа, санъат, адабиёт ҳамда маънавият ҳақида фикрлашардик.

У пайтлари Ҳамроқул Ризонинг ёзув машинкаси чиқ-чиғи билан уйқудан уйғонардим десам ҳам хато бўлмас. Ҳамроқул ака билан 15 йиллик қўшничилигимиз унинг вафотигача самимий дўстоналик ва ижодий ҳамкорликда ўтди. У кишидан бадият, шоир ва ёзувчилар

ижоди, ҳаёти ҳақида жуда кўп маълумотлар олганман. Ҳамроқул ака Толстой, Пушкин, Гюго, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбек ижодидан менга мароқ билан ҳикоялар қилиб беради. Ҳамкорлигимиз натижаси сифатида 1997 йил “Маънавиятнинг тиниқ чашмаси” рисоламизни эълон қилдик.

Ҳамроқул Ризо том маънода Мирзачўл минтақаси ижодкорларининг, шоир ва журналистларининг норларидан бири эди. Бу ҳақида адабиётшунос олим Умрзоқ Ўлжабоев: “Одатда, ижод, шеърият ҳақида гап кетадиган бўлса, ҳар бир вилоятнинг бу соҳадаги бўй-бастини янада тўлиқроқ кўрсатиб турадиган норлари бўлади. Шу мантиқдан келиб чиқиб сўз кетганда, албатта, биринчи ўринда Тўра Сулаймоннинг номи тилга олинса, иккинчи бўлиб, сўзсиз, Ҳамроқул Ризонинг номи, ёзган асарлари эсга келарди. Юртимизнинг қайси вилояти ёки туманига бормайлик, адабий давраларда, албатта, унинг номи тилга олинарди, ижодига ҳам, шахсиятига ҳам қизиқиш сезилиб турарди. У бутун ҳаёти давомида эл-юртга қилган садоқатли меҳнати, ижоди, изланишлари, барча инсоний фазилатлари билан шундай бир юксакликка кўтарилишга муваффақ бўлган эди”, деб таъкидлайди.

Мунаввар Пардаев таъкидлаганидек Ҳамроқул Ризо “Умр бўйи шеър ёзганига қарамай, ўзини биринчи навбатда журналист деб ҳисоблар, матбуотга ихлоси баланд эди”.

Ҳақиқатда Ҳамроқул Ризо ижодида шеърият ва публистика йўналишини қай бири устувор йўналиш эканлигини ажратиш мушкул муаммо. Шеъриятда у Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон билан ҳамкор, публистикада айна пайтда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кўпчиллик ижодкорларнинг устози, нутқ санъатида тенги йўқ номиқ эди. Шеър мазмунини, нутқ ва маъруза мазмун-моҳиятини тингловчи қулоғига қуюб қўярди. Ўша кезлари жуда кўп давралар, тадбирлар Ҳамроқул Ризонинг шеърлари шукухи, сўзларининг жозибаси билан якун топарди. У сўзга жон бағишларди, сўзнинг бутун сеҳрини, кучини,

қудратини ҳис қилар, буни эса жонли овозда тингловчига етказиб бера оларди. Мана унинг ижод намуналаридан қатралар:

Сўз ҳақида:

-Сўз кўнгил мулкини ёритиб турувчи чироқ.

-“Худо одамни лойдан яратган эмиш. Одамнинг шакли-шамойили тайёр бўлгач ўйланиб қолибди. “Қандай қилиб бунга жон киргизаман?”. Жон эса тоғларда, сойларда, саҳроларда қочиб юрган эмиш. Жонни топгач унга ёқимли оҳангда ширин сўзлабди. Латиф, дилбар сўзлар жозибасидан хайратга тушган жон тананинг ичига кирибди ва тана ичида бир умрга қолибди”. Сўз ана шундай, ҳатто жонни танага киргазишга эга.

-Дунёдаги барча ёқимли сўзлар, дунёдаги сархил гуллар сув ва нон келтирганларга бағишланган.

Сув ҳақида:

-“Сув – ҳаёт, сув-умид, сув-мўъжиза, сув-тириклик. Ахир, жаннатга эшик очиб берадиган сувга инсон дунёга келганида ювинтирилади ва дунёдан кетганида ҳам шу сувга ювинтирилади. Демак, сув бор экан-ҳаёт бор, қўшиқ бор, шодлик бор. Сув бор экан-ер яшнайти, боғ шовуллайди”. (Бешбулоқда баҳор эди китобидан).

Чўлқуварлар ҳақида:

-Муҳиддин Каримов чўлга кетмондастани ўзи билан бирга олиб келганлардан.

-...куёшни кифтларига, сувни кафтларига олиб меҳнат қилаётган меҳнатсевар, камтар, ҳалол, фидокор, иқтидорли одамлар...

-чўлда меҳнат достонини яратганлар.

Ҳамроқул Ризо бутун умр Сирдарё-Мирзачўлни ўз ижодининг бош мавзуси деб билди. Менимча ҳозиргача ундан орттириб бу воҳа ҳақида ёза олган, шеър басталаган ижодкор йўқ.

Унинг “Сирдарё қасидаси” (1974), “Чўл қалдирғочи” (1982), “Мирзачўл” (1984), “Чўлни чаман этганлар” (1995), “Сирдарё

табиатининг ранг-баранглиги” (А.Турдиқулов билан ҳаммуаллифликда, 2000), “Сирдарё чинорлари” (Рустам Турдиев билан ҳаммуаллифликда, 2006-2007) каби асарлари сирдарёлик меҳнаткашлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Мирзачўлнинг бугунги кун гулистонига айлантиришда сирдарёлик меҳнаткашларнинг, шоир тили билан айтганда “Сирдарё чинорлари”нинг алоҳида ўрни ва хизматлари бор.

Ҳамроқул Ризо “Сирдарё чинорлари” асарида вилоятимиз тарихида ўз ўрнига эга бўлган 39 нафар чўлқувар инсонлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида фикр юритади. Бугун эса биз Ҳамроқул Ризонинг ўзини ушбу таркибга, 40 чинор деб киритиб қўйишга ҳақлимиз назаримизда.

Шоир Ҳамроқул Ризо 2008 йил 22 июль куни 68 ёшида вафот этди.

Шоирнинг орзулари бисёр эди. Улардан бири “Бекобод шамоли” мавзусида роман ёзиш бўлиб, бу орзуси армонга айланди. Билмадим нега шу номда роман ёзиш... Балки Ҳамроқул Ризо ўз бўлажак романида вилоятимиз ерларидан сизот сувларни қочириш жараёнидаги Бекобод шамолини аҳамиятини кўрсатмоқчи ёки бўлмаса бугунги кунда Гулистон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини ўз романи сюжетига дарж этмоқчи бўлгандир...

Одатда инсонларга чинордек узоқ умр кўр деб билдирилган тилақда ҳам ҳикмат яширин. Чунки чинор минг йил яшайди. Биз бежизга шоир ҳақидаги мақоламизга “Мирзачўл маънавият чинори-нори” деб мавзу қўймадик. Бундан икки мақсад кўзланади. Биринчидан, шоир Ҳамроқул Ризо вилоятимиздаги маънавият чинорларидан бири эди. Иккинчидан, ҳар бир юртни, гўшанинг ўз эр ва шер йигитлари, халқ юкини, дардини елкасига опичлаб юрадиган, эл корига ярайдиган норлари бўлади. Шу маънода шоир Ҳамроқул Ризо Мирзачўлнинг нор йигитларидан бири эди. Бизнинг назаримизда Ҳамроқул Ризо воҳа тарихи, кечаги мирзачўлликлар, бугунги мирзагулистонликлар хотирасида Мирзачўлнинг чинори ва нори номи билан боқий қолади.

ЯХШИ ЯШАШ ФАЛСАФАСИ

*Одамларни китобни ўргангандек ўрганиш лозим.
Балтасар Грасиан*

Ҳар бир юртни, минтақани ўз эрлари, шерлари, нор йигитлари бор. Шермуҳаммад домла Сирдарёнинг эр ва шер йигитларидан.

Вилоятимизда бир қатор олимлар, файласуфлар фаолият кўрсатадики, улардан бири “Сирдарё ҳаёт фалсафаси”нинг назарий асосчиси Шермуҳаммад домла бўлади. У кишини вилоятда танимаган, билмаган ва улфат бўлмаган одам кам топилади. Ўн минглаб талабалар ундан сабоқ олиб, айти пайтда вилоят ва республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқда.

Минглаб шогирдларни тарбиялаган, фалсафа фанининг сир-асрорларидан қарийб 47 йилдан буён Гулистон давлат университетидеда ёшларга сабоқ бериб, ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган ажойиб устоз, файласуф олим ва моҳир педагог Шермуҳаммад Юсупов бахтли инсон.

Сирдарёда илк файласуфлардан бири деб эътироф этилган Шермуҳаммад Юсупов 1941 йил 20 ноябр куни Самарқанд вилояти Нурота туманининг Боғажат қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. Юсуф ота оилада дунёга келган тўнғич ўғилга яхши ният билан Шермуҳаммад деб ном берди. Мусулмонлик анъаналарида Яратганнинг қули, Расули акрам ва хулафои рошидинларнинг муборак номларини ўғил фарзандларга исм қилиб қўйиш одати бор. Буни қаранки, Юсуф ота тўнғич фарзанддан кўп нарса кутган ва унинг келажагини олдиндан кўра билган шекилли, чақалоққа Шермуҳаммад деб ном берди. Шер-бу ҳазрати Али Муртазонинг куняси, Муҳаммад эса Расули акрамнинг муборак исмлиридир. Демак, Шермуҳаммад исми икки шариф номни ифодаловчи насабдир. Юсуф отанинг исмлари ҳам пайғамбар Юсуф а.с. номларидан олинган. Бундан кўринадики, азиз ва табаррук ислом

қадамжоларидан бири бўлган Нурота бундай исломий улуғ номларни қўйилишига сабаб бўлган.

Шермуҳаммад домланинг болалиги оддий ўзбек болалариникидек Боғжат қишлоғида кечди. 1948-1958 йилларда шу қишлоқдаги 16-мактабда ўқиди. Мактабни 1958 йил аъло баҳоларга тугатиб, 1958-1961 йилларда ўқитувчи бўлиб ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Шермуҳаммад домла 1961-1964 йилларда Ленинград вилояти Гатчина шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизматда бўлиб қайтди. 1964 йил Алишер Навоий номи Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, биринчи курсга қабул қилинди.

Шермуҳаммад домла 1968 йил университетни муваффақиятли тугатди ва янги очилган Сирдарё давлат педагогика институти, ҳозирги ГулДУнинг “Фалсафа” кафедрасига ишга келди.

Бу даргоҳда ишни ўқитувчиликдан бошлади. 1970-1974 йиллар Тошкент давлат университетининг “Фалсафа” кафедраси аспиранти, 1974-1975 йилларда СДПИ “Фалсафа” кафедрасида ўқитувчи, 1975-1977 йилларда катта ўқитувчи, 1977-1982, 1984-1987 йилларда доцент, 1982-1984, 1997-1998 йилларда кафедра мудири, 1987-1992 йилларда тайёрлов бўлими, 1992-1996 йилларда сиртқи бўлим, 2004-2006 йиллар қўшимча таълим ва тарих факультети декани лавозимларида ишлади. 2004 йилдан буён “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси доценти лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

Шермуҳаммад домла 1975 йилда профессор А.Аюпов раҳбарлигида “Илмий техника тараққиётининг колхозчи деҳқонлар маънавий қиёфасини ўзгаришига таъсири” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1980 йил доцентлик илмий унвонини олган. Умумий эълон қилган илмий ишлари сони 100 дан ортиқ бўлиб, улардан 2 таси монография, 4 таси ўқув қўлланма, 10 таси ўқув-услубий қўлланма, қолганлари илмий ва илмий-оммавий мақола ва

тезислардир. Айниқса домланинг “Илмий-техника тараққиётининг маънавий ҳаётга таъсири” ва “Инсон фалсафаси” монографиялари Республикамиз илм аҳли ва файласуфлари орасида машҳур. Домла мамлакатимизда биринчилардан бўлиб илмий-техника тараққиёти ва фалсафада инсон муаммоси мавзуларини тадқиқ этган олимлардан бири саналади.

Донолардан ўрганиш ва ўрганган нарсаларни бошқаларга ўргатиш энг буюк инсонийлик белгилардандир, - дейилади халқимиз ҳикматларидан бирида. Мана 47 йилдирки Шермуҳаммад домла устозлардан ўрганган билимларини ёшларимизга ўргатиб келмоқда. Шермуҳаммад домла ҳозирда ўзи ўқитган биринчи талабаларининг набираларини ўқитмоқда. Улардаги шижоат ва ғайратни кўриб: “Ҳаёт нақадар шиддатли”, “Ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлинг ёшлар”-деб қўяди.

Шермуҳаммад домланинг хатти-ҳаракатларини кузатар эканмиз, унда самимийлик, ҳақиқатгўйлик, кенгфеъллик, бағрикенглик, билимдонлик, вазминлик ва мушоҳадалилик фазилатлари мужассам эканлигини кўрамиз. Бир сўз билан айтганда унда бир инсонда бўлиши мумкин бўлган барча ижобий фазилатлар мужассам.

Ўзаро мулоқотларда, Шермуҳаммад домла биз ёшларга “Бу-ҳаёт фалсафаси”, “Умр ўтиб кетади, ҳаёт лаззатларидан баҳра олинг”, “Юртимиз тинчлигига, оиламиз тинчлигига шукр қилайлик”, “Ҳар бир ўтаётган кунимизга эътиборли бўлайлик”, “Давраларда кўп нарса ҳал қилинади”, “Инсоннинг юзи иссиқ”, “Илм қилинг, унинг эрта - кечи йўқ”, “Ота-онангизни ва устозларингизни бир пиёла чой устида йўқлаб туринг” каби насиҳатомуз фикрларни таъкидлаб турадилар. Буни нафақат биз-ҳамкасблар, балки ундан сабоқ олган ҳар бир толибу илм ҳам, раҳбарият ҳам яхши билади. Кўпчилик унга кўпни кўрган устоз ва тажрибали файласуф сифатида турли муаммоларни ечишга ёрдам беришларини сўраб, мурожаат этади.

“Фалсафа” кафедраси жомоасида давралар ташкил этиб, мана қарйиб 50 йилдан буён тўйу-маъракаларда ўзи бош-қош бўлиб юрибди. Буни нафақат бизнинг жамоа, вилоят зиёлилари, балки бутун Республика файласуфлари яхши билишади.

Биз Шермуҳаммад домладан ўрганадиган, ўрнатқан оладиган жиҳатларимиз жуда кўп:

-вилоят, университет ва факультет раҳбариятининг Шермуҳаммад домланинг фаолиятига нисбатан ҳурмати баланд ва ижобий;

-Шермуҳаммад домлада муомала маданияти юқори, барча билан чиқиша олади;

-Шермуҳаммад домла ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятни тез ва тўғри баҳолай олади, муаммони ечишнинг қисқа ва тўғри йўлини топа олади;

-Шермуҳаммад домла давра кўрган инсон. Жамоани ўз атрофида жуда тез бирлаштиради ва уюштира олади. Шермуҳаммад домлада бу ва шунга ўхшаган хислат ва фазилатлар бир олам. Фақат уни тушунмоқ ва ўзлаштирмоқ лозим.

Фақат Шермуҳаммад Юсуповга хос бўлган жиҳатлар:

-домла то ҳозиргача Сирдарё олийгоҳида фаолият юритган биринчи раҳбарларнинг хос кишиларидан бири бўлган;

-олийгоҳ тарихида беш хил йўналишда декан бўлиб ишлаган ягона инсон;

-университетимиз таёрлов бўлимининг сўнгги декани;

-“Ҳаёт-яхши яшашликдир”, “Жамоа-дастурхон атрофида яхши бирлашади”, “Ўтиб кетмасингдан олдин ҳаётни қадрига ет” каби айтилган фалсафий ғоялар, фикрлар фақат домлага хос;

-домла бирга ишлашган ва ўзи таълим берган барча инсонларнинг, талабаларнинг исмларини хотирада сақлаб қола оладиган, керак бўлса уларнинг қариндошлари-ю қўшнилари ҳам исмларини ва уруғ-аймоқларини номларини эсидан чиқармайдиган кенг ва кучли хотирага

эга, фавқулотда зеҳнли инсон. Бунга шубҳангиз бўлса, 60 йиллар охири йиллари илк ўқитган талабаларидан тортиб, кафедра мудирлик, деканлик йилларда ўқиган талабаларни исми-шарифларини домладан сўраб кўрсангиз бунга амин бўласиз;

-жамоамизда каттаю-кичик, раҳбару-ходим, талабаю-устозлар билан бирдай чиқиша оладиган, муносабатда бўла оладиган ягона ва тенги йўқ инсон.

Шермуҳаммад Юсупов Нурота элининг туркман уруғининг ўғлони, буржи чаён, мучали илон, хоббиси дам олиш, идеали Абу Али ибн Сино, ёқтирган ранги сариқ, рақами беш.

Ҳаёт лаззатлари кўп. Улардан бири ҳаётдан лаззатланишдир. Хитой файласуфларидан бири “Лаззатлардан буюги фикрлаш лаззатидир” деб таъкидлайди. Оллоҳ берган ҳаётни муносиб яшаш, хусусан яхши яшаш энг муҳим лаззатлардандир.

“Ҳар бир одам табиатан турли нарсаларга майл кўяди. Кимдир обрў-эътиборга ўч бўлса, бошқа бировни фақат ўз манфаати қизиқтиради. Кўпчилик роҳат-фароғатни афзал билади”-деб ёзади файласуфлардан бири. Домла ана шу кейинги талқиндаги инсонлар сирасига киради.

Зеро, халқимизда улуғлар этагидан ушласанг, улар сени ҳам улуғликка етаклайди деган ҳикмат бор. Фалсафа фанидан, буюк файласуфлардан, ўзбек файласуфларидан, жумладан, файласуф Шермуҳаммад домла фалсафасидан, ҳикматларидан баҳра олиб, узоқ вақт ҳамнафас бирга яшаш ҳар биримизга насиб этсин.

ШАРҚШУНОС-УСТОЗ

*Мен ҳаётимни шахматсиз тасаввур эта олмайман.
Лев Толстой*

Абдурахим Абдурасулов 1943 йил 15 февралда Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги Қизона қишлоғида туғилган. 1949-1959 йилларда шу тумандаги Гул қишлоғидаги № 4 ўрта мактабда ўқиб уни аъло баҳоларга тугатган.

1950-1960 йилларда шу қишлоқда колхозчи, 1960-1961 йилларда мактабда ёшлар етакчиси, 1961-1962 йилларда мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1962-1967 йилларда Тошкент давлат университетининг (Ҳозирги ЎзМУ) Шарқшунослик факультетини араб бўлимида таҳсил олган.

1966-1967 йилларда Жазоир давлати Миллий университетида ўқиган.

1967-1976 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ инситутида аспирант, илмий ходим бўлиб ишлаган.

1969-1970 йилларда собиқ иттифоқ маориф вазирлигининг Яман Араб Республикасидаги таржимон - референти бўлиб ишлаган.

1976 йилдан то 2005 йилгача аввал Сирдарё давлат педогогика, ҳозирги Гулистон давлат университетида фаолият кўрсатиб келган. 1982-1983 йилларда Иттифоқ мудофаа вазирлигининг Афғонистон ва Туркманистонда ҳарбий йўриқчиси бўлиб ишлаган.

1982 йилда “Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари” мавзусида академик Музаффар Хайруллаев раҳбарлигида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган.

1975 йил Халқаро Шарқшунослар конференциясининг иштирокчиси Абдурахим Абдурасулов “Фан” нашриётида Абу Наср Форобийнинг “Буюк кишилар афоризмлари” рисоласини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

1997-1999 йилларда “Фалсафа” кафедраси мудирининг лавозимида ишлаган.

Абдурахим Абдурасулов университетимизда ҳар бир дарсни энг зўр ўтадиган олимлардан бири эди.

Абдурахим Абдурасулов узоқ йиллар давомида ГулДУ талабаларига: фалсафа, фалсафа тарихи, Шарқ фалсафаси тарихи, диншунослик фанларидан дарс бериб келган.

Абдурахим Абдурасулов катта илмий салоҳиятга эга бўлган инсон эди. Унинг 100 дан ортиқ илмий ишлари матбуотда эълон қилинган.

У вилоят ва Республикаимиз миқёсида етук халқаро сиёсий шарҳловчи эди. Вилоятимизда Абдурахим Абдурасуловни мазмунли ва далилларга бой илмий ва оммабоп маърузалари кириб бормаган хонадон деярли йўқ. У деярли барча Ўзбекистон туманларида, барча Ҳамдўстлик мамлакатларида ва дунёнинг Миср, Ироқ, Тунис, Жазоир, Яман, Афғонистон каби малакатларида хизмат ва илмий сафарларда бўлган.

Абдурахим Абдурасуловнинг ҳаётидаги шиори: “Ўта замонавий бўлиш”, хоббиси - сиёсат, ёқтирган ранги - “кўк”, рақами - “21”, ҳайвони - “йулбарс”, мучали - “от” эди.

Абдурахим Абдурасуловнинг меҳнат ва ижодий фаолияти ўзининг серқиралиги, мазмундорлиги, замонавийлиги билан Республикаимиз илм-фанини ривожлантиришга ҳали кўп йиллар хизмат қилишга ишончимиз комил.

Домла шахмат ўйнашни, сиёсатдан суҳбатлашни ва калла гўшти, янги чиққан кўкатларни истеъмол қилишни хуш кўрардилар.

Шахмат беш минг йиллик узоқ тарихга эга. Ҳақақатан шахмат буюк ўйин бўлиб ҳинд халқининг кашфиёти ҳисобланади. Лекин битта нарсага хайронман. Ном форсий шахмат, арабчада шатранж дейилади. Номни қўйилиши ҳайратланарли. Тасаввуфда бир фикр мавжуд. Тасаввуфнинг пайдо бўлиши Ироққа тўғри келса, унинг гуллаб яшнаган

жойи Мовароуннахр ва Хуросон дейилади. Шахмат Ҳиндистонда пайдо бўлган бўлса ҳам унинг ривожи бизда.

Фалсафа ва шахмат бир-бирига яқин деган гап бор. Фалсафа бу тафаккур бўлса, шахмат уни бойитадиган ўйин ҳисобланади. Энди баъзи бир хотираларни қайд этиб ўтмоқчиман. “Хотира” деб номланган биринчи ҳикоя. Абдурахим ака мудир бўлганларида мен ёшлигимни эслайман. Жаҳонгир Усмонов, Акбар Душаев каби ёш йигит бўлган даврларимда Абдурахим акага, Абдурахим ака мақола ёзмаганингизга ҳам ўн йиллар бўлган бўлса керак деб юборибман. Эртаси куни эрталаб кафедрага келсам Абдурахим ака столни устига “пақ” этиб иккита мақолани ташлаган. “Ука мана биттасини ҳозир “Сирдарё ҳақиқати” газетасига топшириб келдим, мана бу иккинчиси”, деганлар. Ўзим билмаган ҳолда хатога йўл қўйган эканман ўшанда.

Бошқа ҳикоямни мен “Ливия” деб атадим. Абдурахим ака, Ливияда “арабист” бўлиб ўқиб келганларидан кейин, Тошкент шаҳрида бир халқаро анжуман бўлаётганида “Шундай кирдимда Ливия шевасида “Ассалому алайкум” деб салом бердим”, дейди. “Ўтирганлар орасидан биттаси мендан ҳам зўр қилиб ўша шевада “Валайкум ассалом” деса бўладими. Шунда мен энг орқага бориб индамай ўтириб олдим”, дейди Абдурахим ака.

Кейинги ҳикояни “Пахта” деб атадик. Буюк форобийшунос олим Музаффар Хайруллаев деган академик олим ўтганлар. Абдурахим ака у кишининг бел шогирдларидан бўлган. У аспирант бўлиб юрган вақтларида пахта бошланиб қолибди. Хайруллаев домла “Абдурасулов эртадан пахта”, деб айтсалар. “Э, домла мени пахта кийимим йўқ”, деб жавоб берган эканлар. Кейинчалик ўзлари афсусланиб айтдилар “академик олимга олифтагарчилик қилиб кийимим йўқ деб айтибман”. Домла карам шўрвани ёқтирардилар, карам шўрвани нариги томонида “Кўкатлаш” ва “Калла гўшти” деган одатлари ҳам бор эди. Мана ҳозир пиёз, кўкат деган нарсалар кўпайиб кетди. Ўша вақтларда домла беш

олтита шогирдларни олиб Гулистон деҳқон бозорига янги пиёз едиргани олиб борарди. Домлани шундай анъаналари ҳам бор эди. Мен келганда кафедрада Шермат ака, Абдурахим ака, Ўринбой ака, Бозорбой ака, Баҳодир Бобохонов, Равшанбек Маҳмудов каби кафедра гигантлари бор эди. Уларни ўртасига тасаввуф мавзусида кириб борганман.

Хулоса ўрнида айтганда фалсафа тарихи ва шарқшунослик бирига жуда яқин илм соҳаларидир. Мени тасаввуф илми бўйича салоҳиятимни ошишида Абдурахим аканинг (35 %) катта хизматлари бор. Тасаввуф мавзусида илмий мавзу танлашимга ва бу йўлга фақат тўғрилиқ ва самимийлик орқали кириб боришни устоз ўргатганлар. Шунинг учун мен Абдурахим акани ўз устозим деб биламан. Шу маънода устоз шарқшунос Абдурахим ака билан 15 йил бирга, елкама-елка ишлаганимдан фахрланаман ва у кишидек бўлишга интиламан.

ДАВИ БОР ДОМЛА

*Эр эрсанг эрдек юрагинг ишлагин,
Кечган эранларнинг ишин ушлагин.
Ҳайдар Хоразмий*

Халқимизда кишиларга нисбатан “дави бор одам”, “салобатли инсон”, “алп йигит” деган иборалар, халққа, миллатга нисбатан эса “давкар эл”, “улуғ халқ”, “буюк миллат” каби иборалар қўлланилади. Шу манода Қўчқор ака дави бор, яъни елкасида фариштаси бор инсон.

Ер юзида ҳар бир гўшанинг ўз алп ва нор йигитлари, жасур ва довюрак ўғлонлари бўлади. Улар халқ, юрт, юкини, дардини доим ўз елкаларида кўтариб, эл корига яраб юради. Ўшандай алп ва давкар йигитларидан бири, минтақамиздаги етук сиёсатчи ва оддий ўзбеклик илмини елкасига кўтарган устоз Қўчқор домладир.

Файласуф, сиёсатшунос олим Қўчқор Абдишукуровни Сирдарёда танимаган, билмаган одам кам топилади. Ўн минглаб талабалар ундан сабоқ олиб, айти пайтда вилоят ва республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқда.

Минглаб шогирдларни тарбиялаган, Сиёсатшунослик фанининг сир-асрорларидан қарийб 47 йилдан буён Гулистон давлат университетидеда ёшларга сабоқ бериб, ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган ажойиб устоз, файласуф ва таниқли сиёсатшунос Қўчқор Абдушукуровдир.

Қўчқор домланинг болалиги уруш даврида ва урушдан кейинги мураккаб тикланиш йилларида вояга етган қишлоқ болаларидек ўзи туғилган Равот қишлоғида кечди. Ушбу болалик йилларидаги қишлоқ ҳаёти ва турмуш шароити унинг келгусида файласуф олим бўлиб етишишига замин бўлиб хизмат қилди.

Қўчқор ака ўзбек элининг қирқ уруғининг қорачуют тармоғининг ўғлони, буржи савр, мучали қўй, хоббиси сиёсат, идеали Президент Ислон Каримов, ёқтирган ранги қизил, рақами тўққиз, шиори “севиб, севилиб яшаш”.

Буржомаларда таъкидланишича савр буржи соҳиблари: “Бойлик ва пул борасида. Пулни қадрлайдилар ва фаровон ҳаёт шу асосда қурилади деб ҳисоблайдилар. Шу боис улар орасида бадавлат кишилар жуда кўп учрайди. Савр буржи соҳиблари пул топиш борасида қаттиқ меҳнат қиладилар. Улар ўз пулларига қандай ҳукмронлик қилишни яхши биладилар. Оила қурганларидан сўнг ҳамма нарсани жой-жойига қўя оладилар. Пул олди-берди борасида саврлар билан бемалол ҳамкорлик қилиш мумкин, чунки саврлар қалбан пок ва ҳалол инсонлар тоифасидандирлар.

Касб танлаш борасида саврлар замонасининг энг доно кишиларидир. Улар ўзларининг бетакрор қобилият эгаси эканликлари билан бемалол фахрлансалар бўлади. Жуда кўп саврлар фикрни лўнда баён эта олиш қобилиятига эгадирлар. Шунингдек, улар бетакрор овозга эгадирлар. Табиатан жуда бағрикенг, сабрли, чидамли савр буржи вакилларининг кўпчилиги таълим соҳасида фаолият олиб борадилар. Улар орасида ижодкорлар ҳам жуда кўп. Ажабланарлиси, уларни ёзган асарлари орқали ҳам бемалол таниб олиш мумкин”.

Абу Али ибн Сино сўзлари билан айтганда: “Одамнинг ботири мушкулотдан кўрқмайди”. Худди шундай Қўчқор ака ҳам ҳар қандай машаққатдан, мушкулотдан чўчимайди. Вазиятни, муаммони қатъият, ирода ва сабр билан енгиб ўтади! Ҳолбуки, бундай фазилат айна пайтда кўпчилигимизда етишмайди.

Биз шогирдлар, Қўчқор акадан ўрганадиган, ўрнатилган оладиган жиҳатлар жуда кўп:

-Қўчқор ака ҳаётида “Адолат албатта қарор топади” ва “Дунёни етук сиёсатчилар бошқаради” каби ҳикматларига амал қилади;

-Қўчқор ака Сирдарёдан илк етишиб чиққан файласуф-сиёсатшунос олим сифатида эътироф этилган. У фалсафа ва сиёсий илмлар билан тиллаша олади, “мана-ман” деган файласуфу, сиёсатшуносларни баҳс

мунозараларда “бир чўқиб мазасини қочиради!”. Бу фикримни у кишининг барча даврадошлари ҳам тасдиқлайди;

-Қўчқор ака вазмин ва мулоҳазали одам, бемалол ҳар қандай муаммони босиқлик билан ҳал қила олади. Буни исталган одам у киши билан жонли мулоқотда туйиши мумкин;

-Қўчқор акадан ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятни босиқлик билан баҳолай олиш хислати бор;

-Қўчқор аканинг юраги иккита, бири Шафоат онада, бошқаси сиёсатда. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар минутига 70 та уради. На 69 та на 71 та;

-Қўчқор ака кучли воиз, нотик инсон. Унинг суҳбат ва маърузапарининг барчасида ўзбек тилшунослиги жозибалари намоян бўлади;

- Қўчқор ака деҳқон боласи, шунинг учун бўлса керак мана, етмиш ёшдан ўтса ҳам тадбиркорлик билан шуғулланади. “Бир йигитга қирқ хунар оз” мақолига амал қилади. Фарзандларига ҳам шундай йўл тутишни маслаҳат беради. Айни пайтда бу сифат замон талаби, давр тақозасидир;

-Қўчқор ака моҳир “хаттотдир”. У кишини ҳуснихати ниҳоятда чиройли ва жозибали. Биргина қўйган имзосини маҳлиё бўлиб томоша қилиш мумкин;

-Қўчқор аканинг муомала маданияти ўзгача, юзингизга шундай тикилиб гапирадики, гўё юрагингизни урушини ҳис этиб, қалбингизда кечаётган жараёнларни сезиб, билиб ва кўриб тургандек муносабатда бўлади;

-Қўчқор ака жавонмард одам. У кишида футувват аҳлининг барча сифатлари мавжуд. Ҳаким Термизий ёзади: “Жавонмард шундай кишидирки, унинг олдида мусофир ва муқим баробардир”.

Бу ва шунга ўхшаган хислат ва фазилатлар Қўчқор акада бир олам. Фақат уни ҳис этмоқ ва тушунмоқ лозим.

Кучли ва кенг тафаккурли, файласуф-сиёсатшунос олим, етук мураббий ва педагог Қўчқор Абдушукуровга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва ишлари доимо эзгу бўлиб юришини барча ҳамкасблар ва шогирдлари номидан чин дилдан тилаб қоламиз,

Зеро, халқимизда “Улуғлар этагидан ушласанг, улар сени ҳам улуғликка етаклайди”, деган ҳикмат бор ёки файласуф шоир Абдулла Орипов ёзганларидек:

Дедилар, дунёда асли ким азиз,
Айтдилар, устоздир, устоз бегумон.
Тағин айтдиларки, азиз шубҳасиз,
Устозин қадрига етолган Инсон.

МИРЗАЧЎЛ МАРИФАТПАРВАРИ

*Яхшилик қил, дарёга ташла,
Билса балиқ, билмаса, Холиқ.
Мақол*

Сирдарё заминининг фарзанди, файласуф ва донишманди олим Ўринбой Бегимқулов Мирзачўл маърифатчилиги тарихида эътиборга лойиқ инсонлардан бири эди. Унинг ҳаёт йўли оддий ўзбек боласиникидек содда ва камтарона.

Эркин Воҳидов ибораси билан айтганда:

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам

Ўтма ғурур остонасидан.

Пиёлани инсон шунинг-чун

Ўпар доим пешонасидан¹.

Ҳар биримиз ўз ҳаётимиз чорраҳаларида турли устозлар билан рўбарў келганмиз. Тақдир бизга уларни раво кўриб, зиё ато этгани айна ҳақиқат.

Устоз, устод, муаллим деб аталмиш зотлар, ҳар бир инсон учун энг яқин қадрдон кишилардир.

Ўз ҳаётимизни қайси бир босқичида: хоҳ мактаб даври, хоҳ олийгоҳ ёки меҳнат фаолияти, нафақада бўлмайлик, ортга қайтиб, ўзимизга “ким эдигу, ким бўлдик?”-деган саволни берадиган бўлсак, “ким бўлдик?”да устозларни ўрнини яққол сезамиз. Уларнинг умримиз дафтарисидаги ёзувларини ўқий оламиз. Шу маънода биз шогирдлар устозлар олдида бир умрга қарздор ва бурчли бўлиб қоламиз. Тан олиб айтайлик, кўлимизга илк қаламни бериб, саводимизни чиқарган, маърифат дунёсини эшигини очиб, калитини бериб қўйган, касбга, ҳунарга, уни чуқур эгаллашга йўналтирган, нина билан қудуқ қазишга, фаннинг машаққатли сўқмоқларидан чиқишга ўргатган, ҳаётга тайёрлаган, ҳаёт чорраҳаларида тўғри йўл кўрсатган, оғир дамларда далда бўлган,

¹ Тафаккур дурдоналари. 111 ватандош алломаларимизнинг ҳикматли фикрлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2012. 213 бет.

машаққатларни энгишга, ҳаёт синовларига бардошли бўлишга, тушкунликлардан эсанкирамасликка, меҳр-муҳаббатли бўлишга, одамийликни ушлаб юришга, барига ўргатган устозлардир.

Шу ўринда устозларни ҳурматини қилишни, устозлардан ўрганишимиз керак ва бизнинг камолотимиз, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиздаги хизматлари, бари-бариси учун барча устозларимизга бош эгиб таъзим қилишимиз, уларни қадрлашимиз ва ардоқлашимиз биз шогирдларни шарафли ва масъулиятли бурчимиздир.

Ўринбой Бегимқулов менинг ҳаётимда ана шундек эсга оларлик, эслай олишга арзигулик, том маънодаги устозларимдан бири эди. Устоз мени ҳаётда ўз йўлимни топиб олишимга, ўзбекона ҳаёт фалсафасига мослашимга, дангалчиликка, самимийликка, оила ва унинг аъзоларига ҳамда устозларга нисбатан ҳурмат ва эътиборда бўлишликка, “аудиторияга доимо нима биландир кириб, нимадир бериб чиқишга” ўргатган, “ҳаёт фалсафаси” фанидан дарс берган ажойиб устозимиз эди.

Ўринбой Бегимқулов 1944 йилнинг 10 апрелида собиқ Сирдарё, ҳозирги Сайхунобод тумани Т.Ғуломов номли жамоа хўжалигида колхозчи оиласида дунёга келган.

1952 йил шу тумандаги Ушинский номли № 45 ўрта мактабнинг 1-синфига бориб, уни 1962 йилда уни аъло баҳоларга тугатади. 1962-1963 йилларда жамоа хўжалигида ишчи бўлиб ишлайди.

1963 йил Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини француз филологияси факультетига ўқишга қабул қилинади. 1964-1967 йилларда 3 йиллик ҳарбий хизматни ўтайди. 1971 йил мазкур институтни муваффақиятли тугатиб, Сирдарё туманидаги № 13 ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб, кейин, 1973-1974 йилларда Сирдарё вилояти колхоз қурилиш трести қошидаги билим юртида ўқув бўлими мудирини лавозимида ишлайди.

Ўринбой Бегимқуловнинг кейинги ўттиз йиллик ҳаёт йўли собиқ Сирдарё давлат педагогика институти ҳозирги Гулистон давлат университети билан чамбарчас боғлиқ. У 1974-1982 йилларда шу олийгоҳда лаборант, катта лаборант, ўқитувчи ва катта ўқитувчи лавозимларда ишлаб келди. 1976-1979 йилларда Тошкент давлат университетиде аспирантурани ўтади.

1980 йилда фалсафа фанлари доктори, профессор Карим Содиқов раҳбарлигида “Фан – техника тараққиётининг жамиятнинг ижтимоий тузумига таъсири” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Домла 1982 йилдан буён ижтимоий кафедраларда мудирлик ва доцентлик лавозимларида ишлаб келган. 1987 йили доцентлик унвонини олган. 1991-1994, 1999-2007 йилларда Гулистон давлат университети “Фалсафа” кафедрасининг мудире лавозимида ишлаган.

Бир ҳамкасб шогирд сифатида устозимда мавжуд бўлган бир неча ижобий, қирралар устида тўхталмоқчиман:

-Ўринбой ака самимий инсон эди. Бу самимийлик унинг ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида: ишда, оилада ва жамоада намоян бўларди.

-Устоз жуда билимдон эди. Ўзидаги билимларни ўзгаларга етказиб бера оларди. Бунда унинг нотиклиги қўл келарди.

-Устоз тўғри сўз эди. Гарчи бу фазилат инсон учун одми тушунилсада, лекин одамнинг юзига, кўзига қараб ростини, борини муболағасиз, рўй-рост айта олиш, ҳамманинг ҳам қўлидан, келавермайди. Тўғри юзингизга ростини айтганда бошида бироз норозироқ бўласиз, лекин кейин орқаворотдан ғойибона у кишига нисбатан раҳмат айтасиз.

Ўринбой Бегимқуловнинг илмий педагогик фаолияти ҳам ўта залворли. У 40 йилдан ортиқ педагогик фаолият билан шуғулланиб қатор шогирдларни тарбиялади, хусусан: Ш.Кенжаев, А.Сулаймонов,

Ш.Бектурдиев, Б.Тўйчибоев, Ф.Мусурмонқулов, Ф.Боқиев ва бошқаларнинг мазкур университетимизда фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам фикримизнинг далилидир. Домла томонидан ҳозиргача 2 монография, 4 услубий қўлланма, 60 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар эълон қилинган.

Унинг ҳаётдаги шиори яъни бош ғояси: қўлдан келганича одамларга яхшилик қилиш. У бўш вақтларини жаҳон адабиёти классикларини асарларини ўқиш билан ўтказар эди. Ранглардан ҳаворангни ёқтирарди. Кўнгилга яқин рақами - 14. Қўй буржи, маймун мучалида туғилган эди.

Узоқ йиллар раҳбар бўлиб келган Қурбон Амиркулов “Тақдир битиклари” китобида раҳбарлик ҳақида ёзади:

“Яхши ҳунар эгаси, касб устаси бўлиш бошқаю, раҳбарлик қилиш бошқа.

Жамиятнинг ҳамма бўғини раҳбарга муҳтож бўлганига қарамай, “раҳбар” деб аталадиган алоҳида касб йўқ.

Баъзида ўзимча: “Раҳбар чангалзор қондасидаги “табиий танлаш” қонуни билан пайдо бўладими?” дея ҳазил аралаш истехзоли хаёлга ҳам бораман. Ҳазиллашаман-у, лекин унинг замирида катта ҳақиқат борлигини ички бир туйғу билан сезаман. Ахир, раҳбар дегани осмондан тушмайди-ку!”¹.

Бизнингча, Ўринбой Бегимқулов “катта-кичик раҳбарлари” тоифасидан бўлган, у кишининг аввал “Фалсафа” ва кейин “Миллий истиқлол ғояси ва фалсафа” кафедрасида мудирлик қилган йиллари 12-13 йилни ташкил этган.

Ўринбой Бегимқуловнинг раҳбарлик фаолияти юзасидан қуйидагиларни хулоса ўрнида айтиш мумкин:

- кадрларни танлай билиш малакаси. У кишининг бевосита раҳбарлик савияси ва моҳарати билан фалсафа фанлари номзоди,

¹ Амиркулов Қ. Тақдир битиклари. –Т.: Маънавият, 2006. 276-277 бетлар.

доцент Собиржон Исмоилов, катта ўқитувчилар: Шавкатжон Кенжаев, Умид Мавляновлар, ўқитувчилар: Баҳром Боймуродов, Фарҳод Боқиевлар кафедранинг фаол аъзоларига айланишган. Айни пайтда улар кафедра “ядро”сини ташкил этади. Ушбу ўринда бир тарихий воқеликни эслаб ўтмоқчиман.

1992-1993 йиллар эди назаримда. Собиқ мудир, ўша пайтлари Тарих факультети декани бўлган Баҳодир Бобохонов бир-икки йил олдин кафедрага ишга олган: Илҳом Хотамбоев, Асилбек Бойтемиров, Гули Кусимбоева ва Ҳулкар Йўлдошевлар бошқа жойларга ишга ўтиб кетди. Ўша пайтда Ўринбой ака деканимиз Баҳодир акага айтиб қолдилар. “Баҳодир Юсупович, кадр танлашда мана биздек танлаш керак-да. Мана Собиржон индамай бир жойда 20 йил ишлайди”. Ушбу воқеа хотирамда қолган эди. 2011 йил 14 сентябрь куни яқинларимни бир пиёла чойга “Мингчинорга” таклиф қилдим. Ҳамма ҳайрон, сабаб нима деб сўраб қолдилар. Мен, устоз Ўринбой акани бир нияти ҳақиқатга айланганини, 20 йилдан кейин устоз дуосини ижобат бўлганлигини уларга айтдим. Афсус, устознинг ўзлари бу кунга етиб келолмадилар...

-кадрлар билан ишлай олиш маҳорати. У кишининг мудирлик пайтларида барча аъзолар билан самимий муносабат ўрнатилган, барчага тегишли вазифалар тўғри тақсимланган эди. Кафедрада раҳбарият топшириқлари деярли ўз вақтида бажарилишига эришилган, юқори раҳбарлардан таъна-дашномлар олинмаган, кафедра бу борада олдинги сафда юраган пайтлар эди;

-домла даврида ҳужжатлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган эди. Бу ҳақида катта ўқитувчилар: Ш.Кенжаев, Б.Ғафуров, У.Мавляновлар, ўқитувчилар: Б.Боймуродов, Ф.Боқиев тўлқинланиб эслашади.

Хуллас, меҳрибон ва самимий инсон, катта қалб эгаси, файласуф олим Ўринбой домла том маънода етук ва салоҳиятли Мирзачўл марифатпарварларидан бири эди.

ҲАЁТНИ ҲИКМАТ БИЛИБ

*Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё...
Ибн Сино*

Ҳар бир юртни, минтақани ўз ҳақимлари, донишлари мавжуд. Жумладан Сирдарё вилоятида ҳам бир қатор файласуфлар фаолият кўрсатадики, улардан бири том маънодаги файласуф олим Бозорбой Усмоновдир. У кишини вилоятда танимаган, билмаган одам кам топилади. Ўн минглаб талабалар ундан сабоқ олиб, айна пайтда вилоят ва республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқда.

Минглаб шогирдларни тарбиялаган, фанларни отаси деб эътироф этилган фалсафа фанининг сир-асрорларидан қарийб 40 йилдан буён Гулистон давлат университетидеда ёшларга сабоқ бериб, бугунги кунда қариллик нафақасида умргузаронлик қилаётган ажойиб устоз, файласуф ва моҳир педагоглардан бири Бозорбой домладир.

Хитой донишманди Сюн-цзи доноликни тўрт тоифага ажратади¹:

-Хизматкорларнинг донолиги: чаққонлик, топқирлик, ақл- фаросат...

-Қув одамнинг донолиги: иккиюзламачилик, муомала тамойилларини бузиш, ҳар бир ишда хатоликка йўл қўйиш.

-Маърифатли одамнинг донолиги: оз, тўғри ва қисқа сўзлаш, фикрларни мисоли ипга тизгандек тартиб билан баён этиш, ўзини тута билиш.

-Комил инсоннинг донолиги: нутқдаги изчиллик, бирор ҳодисанинг сабаблари хусусида бир неча кунлаб мушоҳада юритиш, уларга ҳар тарафлама ёндашиш ва шунинг баробарида изчилликни сақлаб қолиш.

¹ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. 135 бет.

Бозорбой ака билан ишлаган давримиздаги кузатишларимиз асосида унда 3-тоифа, маърифатли одамнинг донолигига хос фазилятлар мавжуд деган хулоса чиқариш мумкин.

Сирдарёда илк файласуфлардан бири деб эътироф этилган Бозорбой Усмонов 1949 йил 1 май якшанба куни Мирзаобод туманининг Элобод қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. Хўроз ота оилада Эргаш, Йўлдош ўғилларидан кейин дунёга келган учинчи ўғилга якшанба, бозор куни туғилгани учун Бозорбой деб ном берди. Буни қаранки, ўша пайтлари 1-2 май кунлари Хақаро меҳнаткашларнинг бирдамлик байрами сифатида дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида кенг миқёсда нишонланаётган бир пайтда, Хўроз ота деҳқонлигиданми ё валлохи аълам, ё миллий урф-одатларимиздан келиб чиқибми ёш чақалоққа Бозорбой деб ном берди. Аслида бундай бир мушоҳада қиладиган бўлсак Бозорбой, Байрамбек, Байрамали, Қувончбек ёки акаларига уйқаш Қўлдош номини олиши мумкин эди-ку.

Халқимиз қадимдан то рус истилосигача ҳар жумани, ундан кейин эса ҳар якшанбани бозор куни деб атаган, чунки бир ҳафтада бир марта рўзғор учун бозор қилинган бу бир, иккинчидан бозор барча замонларда халқ турмуш тарзида муҳим рол ўйнаган. Хўроз ота ҳам бозор муносабатларига ўтишимизни 40 йил олдин башорат қила билиб, ҳам бозорчи, ҳам бой бола бўлсин деб Бозорбой исмига тўхталган шекилли назаримизда. Бозорбой акани болалиги Элобод қишлоғида оддий ўзбек болалариникидек кечди. 1957 йил Элобод қишлоғидаги 7-мактабнинг биринчи синфига ўқишга боради. Шу мактабни 1966 йил яхши ва аъло баҳоларга тугатади. 1966-1968 йилларда отаси ёнида колхозчи сифатида фаолият кўрсатди. Хўроз ота кенжа ўғлини қадам олишига қараб, ўғлида нимадир борлигини сизди ва уни олий маълумотли бўлишга ундади. Бозорбой Усмонов ота талаби билан 1968-1970 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб қайтгандан сўнг Тошкент давлат университетининг Фалсафа факультетига ҳужжат топшириб,

имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб биринчи курсга қабул қилинди. Олийгоҳда Ўзбекистон фалсафа мактабининг гигантлари: академиклар: Иброҳим Мўминов, Мўбин Баратов, Музаффар Хайруллаев, Абдулхай Валиев, Жондор Туленов, Эркин Юсупов, Саид Шермухамедовлардан фалсафа фан сирларини ўрганди. Айти пайтда миллий фалсафамизнинг чинорларига айланган фан докторлари: Зиёдулло Давронов, Манзура Холматова (марҳум), Дўстмурод Норқулов (Тошкент), Жўрабой Яхшиликков (Самарқанд), фан номзодлари: Абдуғани Шодиев, Манзура Маъруфий (Фарғона), Матлуба Болтабоева, Дилбар Ортиқова, Рустам Шокиров (Бухоро)лар Бозорбой аканинг курсдошларидир. Университетда ўқиш жараёнида Бозорбой ака бўлажак фалсафа фанлар докторлари: Саид Мамашокиров, Қиёмиддин Назаров, Абдулҳафиз Жалолов, Исмоил Соифназаровлар билан турли фалсафий баҳс ва мунозараларга киришиб, тортишиб, "ташлашиб" юрган. Бозорбой ака айниқса Миржолло Оқилович Усмоновнинг ва Жаллол Мансурович Бобоевларнинг мазмунли маърузаларини ҳозиргача фахрланиш туйғуси ва мароқ билан эслайди. Бозорбой аканинг гуруҳ раҳбари таниқли файласуф олим Миржолло Усмонов бўлган.

Самарқандлик машҳур файласуф Жўрабой Яхшиликков ҳар гал Тошкентга кетаётганида Гулистонда тўхтаб ўтмасдан, дўсти Бозорбойни кўрмасдан кетолмайди. Бозорбой ака Тошкентга ҳар гал борганида устози Миржолло Усмонов, курсдошлари Зиёдулло Давронов, Дўстмурод Норқуловлар билан бир дийдорлашмасдан Гулистонга қайтолмайди. Кўп жойларда Бозорбой ака мен Иброҳим Мўминов, Мўбин Баратов, Музаффар Хайруллаев ва Жаллол Бобоевларнинг мазмунли маърузаларини эшитганимдан фахрланаман, деб гапириб юради.

Бозорбой ака 1975 йил университетни муваффақиятли тугатди.

Рус адиби С.Сулгинскийда "Ғарб-оқил, Шарқ-донишманд, Ғарб-кенглик, Шарқ-теранлик. Ғарб-ҳаракат билан яшаган, Шарқ эса орзу-

умид билан, агар Ғарбнинг атоқли олимлари фаол бўлсалар, Шарқда улар файласуфлардир" деган ибора мавжуд. Шарқ донолик, тафаккур бешиги. Халқ орасида юртимизда инсон уч ҳолатда: яъни таянч фалсафий билим олган тақдирда, уйланганда ёки 60 ёшга тўлганда доноликка, донишмандликка эришади деган гап бор.

Машҳур инглиз мутафаккири Вильям Шекспир "Ҳаёт театрга ўхшайди, унда ҳар ким ўз ролини ўйнагани келади" деб ёзган бўлса, испан файласуфи Болтасар Гарсиани эса "Ҳаёт - ўйиндир" деб ёзади. Агар биз инсон ҳаётини кўпчилик қизиқадиган ўйинга, масалан футбол ўйинига муқояса қилсак, жумладан Бозорбой акани университетда кечган йилларини яъни талабаликнинг олтин даврини футбол ўйинига менгзасак, шунда, Бозорбой ака футбол деб аталмиш ҳаёт ўйинидаги голини 26 ёшида ўн бир метрлик жарима тўпидан урган дея оламиз. Чунки жарима тўпи ўйин даврида белгиланади. Олийгоҳда ўқиш даври ҳам белгиланган режа асосида доноликка тайёрловчи муҳит деса бўлади. Ушбу ўринда Бозорбой акани файласуфлик дипломини доноликнинг биринчи ҳолати, футболдаги биринчи гол деб баҳоладик.

Бозорбой Усмонов иккинчи бор файласуфлик мақомига 1977 йил Гулчеҳра янгага уйланиши билан муяссар бўлди, 28 ёшида иккинчи голни уриб, дублга эришади. У 1975 йил Сирдарё давлат педагогика институтининг "Фалсафа" кафедрасига ишга келади. Бу ерда ишни оддий лаборантликдан бошлаб, кейинчалик ўқитувчи, 1993 йилдан катта ўқитувчи, 1999-2004 йилларда университет Бирлашган Касаба уюшмаси кўмитаси раиси, 2002-2004 ва 2005-2006 йилларда Гулистон давлат университети Тарих факультети декани лавозимларида ишлаган. 1982-1985 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Фалсафа кафедраси аспиранти бўлган. Бу ерда фалсафа фанлари доктори, профессор, академик Жондор Туленович Туленов раҳбарлигида "Тараққиёт тамойиллари ва унинг ижтимоий билишдаги ўрни" мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб

борган ва мавзуга оид 20 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилган. Австрия, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистонда ўтказилган бир неча хақаро ва 30 дан ортиқ Республика илмий анжуманларининг иштирокчиси. Умумий эълон қилган илмий ишлари 50 дан ортиқ. 1996 йилдан то 2014 йилгача "Фалсафа" кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида фаолият кўрсатиб келган.

Инсонлар маъдан конларига ўхшашади, деб ёзган эди Муҳаммад Хузарий. Бозорбой Усмоновни ҳам маъданга ўхшатиш мумкин. У киши билан қанчалик яқин таниша борганингиз сари уни янги ва янги қирраларини ўзингиз учун очиб: уддабурон оила бошлиғи, вафодор ёр, меҳрибон ота, ишбилармон, тадбиркор, "мини" чорвадор, уста нотиқ, самимий маслаҳатгўй, барчага ҳаммаслак, сўзи билан иши бир ходим, ўз ҳаётида "Адолат-ҳаёт мезони" шиорига амал қилувчи бир инсон эканлигини кашф қилиб бораверасиз.

Бозорбой аканинг хатти-ҳаракатини кузатар эканмиз, унда уддабуронлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, самимийлик, ҳақиқатгўйлик, бағрикенглик, босиқлик, билимдонлик ва кенг мушоҳадалилик фазилатлари мужассам эканлигини кўрамиз.

Кўпинча ўзаро мулоқотларда, бирор воқеа-ҳодисаларга муносабати билдирилганда Бозорбой ака "Бу-фалсафа", "Бўласан - дедим-ма бўласан!", "Қайнотапарвар", "Ўртоқлар, бир мушоҳада қилайлик", "Раҳбарларнинг эгаллаб турган лавозими шуни тақозо этади", "Ҳар бир нарсага объектив ёндашайлик" каби мантиқий фикрларни қўллайдик, бу унинг ўзига хос бўлган фалсафий дунёқарашидир. Буни нафақат биз-ҳамкасблар, балки ундан сабоқ олган ҳар бир толибу илм ҳам, раҳбарият ҳам яхши билади. Кўпчилик унга кўпни кўрган устоз ва тажрибали файласуф сифатида турли муаммоларини ечишга ёрдам беришларини сўраб, мурожаат этади. Биз Бозорбой акадан ўрганадиган, ўрнатилган оладиган жиҳатлар кўп:

-Бозорбой аканинг айниқса, университет ва факультет раҳбариятига нисбатан ҳурмати баланд ва самимий эди;

-Бозорбой акада аёлларга нисбатан муомала қилиш маданияти юқори;

-Бозорбой ака деҳқон боласи, шунинг учун бўлса керак мана, сал кам етмиш ёшга кирса ҳам томорқасига экин экишни, ҳовлида 4-5 та қўй боқишни канда қилмайди. "Бир йигитга қирқ ҳунар оз" мақолига амал килади. Ўғли Жаҳонгирга ҳам шундай йўл тутишни маслаҳат беради;

-Бозорбой акадан ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятни тез ва тўғри баҳолай олиш, муаммони ечиш йўллари қисқа ва тўғри йўлини топа олиш каби ижобий хислатлари бор;

-Бозорбой аканинг дарс ўтиш услуби ўзгача, тушунчани, масалани, мавзунини шундай ёритиб, ифодалаб берадики, гўё миямизга "жойлаб" кўярди. Бу ва шунга ўхшаган хислат ва фазилатлар Бозорбой акада бир олам. Фақат уни тушунмоқ ва ўзлаштирмак лозим.

Фақат Бозорбой Усмоновга хос бўлган жиҳатлар: -университет тарихида илмий даражага эга бўлмай туриб икки карра декан бўлган;

-ўзи билмаган ҳолда маълум муддат "кафедра мудирини" лавозимида ишлаган;

-университетимизда таянч фалсафий маълумотга, дипломга эга бўлган биринчи файласуф;

-"Бу-фалсафа", "Бўласан" фалсафий ғоянинг асосчиси; - жамоамизда рус, қозок, қирғиз ва ўзбек тилларида дарс бериб келган ягона инсон.

Бозорбой Усмонов Зомин элининг боймоқли уруғининг ўғлини, буржи бузоқ, мучали сигир, хоббиси тадбиркорлик, чорвачилик, идеали Президентимиз Ислам Каримов, ёқтирган ранги бинафша, рақами беш.

Фалсафа фанлар доктори Виктор Алимасовнинг "Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати", "Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи" ва "Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати" асарлари билан фалсафадан, фикрлашдан

лаззатланишга, фикрлаш чанқоғимизни қондиришга ва фикрлаш ҳам санъат эканлигини бизга тушунтириб, таҳлил қилиб беради.

Сирдарёда шундай вазифани, фалсафа яъни фикрлаш санъатини, ундан лаззатланиш усулларини бизга файласуф Бозорбой Усмонов энг қисқа ва тез ўрганиш йўлларини кўрсата олади.

Устоз Бозорбой Усмонов Фирдавсийнинг: “Юз берган ҳар бир ҳодисага муносиб баҳо бера бил”¹ ҳикматига доимо амал қилиб келади. Зеро, биз эса Бозорбой домланинг ҳаёт фалсафасидан, ҳикматларидан ва маърифатидан узоқ муддат баҳраманд бўлиб яшаш иштиёқидамиз.

¹ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. 191 бет.

ТОШ БИЛАН ТИЛЛАШГАН ОЛИМ

*Инсон учун самимиятдан ортиқ фазилат йўқ.
Абдулла Орипов*

Ер юзида ҳар бир гўшанинг ўз алп йигитлари, мард ўғлонлари бўлади. Фориш туманининг ўшандай алп йигитларидан бири, юрт “тошчилик” ва оддий ўзбеконалик илмини елкасига кўтарган уста Омонжул ўғли, Гараша кенти ўғлони Тошназар домладир.

Гараша қишлоғи мамлакатимиздаги қадимги қишлоқлардан бири бўлиб минг йиллик тарихга эга. “Жиззах вилояти зиёратгоҳлари” асарининг муаллифи Оға Бургутли ёзади: “Фориш туманининг тоғли Гараша қишлоғида Муҳаммад Шариф (Мавлоно Грекушоҳ) номи билан азиз тутилгучи иккита зиёрат манзили бор. Биринчиси, ул зоти барокотнинг хонақоҳлари бўлса, иккинчиси Жондаҳар ота (жонга роҳат берувчи, жонга дармон берувчи) зиёратгоҳи ҳисобланади. ...Муҳаммад Шариф (Мавлоно Грекушоҳ) пайғамбарзодалардан бўлиб, ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг шогирдларидан бири бўлган эканлар. Устозлари уни бир оқ туяга миндириб фотиҳа бериб жўнатадилар. Туялари ўшал Жондаҳар ота манзилгоҳига келиб тўхтайтиди ва ул зот ўша жойга тушиб сувсиз жойга асоларини уриб чашмани чиқарадилар, сўнгра бу жойда макон тутадилар. Гараша қишлоғининг номи ҳам Мавлоно Грекушоҳ – “тугунларни ечувчи” сўзидан олинган бўлиши мумкин”. Қишлоқ кексалари томонидан сақланиб келинган ва 2001 йил ўрганилган иккита васиқа ҳужжатлари ҳам Гараша қишлоғини қадимийлигини тасдиқлади. Тошназар домла ана ўша қадим қишлоқ фарзанди.

Ўзбек оиласида фарзанд дунёга келаганда бир қувонади. Агар у қиз бўлса бир карра суюнса, ўғил бўлса икки карра суюнади. Чунки ўғлон авлодлар давомчиси, сулолани сақловчисидир. Худди шундай қувонч 1950 йил 22 июнь куни Фориш тумани Гараша қишлоғида яшовчи уста Омон ёки уста Омонжул ота хонадониди ҳам содир бўлди. Ҳа айтгандай Омон ота Гараша қишлоғида уй ва иморатларга “гулкари”

безаги услубида нақш солувчи уста сифатида машҳур эди. Буни ҳозир ҳам қишлоқ кексалари яхши эслашади. Уста Омон (Омонжул) ота оилада янги дунёга келган иккинчи ўғилга Эшназар ўғлига уйқаш бўлсин дея Тошназар деб исм қўяди. Бундан Омонжул бобо икки нарсани: биринчидан тошдек қаттиқ, ҳаёт синовларига бардошли, иккинчидан халқ суюган, эл назаридаги фарзанд бўлишликни назарда тутган кўринади. Уста, дурадгор халқида бир урф бор. Улар ўзларининг ҳунарини, касбини ўз фарзандларига ўргатиш билан бирга, уларни ўқимишли бўлишларини хошлашади. Устазодаларда илмга, маърифатга меҳр ва муҳаббат кучли бўлади. Бу ният Омон отада ҳам бўлган кўринади.

Тошназар домланинг болалиги оддий ўзбек болалариникидек Гараша қишлоғида кечди. 1956 йил 7 ёшида Гараша қишлоғидаги Маяковский номидаги ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишга боради. Шу мактабни 1966 йил аъло баҳоларга тугатади. Иш фаолиятини 1966 йилда қишлоқда фермер-чорвадор сифатида бошлайди. 1967 йил Жиззах вилояти Андижон хўжалигида клуб кассири, 1967-1968 йилларда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Зоология-паразитология ва Тарих-археология илмий-текшириш институтларида лаборант вазифасида ишлайди. Ўша йили Фарғона водийсида кемирувчи ҳайвонларни ўрганиш илмий-тадқиқот (раҳбар М.Муҳаммадқулов) экспедициясида етакчи лаборант сифатида иштирок этди. Уста Омон ота Тошназар ўғлини олий маълумотли бўлишга ундади. Она қишлоғи Гарашадаги қадимги археологик обидаларни кўплиги Тошназар акада тарих илмига қизиқиш ўйғонишига туртки бўлди.

Мозий илмига баҳо бера туриб муаррих Мирхонд “Тарих илми шундай илмки, ундан хуррамлик ва хурсандлик ҳосил бўлур”-деб ёзган эди ўзининг “Равзат ус-сафо” асарида.

Тошназар ака ота талаби билан 1968-1973 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб биринчи курсга қабул қилинди. Олийгоҳда Ўзбекистон тарих фанининг асосчиси академик Яҳё Ғуломовдан археология фан сирларини ўрганди. Институтда ўқиш билан бирга Тошназар ака Т.Худойқулов, М.Қосимов, Ю.Буряков, А.Кабиров, Т.Ходжаев, М.Исоқов ва бошқалар билан археологик эспедицияларда ҳам фаол қатнашди.

Тошназар ака 1973 йил институтни муваффақиятли тугатди. Академик Яҳё Ғуломовнинг таклифи билан Археология институтида катта лаборант лавозимига ишга қолди. 1977-1979 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг аспирантурасида ўқиди. 1979-1988 йилларда Археология институтида илмий ходим бўлиб ишлади.

1984 йил Иттифоқ Фанлар академиясининг Ленинград бўлимида тарих фанлар доктори, профессор Пётр Борисовский раҳбарлигида “Тошкент воҳасининг мустье даври ёдгорликлари” мавзусида археология ихтисослиги бўйича илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1988 йил Тошназар оилавий шароитга кўра Гулистон шаҳрига кўчиб келди ва Гулистон давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва кафедра мудири вазифаларида ишлади. 1994-2001 йиллар Умумий тарих кафедрасининг мудири, 2001-2002 йиллар Жиззах давлат педагогика институти Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, 2002-2003 йиллар Сирдарё вилоят ўқитувчилар маласини ошириш институти катта илмий ходими, 2003-2004 йиллар ГулДУ Умумий тарих кафедраси доценти лавозимларида ишлади. 2004 йил сентябрдан умрининг охиригача Умумий тарих кафедрасининг мудири лавозимида ишларди.

Қадимшунос, тарихчи олим Тошназар Омонжулов Марказий ва Олд Осиёнинг илк маданияти бўйича фундаментал ишларга қўл уриб, самарали илмий натижаларга эришган. У 1975-1987 йилларда Украина, Кавказ ва Жанубий Сибирь худудларида илмий тадқиқот экспедицияларининг фаол қатнашчиси, Тошкент вилоятидаги Кўлбулоқ ва Фарғона водийсида Селунгур ёдгорликларини кашфиётчиларидан бири ҳисобланарди.

Тошназар Омонжулов Россия, Украина, Арманистон, Грузия, Озарбойжон, Тожикистон ва Ўзбекистонда ўтказилган бир неча хақаро ва 40 дан ортиқ Республика илмий анжуманларининг иштирокчиси. Умумий эълон қилган илмий ишлари 100 дан ортиқ. Тошназар ака томонидан 2004 йилда “Марказий Осиё халқлари тарихи” номли ўқув қўлланмаси чоп этилди. У “Археология”, “Фан тарихи”, “Жаҳон цивилизациялари тарихи”, “Ибтидоий маданият тарихи” каби фанлардан ўқув-услубий мажмуалар ёзган ва улар талабалар томонидан ўқув жараёнида фойдаланиб келинмоқда.

Биз билиб билмаган Тошназар акадан ўрганадиган, ўрناق оладиган жиҳатлар жуда кўп эди:

-Тошназар ака ҳаётида “Камтарга камол” ва Мансур ибн Амморнинг “Банданинг энг гўзал либоси камтарлик ва ҳокисорликдир” ҳикматларига амал қилди. У ўта тавозеъли, типик ўзбек халқининг намояндаси эди;

-Тошназар ака Сирдарёдан илк етишиб чиққан археолог-тошчи олим сифатида эътироф этилган. У тош билан тиллаша оларди. Буни академиклар: Аҳмадали Асқаров, Ўткир Исломов ва Юрий Буряковлар ҳам ўз вақтида эътироф этишган;

-Тошназар ака Фарғона водийсидаги Селунгир ғоридан топилган Фарғона одамини топилишига ҳисса қўшган археологдан бири, фергантроп кашфиётчиси бўлган;

-Тошназар ака комик одам, бемалол ҳар қандай қизиқчи билан “ташлаша” оладиган санъаткорди. Буни унинг “Новосибирскка саёҳат”,

“Андижонда абитурентлик”, “Устоз Яҳё Ғуломов билан бирга”, “Самарқандда кечкан кечмишлар” каби саргузашт, бўлган воқеалари мисолида туйиш мумкин;

-Тошназар ака устанинг боласи, шунинг учун бўлса керак, у умрини охиригача ҳам гул солишни, расм чизишни қўймади. Бўш бўлди дегунча нимадир чизишни бошларди. Ҳа, айтгандай Тошназар акани болалиқдаги орзуси расом бўлиш бўлган;

-Тошназар акадан ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятни босиқлик билан баҳолай олиш хислати борди;

-Тошназар аканинг муомала маданияти ўзгача, юзингизга шундай тикилиб турадики, гўё қалбингизни кўриб тургандек муомала қиларди. Бу ва шунга ўхшаган хислат ва фазилатлар Тошназар акада бир олам эди. Фақат уни туймоқ ва тушунмоқ лозим бўларди.

Тошназар ака Фориш элининг Туркман уруғи хонжилғали тармоғининг ўғлони, буржи қисқичбақа, мучали йўлбарс, хоббиси расм чизиш, идеали академик Яҳё Ғуломов, ёқтирган ранги мовий, рақами йигирма бир, шиори эзгулик эди.

Биз ҳақли равишда Мирзачўлда ўзига хос “Тошчилар мактаби” яратган гарашалик Омон устанинг тошдан илм топган тошчи ўғлони Тошназар ака билан бирга ва ёнма-ён ишлаганимиз билан фахрланиб юрамиз.

ЯХШИЛИК УЧУН ЯШАГАН ОДАМ

*Яхшилик ҳаммага бевосита севимли.
Ибн Сино*

Инсон Ер сайёрасининг қайсидир бир гўшасида дунёга келади, қайси бир масканда ўлим топади. Ҳаёт деб аталмиш жумбоқнинг ибтидоси ва интиҳоси шу. Толстой ёзганидек: “Дунё - чексиз ва англаб бўлмайдиган бир нарса. Инсон ҳаёти - ана шу англаб бўлмайдиган нарсанинг англаб бўлмайдиган бир бўлаги”.

Инсон зоти борки қишлоқ ва маҳаллаларда дунёга келади. Баҳодир Бобохонов ҳам гўзал Фориш туманининг Янгиқишлоқ аталмиш кентида дунёга келган эди. Одамзотни туғилган жойи, киндик қони тўкилган гўша уни бир умр ўзига тортиб туради. Фарзанд зоти борки, аввало, яхши инсон бўлишга, ота-онасини, устозларини орзу-ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилади. Баҳодир Бобохонов гўзал Янгиқишлоқнинг ўшандай мард ва танти ўғлонларидан, фарзандларидан бири, сараси эди.

Ҳар биримизда ўз маҳалламиз ва қишлоғимиз шону-шарафи ҳамда шавкати, тарихи, одамлари, табиати, тупроғи, болалигимиз ўтган сойу-қирлар, боғ-роғлар хотираси яшайди. Бу хотира туйғуси бизни бир умрга тарк этмайди. У бизга болаликни, беғуборликни, қишлоқ-маҳалладошларимизни эслатиб туради. Қишлоқ ва унинг одамлари айрича. Кўпчилигимиз айна пайтда азим шаҳарларда яшасак-да, қишлоқ ва унинг одамлари хотираси билан яшаймиз. Уларга боришни, болаликни хотирлашни орзу қиламиз. Ҳаёт биздан ҳар биримиз туғилган қишлоқ ёки маҳаламизни туйишнигина эмас, балки ўша гўшада яшаган ва яшаётган қалби дарё одамларини эслашни ва хотирлашни тоқазо қилади. Зеро, бу бизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Ўлим дунёдаги ҳар бир жонли организм учун табиат ҳукми. Ҳар бир жонли мавжудот туғилиб, ўсиб, кўпайиб, сўнг ўлади. Бу табиатнинг абадият қонуни. Бу объектив қонун инсонга ҳам хос эканини ҳамма

билади. Ҳа, ҳар бир тирик жонзот бор-ки у ўлим шарбатидан татиб кўришга маҳкум.

Ўлим ҳақида Қуръони каримнинг “Оли Имрон” сураси 145-оятда “Ҳар бир жон фақат Оллоҳнинг изни билан ва аниқ белгилаб қўйилган муддатда ўлади”, 185-оятда “Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир” дейилади.

“Мулк” сурасининг 2-оятда “(Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилувчи эканлигингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У қудратли ва мағфиратлидир” дейилади. Қаранг-ки инсонни синаш учун ҳаёт ва ўлим яратилган экан. Ушбу ояти каримада «ўлим» сўзи “ҳаёт” сўзидан муққаддам келтирилишига сабаб, ўлим калимасининг мазмуни ҳаёт калимасининг маъносидан теранроқ, қамровлироқ эканлигидир. Чунки ҳаёт сўзи мана шу ўткинчи дунёда яшашнинг бошланишини билдирса, ўлим сўзи охираат диёридаги мангу ҳаётнинг бошланишини англатади.

Ўлим ҳақида: “Ўлим мўъмин учун бир ҳадядир”, “Ўлимни кўп эслангизлар, чунки ўлим сизларни гуноҳ ишлар қилишдан тўсади”, “Ўлим бир воиз (ўғит ва ибрат) сифатида сизларга етарлидир” каби ҳадислар бор.

Ўтмишни эслаш ҳозирги ҳаётимизнинг қадрига етадиган бўлишимиз учун, ўлимни эслаш инсонларни дунёга, дунё ишларига боғланишларига тўсиқ бўлса, ўлганларни эслаш ва улар руҳига дуолар бағишлаш бизнинг инсонийлик бурчимиздир. Инсонга инсондан яхшироқ наф етказувчи йўқ деган эди донишмандлардан бири. Ҳаётда бир-бирига мададкор, ҳамдард ва ҳамфикр бўлиш, ўтганларни руҳини шод этиш, уларни яхши фазилатларини, ишларини эслаш, аҳли-оиласини йўқлаб туриш ҳам биз инсонларни бурчимиз.

“Ўлик тўймасдан тирик тўймас” дейди халқимиз. Демак ўлганларни эслаш, хотирлаш ва уларни яқинларини йўқлаш ва эзгу сўз ва амалларини давом эттириш уларнинг озуқалардир. Халқимизнинг

дили, нияти пок ва эзгулик билан тўла. Ҳатто, марҳумларни сўнги манзилга қўйиб қайтмасданоқ улар ҳақида “яхши одам эди”, “жаннати одам эди” деган ижобий фикр билдиришади, кейин ҳам ўлганлар ҳақида фақат яхши сўзларни гапиришади.

Марҳум устоз ва таниқли файласуф олим Баҳодир Бобохонов 1950 йил 14 ноябрида гўзал Фориш туманининг Янгиқишлоқ қишлоғида зиёли оилада дунёга келади. Унинг болалиги ўша қишлоқда кечиб, ўрта мактабни “олтин медалга” тугатиб, 1967 йил Тошкент давлат университетининг Фалсафа факультетига ўқишга киради. 1974 йил университетни битириб, Сирдарё давлат педагогика институтининг “Фалсафа” кафедрасига ишга келади. Ишни оддий лаборантликдан бошлаб, кейинчалик ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, Тарих факультети декани, институт сиёсий бюроси аъзоси, партия ташкилотининг етакчиси лавозимларида фаолият кўрсатади. 1991 йилдан 1997 йилгача декан лавозимида ишлайди. 1998 йил 9 март куни у оғир касалликдан ҳали 48 ёшга ҳам тўлмасдан вафот этади. Баҳодир Бобохоновдан уч фарзанд, минглаб шогирдлар, илмий ишлар ва ҳисобсиз эзгу амаллар қолди.

Баҳодир Бобохонов ҳаётда эзгулик учун яшади. У том маънодаги туғма файласуф эди. У ҳар қандай масала ва муаммони босиқлик ва ақл билан ҳал этар, ҳеч кимни кўнглини ранжитмас, ҳеч кимни сенсирас, Шовқи Кўлаганович, Бозорбой Хўрозович, Шавкатбой, Йўлдошбой, Назирахон деб мурожаат этар эди. У халқ дарди билан яшади. Ўзини яхшилик қилиш, бировга ёрдам бериш йўлида ҳеч аямас эди. Бу яхшиликдан унинг барча яқинлари, декан бўлган вақтдаги барча талабалар баҳраманд бўлган эди.

Ўлган киши ўз меҳнати ва ижоди билан тирикларга қолдириб кетадиган нарсалари, бу - эккан дарахти, қурган иморати, одамларга қилган яхшилиги, меҳнат ва жангда кўрсатган жасорати, ёзган китоблари, қилган кашфиётлари, жамият ва халққа келтирган фойдаси,

кўрган фарзандлари, ҳаётда орттирган дўстлари ва етиштирган шогирдлари билан ўзидан ёдгорлик қолдиради.

Баҳодир Бобохонов ўзининг қисқа ҳаётида ўзгаларга қилган ўз яхшиликлари ила мангулик ҳайкалини қўя олган инсон эди. Ҳазрат Навоий ёзганидек:

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,

Етар яхшилиқдан анга яхшилиқ.

Марҳумни ёд этиш, эслаш, уни номини ва амалларини тилга олиш, гапириш хотирадир.

Турк олими Маҳмуд Жўшон тасаввуф илмини қалампирга ўхшатади. Яъни қалампир ҳам аччиқ, ҳам ўзига хос тот беради. Шу маънода яхши инсонлар хотирасини ҳам қалампирга менгзаш мумкин. Бу тотни ҳаммамиз ҳам ўз ҳаётимизда бир неча бор татиб кўрганмиз. Яхшилиқ учун яшаган Баҳодир Бобохонов хотираси ҳам қалампир тоти каби аччиқ ва ёқимлидир.

МИРЗАЧЎЛЛИК МАЪРИФАТ ДАРҒАСИ

*Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.
Абдурахмон Жомий*

Президентимиз ўзларининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ўқитувчилик касбига баҳо бериб: “... маърифатпарвар боболаримизнинг фикрини давом эттириб, агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, десак, ўйлайманки айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Чиндан ҳам, ўқитувчи наинки синф хонасига файз ва зиё олиб кирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳақиқатан ҳам ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир”¹-деб ёзадилар.

Маърифатпарвар, зиёли замондошларимиздан бири, Сирдарёда эл назарига тушган, тажрибали, иқтидорли ва исдеъдодли олим, педагогика фанлари номзоди, доцент Ҳабибулло Абдукаримов бугун табаррук бир ёшда.

60 ёш-инсон умрнинг маълум бир босқичи. Хитой донишманди Конфуций ёзганидек: “Энг узоқ умр-юз йил, ўртача умр-саксон, умрнинг энг паст чегараси эса олтмиш йилдир”². Бундан ташқари халқимизда “60 ёш-донишмандлик яъни, файласуфлик ёши”-деган ибора ҳам бор. Шарқ мутафаккири Саъдий Шерозий ўзининг машҳур панднома “Гулистон” ва “Бўстон” асарларини олтмишдан ошганда, ҳазрат Навоий “Маҳбуб-ул-қулуб” асарини 60 ёшида ёзиб тугатганлар. Шу маънода 60 ёш ижод қиладиган, китоблар ёзадиган ёш.

Ҳабибулло Абдукаримов 1950 йил 22 декабрда собиқ Ўратепа туманининг ҳозирги Шаҳристон туманининг Ишқили қишлоғида туғилган. Инсон камолотида уч омил: ирсият, тарбия ва муҳит муҳим рол ўйнашлиги алақачонлар исбот этилган. Бизнингча домланинг барча

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 131 бет.

² Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. 36 бет.

эришган ютуқларида юқоридаги омилларини ўрнини кўриш мумкин. Аввало, домла камолотига таъсир этган ирсият ҳақида. Домла зиёли оилада дунёга келди. Ҳабибулло аканинг дадалари Абдукарим ота ўқитувчи, аялари Хадича она маърифатли инсонлардан эдилар. Улар янги туғилган чақалоққа Ҳабибулло яъни “Оллоҳнинг суюқлиси, қардон дўсти”, деб яхши исм қўйдилар. Ҳабибулло аканинг болалиги зиёли оилада ва Туркистон тизма тоғ этагида жойлашган сўлим ва баҳаво Ишқили қишлоғида ўтди. Ишқили 92 бовли ўзбек уруғларидан бири бўлган юз уруғини парчаюз шоҳобчаси таркибига кирувчи этно бирлик номидаги мўъжазгина бир қишлоқ. Бу қишлоқ кишиларининг Мирзачўлни ўзлаштиришда алоҳида ўринлари бор. Ишқилига қўшни Қайирма қишлоғи Ўзбекистон халқ шоираси Халима Худойбердиева билан, Кенгқўл қишлоғи Ўзбекистон халқ ёзувчиси Примқул Қодиров билан фахрланса, ишқилиликлар ўзларининг севимли ҳамқишлоқлари Ҳабибулло Абдукаримов билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Ҳабибулло ака 1968 йилда Бекобод туманидаги 19-ўрта мактабни тугатиб, Хўжанд давлат педагогика институтининг табиатшунослик факультетига ўқишга кирди. У ерда биология ва химия фан сирларини чуқур ўрганди. Мазкур институтни 1973 йилда муваффақиятли тугатганидан кейин, Ховос туманидаги 7-сонли ўрта мактабда биология-химия фани ўқитувчиси сифатда ўз фаолиятини бошлади.

1974-1975 йилларда Хабаров ўлкасида ҳарбий хизматда бўлди. 1975 йилнинг сентябр ойидан ўша мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. У мактабда дарс бериш билан бирга директорнинг тарбиявий ишлар бўйича муовини, кейинчалик директор в.б. лавозимларида ишлади.

Ҳабибулло Абдукаримов 1978 йилда Сирдарё давлат педагогика институтига ишга таклиф этилди. У бу ерда “Педагогика ва психология” кафедрасида ўқитувчи лавозимида иш бошлади. 1980 йилда Москва давлат педагогика институтининг “Олий таълим педагогикаси ва

психологияси” кафедрасида стажёр-тадқиқотчи, 1981 йил сентябр ойидан эса аспирантурада таҳсил олишга киришди. 1983 йилда муддатидан олдин “Ўқувчи ва талабаларни ўқитувчилик касбига йўналтиришда мактаб ва педагогика институтларининг изчиллиги” мавзусида педагогика фанлари номзоди диссертациясини муаффақиятли ҳимоя қилди. 1990 йил доцентлик илмий унвонини олди.

1984 йил сентябридан Сирдарё педагогика институтидаги “Педагогика ва психология” кафедрасининг катта ўқитувчиси, доценти, 1985 йилдан эса кафедра мудирини лавозимларида ишлади. Маълум муддат университет бирлашган касба уюшмаси раислик қилди, 1999-2000 йиллар Сирдарё вилояти “Маънавият ва маърифат” марказининг раҳбари, 2000-2001 йиллар ГулДУ илмий ишлар проректори, 2001-2003 йиллар Педагогика факультетининг декани вазифаларини шараф билан бажариб келди.

Ҳабибулло Абдукаримов 2006 йилдан ҳозиргача “Педагогика ва психология” кафедрасининг доценти ва айни чоғда университет “Педагогик инновация маркази”нинг раҳбари вазифасида фаолият юритмоқда.

Боболаримиз: Яссавий “Фақирлик-фаҳрим”, Нақшбанд “Дил ба ёру, даст ба қор”, Амир Темур “Куч адолатдадир” шиорларига амал қилганидек, Ҳабибулло Абдукаримов улуғлар ўғитига амал қилиб, ҳаётида: “Илм ва маърифат излаб яшаш, Ҳақ дея олға интилиш”, деган эзгу қоидадани ўз шиори қилиб танлади. Ушбу қоида турмуш тарзига айланган устоз ҳар қандай илмни мукамал эгаллашга, амалий фаолиятда қўллашга, аниқ натижаларни қўлга киритишга, айниқса, ёшларга ўргатишга, уларни илм йўлидаги қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтишга одатлантириб бормоқда.

Ҳабибулло Абдукаримов педагогика фанининг энг долзарб муаммоларини тадқиқ этишга одатланган. Илмий тажрибалар ўтказиш мақсадида Сирдарё ўқув-илмий педагогик комплексини ташкил этишда

(1986-91 йиллар) жонбозлик кўрсатди. Ушбу муаммо бўйича 10 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар ва 20 та мақолалар чоп эттирди. Ўнлаб халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманлар ўтказилишида бош-қош бўлган.

Ҳабибулло Абдукаримов томонидан “Узлуксиз педагогик таълим жараёнида ўқитувчи шахсининг касб тарбияси” мавзусидаги илмий-тадқиқот иши докторлик диссертацияси шаклида тайёрланди ва ҳимояга чиқиш арафасида.

Ҳабибулло Абдукаримов Республикамизда биринчилардан бўлиб ҳали мустақилликнинг илк йилларидан педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари ва амалий масалаларини ўрганишга киришди. Бу йўналишдаги тадқиқот ва кузатишлари натижаси ўлароқ 4 та ўқув қўлланма ва 70 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирди. Педагогик технологияларга ёндашиш бўйича домланинг бошқа олимлардан фарқ қиладиган ўзига хос жиҳати шундаки, у киши таълим ва тарбия жараёнини узвий боғлиқлигини англаган ҳолда тарбия технологиясига эътиборни кучайтириш лозимлигини доимо таъкидлаб келади.

Ҳабибулло Абдукаримов кейинги 20 йил давомида инновацион технологиялар билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Сўнгги беш йил ичида университет “Педагогик инновация маркази”нинг раҳбари сифатида ёш тадқиқотчи-мутахассисларга, талабаларга қолаверса ГулДУ жамоасининг барча аъзоларига педагогик инновацияларнинг моҳият мазмунини ташвиқот ва тарғибот қилиб келмоқда. Вазирлик ва етакчи олий ўқув юртлари таклифлари билан Республикамизнинг турли минтақаларида шу мавзуда чиқишлар ва маърузалар қилиб келмоқда.

Ҳабибулло ака ўзига қанча талаблар қўйиб яшаса, талаба ва шогирдларидан шуни талаб қиладилар. Буни домланинг шогирдларини кўплиги мисолида ҳам кўриш мумкин. У кишининг илмий раҳбарлигида иккита фан номзоди тайёрланди, 4 та тадқиқотчи диссертация ишларини бажаришмоқда, 30 дан ортиқ магистрлик диссертациялар

ҳам бажарилган. Айти чоғда Республикамиз маориф тизимида домланинг минглаб шогирдлари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга минглаб талабаларга педагогика фанининг сир-асрорларини ўргатиб келаётибди. У фидокорона меҳнатлари учун давлатимиз томонидан “Халқ таълими аълочиси” нишони, вазирлик ва ҳокимликларнинг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Хитой файласуфи Сюн-цзи доноликни тўрт тоифага ажратади ва “учинчи маърифатли одамнинг донолиги: оз, тўғри ва қисқа сўзлаш, фикрларни мисоли ипга тизгандек тартиб билан баён этиш, ўзини тута билиш” деб таъкидлайди. Назаримизда, бу ҳикмат Ҳабибулло домла ҳақида айтилгандек гўё.

Худди шундай Ҳабибулло Абдукаримов Сирдарёда илм донолигини эгаллаган, маърифат осмонида бир чақноқ юлдуз. Бу юлдуз нурларидан баҳраманд бўлаётганимиздан биз ҳамкасблар, қолаверса барча замондошлар мамнунмиз.

МИРЗАЧЎЛ МАЛИКАСИ

*Кимдир бир юмушдан юзини бурди,
Кимдир ваъда берди, кимдир ўй сурди.
Аёлга эҳтиром навбати етгач,
Ҳамма бирданига оёққа турди.*

Абдулла Орипов

Ҳар бир тарихий даврлар ва сиёсий жараёнларнинг ўз қаҳрамонлари ва маликалари бўлган.

Таниқли педагог, меҳрибон устоз, тарихчи олима ва фариштали бека Ўғилой Суюновна Эрбўтаева ана шундай фидойи, заҳматқаш, тиришқоқ ва бағрикенг замондошларимиздан биридир.

Истеъдодли ва иқтидорли олима, тарих фанлари номзоди Ўғилой Эрбўтаева 1954 йил 10 февралда Бекобод туманининг Сретекка қишлоғида ишчи оиласида туғилган. Чақалоққа Суюн ота ва Ойкумуш она шу ойдек гўзал қиздан кейинги туғилажак фарзанд ўғил бўлсин дея Ўғилой деб исм қўяди.

Ўғилой Эрбўтаева 1971 йилда Бекобод туманидаги 1-сонли умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тугатади.

1972 йилда Самарқанд давлат университетининг Тарих факультетига ўқишга киради.

1977 йилда СамДУни муваффақиятли тугатганидан кейин, бир муддат Ўғилой опа Янгиер шаҳрида яшади ва 11 йил Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация инженерлари институтининг Янгиер филалида ишлади. Сўнг Гулистон шаҳрига келиб, аввалги Сирдарё давлат педагогика институти, ҳозирги Гулистон давлат университетидан 27 йилдан буён ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, Тарих факультети декани лавозимларида фаолият кўрсатиб келган. Ҳозирда “Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси вазифасида шогирдларга таълим бериб келмоқдалар.

1989 йил Ўғилой опа “Ўзбекистон хотин-қизларининг пахтачиликни комплекс механизациялаштиришдаги фаолияти (1980-1990 йиллар)” мавзусида, тарих фанлари доктори, академик Раҳима Аминова

раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 2003 йил Антик дунё Халқаро академияси унга докторлик илмий даражасини берган. Ўғилой опа 37 йиллик педагогик фаолияти давомида 7 та китоб, ўнлаб рисолалар, 60 дан ортиқ мақолалар эълон қилган.

Ўғилой опани вилоятда танимаган, билмаган одам кам. Ўн минглаб талабалар у кишидан сабоқ олиб, айти пайтда вилоят ва Республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқда. Айти пайтда ГулДУда фаолият кўрсатаётган университет бошланғич касаба уюшмаси қўмита раиси Шомурод Бектурдиев, илмий ишлар проректори Амалиддин Сулаймонов, Ижтимоий-иқтисодий факультет ЎИБДЎ Баҳодир Тўйчибоев, Таҳририят бўлими бошлиғи Йўлдош Каримов, университет Камолот ЁИХ раҳбари Бекзод Ибрагимов ва бошқалар Ўғилой опани ўзларининг том маънодаги устозлари деб биладилар. Бундан ташқари Ўғилой опани 2006 йил университет музейини ташкил этишдаги меҳнати ва жонбозлигини алоҳида қайд этиш лозим. У кафедрага мудирлик қилган йилларда кафедрани иқтидорли ёш мутахассислар: Шарофиддин Маматов, Икром Жўраев, Элдор Қурбонов, Эркин Шодиевлар билан бойитди. Кейинги йилларда Ижтимоий-иқтисодий факультетда Навоий номли Давлат стипендиантлари бўлган: Васида Норбекова, Лобар Хўжанова, Нуриддин Саидқулов, Фазлиддин Якубов ва Саида Каримоваларнинг ютуқларида ҳам бевосита Ўғилой опанинг хизматлари катта.

Минглаб шогирдларга тарих фанининг сир-асрорини ўргатиб келаётган устоз, мураббий, олима Ўғилой опанинг фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, у 1975 йил “Меҳнатда ўрнатилганлик учун” медали, вазирлик, ҳокимлик ва университет ректорининг бир неча фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Ҳаёт тилсим. Яшаш учун кураш. Турмуш деб аталувчи жумбоқ. Бу тилсим, кураш ва жумбоқ эр ва аёл иттифоқлигида ечилади ва

кечирилади. Биз аёл ва эркак зотини ўзига хос жиҳатларига қизиқиб, уларга хос бўлган 21 хислат ва фазилатларга тартиб бердик ва қиёсий таққослаш борасида эркак ва аёл ўзаро тенг деган бир тўхтамга келдик. Ҳақимлар султони Абу Али ибн Сино бундан минг йил олдин Қадимги Шарқда биринчи бўлиб аёллардаги 17 ижобий фазилатни ажратиб, аёл-эркак тенглигини назарий асослаб берган эди. Одам Атонинг Момо Ҳаво олдига биринчи бориши бу эркак ва аёлни тенглиги учун ташланган биринчи қадамдир балки. Мумкин, ўша илк феминизмдир. Оллоҳ оламда барча нарсаларни жуфт яратган. Доктор Ториқ Ал-Сувайданинг тадқиқича, Қуръони Каримда эркак ва аёл сўзлари 24 мартадан қайд этилган. Фанда олам симметрияли тузилган деган талқин бор.

Ўғилой опада биз аниқлаган барча 21 фазилат-хислат: оналик бахти, овоз нафислиги, эшитиш, ҳид билиш, кўриш, кучли меҳр-муҳаббат, сўзга чечанлик, аёл устамонлиги, тил билиш, мослашишга мойиллик, нафис ҳаракатлар-мимика, муносабатлардаги уйғунлик, сир сақлаш, тежамкорлик, кузатувчанлик, эслаб қолиш қобилияти, бир-неча ишни бирдан бажара олиш, оройиш бериш, дардга чидамлилик, дард-аламдан соқит бўла олишни мужассамлашганлигини кўриш мумкин.

Бежизга ушбу битикни “Мирзачўл маликаси” деб атамадик. “Малик” арабча “эга”, “ҳукмрон”, “ҳукмдор” маъноларини берса, малика ушбу сўзнинг аёлларга нисбатан қўлланадиган шакли. Ушбу ўринда Ўғилой опани Мирзачўл олима аёлларининг малиги ва аёлларга хос бўлган юқоридаги 21 фазилатнинг ўзида мужассам этган малика аёл, Мирзачўл маликаси эканлигини назарда тутдик.

“Бурж, тақдир ва феъл-атвор” китобида Ўғилой опа буржига оид маълумотларни ўқиймиз: табиатан жуда уддабурон инсондир. Кўпинча улардаги хотиржамликни дангасаликка йўйишади, аслида эса бундай эмас. Улар масъулиятли вазифаларни бемалол зиммаларига оладилар ва ишни иштиёқ билан бажарадилар.

Мазкур бурж остида туғилган инсонлар табиатан кенг дунёқарашга эгадирлар, мутолаани яхши кўрадилар, фалсафий ва инсон руҳияти билан боғлиқ китобларни, шу мазмундаги фильмларни мароқ билан томоша қиладилар. Шунинг учун уларни инсон руҳиятининг билимдони дейишимиз мумкин. Далв буржидаги бир марта гаплашган одамлари ҳақида ҳаққоний ва тўғри хулосага кела оладилар.

Далв буржи инсонлари ҳаммадан кўпроқ ўзлари, ўзларининг орзулари ҳақида ўйлайдилар.

Кун келиб бирор ишлари юришмай қолган тақдирда эса дарров айбни ўзларидан қидира бошлайдилар: кимни норози қилдим? Ёки кимнинг кўнглини оғритдим? Кўпинча оила аъзоларига нисбатан адолатсизлик қилдим, деб ўйлайдилар ва бундай руҳий азобдан сўнг бошқа инсонга айланиб қоладилар: атрофдагилар эса ҳайрон: у нега бирдан ўзгариб қолди? Аммо бу ўзгариш узоқ давом этмайди. Ишга кўмилиб кетган Далвлар яна ҳаммасини унутадилар.

Далвларнинг ҳаётида шундай воқеалар ҳам бўлиб турадики, улар бирдан ёлғизликни кўмсаб қоладилар. Жуда кўпчилик одамлардаги хушомадгўйликни ҳеч қачон қабул қила олмайдилар ва бу айблари учун уларни очиқдан-очиқ ҳақорат қилишдан ҳам қайтмайдилар. Шунинг учун ҳам далв буржида туғилган инсонлар ҳақида кўпчиликнинг фикри ижобий бўлмайди. Уларнинг дўстлари сони ҳам анча кам.

Агар бурж вакиллари кимгадир нисбатан қалбларидан қаттиқ ишонч пайдо қила олдиларми тамом - уларнинг фикрини ҳеч нарса билан ўзгартириб бўлмайди. Асосан ақлий фаолият билан машғул бўлган Далвлар сизнинг яқин кимингиздир бўлишса, улардан хафа бўлишга шошилманг. Улар ўзлари ҳақида қанчалик кўп ўйламасинлар, барибир ҳаммасида кўпроқ сизнинг бахтингиз ҳақида ўйлайдилар.

Мазкур бурж остида туғилган аёллар, ҳар қандай шароитга осонлик билан мослашиб кета оладилар ва ҳиссиётга берилувчан эмаслар.

Улар сизга шунчалик ишонч билдирадиларки, ўзингиз ҳар бир хатти-ҳаракатингизни қандай қилиб бошқараётганингизни билмай қоласиз.

Далв буржи аёллари, эркаклардаги аёллар кўнглига йўл топа олиш фазилатини қадрлайдилар ва ўз турмуш ўртоқларини шундай хислатига қараб қаттиқ ҳурмат қиладилар.

Ўғилой опани мучали от, буржи далв, яшил ранг ва етти рақамини ёқтиради. Ҳаётдаги шиори “Ҳалол меҳнат қилиш”.

Сирдарёда ўз тарих мактабини очган, “вилоят тарихчиларининг онахони” деб эътироф этилган, тарих илмидан қарийб 40 йилдан буён Сирдарё ёшларига сабоқ бериб, ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган ажойиб ва меҳрибон устоз, камтар ва бағрикенг инсон том маънодаги маърифатпарвар ҳамда моҳир педагог Ўғилой Суюновна табаррук 60 ёшни қаршилаган бўлсада, ҳали ҳам толмай зиё тарқатиб келмоқда.

НУР ТАРАТУВЧИ

*Инсонлар маъдан конларига ўхшашади.
Муҳаммад Зухарий*

Мирзачўлда таниқли журналист, тилшунос, маънавиятшунос ва файласуф олим, фалсафа фанлари номзоди, доцент Равшанбек Маҳмудовни маънавият ва маърифат дарғаси сифатида билишади.

Равшанбек Жалиловичнинг исми-шарифлари ҳам ўзига мос ва хосдир. Равшан - (форсча) бу “ёруғлик”, “нур”, “зиё”, “тоза”, “покиза”, “ёрқинлик”, “тиниқлик” +бек (ўзбекча) - “беклар наслидан бўлган бола” - деган маъноларни билдиради. Нур эса эзгулик, зиё ва ёруғлик нишонасидир. Нур инсонлар учун Яратган томонидан ато этилган нақадар улуғ бир неъмат. Шу маънода Равшанбек домладан “ҳамиша нур таралади”, “зиё таралади”. Домланинг кўзи нурли, сўзи нурли, амали, нияти нурли. Барчани, устозу-шогирдлар, фарзанду-қариндошлар, кўни-қўшнилари, ўқитувчи-ю-талабалар, ҳамма-ҳаммани нурга чорлайди.

Домланинг ҳаёт йўли - буюқлар, улуғлар ҳаёт-фаолиятини ва сабоқларини ўрганиш, уларнинг ўнгиридан тутишдан иборат. Улуғлар ўнгиридан тутганлар ҳеч қачон кам бўлишмаган.

Тўғри, Гулистон-Сирдарё музофоти доирасида у кишини кўпчилик “темир одам”, “тадбиркор домла”, “ҳожии ака”, “университет юраги”, “қалами ўткир журналист”, “адолат посангиси”, “тадбирлар тадбиркори”, “Университет овози” каби бир қатор номлар билан аташса-да, айримлар Равшанбек домлани шамга ўхшатишади.

Абдурахмон Жомийда:

“Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан,

Ўзгалар базмини қилади равшан” деган байт бор.

Бу тасаввуфна ўхшатиш Равшанбек домланинг ҳаёт йўлларида жуда ҳам мос келади.

Равшанбек Жалилович мавлоно Муқимий:

Рафқон ажойиб жой экан,
Бир кўча кетган сой экан,
Салқин супа ҳай-ҳай экан,
Ким кўрса ҳангу манг экан.

дея таъриф берган гўзал Фарғона водийсининг сўлим гўшаларидан бири, зиёлилар маскани Рафқон қишлоғида 1955 йилнинг 28 июн куни дунёга келган.

У 1972-1977 йилларда ТошДУнинг (ҳоз. ЎзМУ) Филология факультетида ўқиган.

1977 йилда ўқишни муаффақиятли тугатиб, ўз меҳнат фаолиятини жонажон Рафқон қишлоғидаги 42-ўрта мактабида она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлашдан бошлаган.

1978-1983 йилларда Муқимий номи Қўқон давлат педагогика институтининг “Мактабгача педагогика” кафедраси ўқитувчиси, 1983-1984 йилларда “Сирдарё ҳақиқати” газетаси мухбири, 1984-1988 йилларда Ғафур Ғулом номи Сирдарё давлат педагогика институти “Фалсафа” кафедраси ўқитувчиси, 1988-1989 йилларда ТДИУ стажёр-тадқиқотчиси, 1989-1994 йилларда ГулДУ “Фалсафа” кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти, кафедра мудирини, 1994-1996 йилларда ГулДУ тарбиявий ишлар бўйича ректор ўринбосарини, 1996-2013 йилларда маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректорини, 2013 йил “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси доценти, 1994 йилдан бошлаб кафедра мудирини лавозимларида меҳнат қилиб келмоқда.

Р.Маҳмудов 1991 йилда фалсафа фанлари доктори, профессор Й.Жумабоев раҳбарлигида “Хусайн Воиз Кошифийнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий қарашлари” мавзусида номзодлик илмий ишини ёқлаган. 1995 йилда эса доцентлик илмий унвонини олган. 2000 йилда “Олий таълим фидойиси”, 2005 йилда “Маънавият фидойиси”, 2006 йилда “Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги”, 2012 йилда

“Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги” нишонлари билан тақдирланган.

Р.Маҳмудов 2012-2014 йилларда халқ депутатлари Гулистон шаҳар кенгаши депутати бўлган.

Р.Маҳмудов бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгаки, бу жиҳатлар ёшлар учун ибрат мактаби бўлиши мукин:

-домла одоб бобида тенгсиз. Одоб - ахлоқни назарий, илмий асосларини чуқур билишлари билан бирга, уни амалий ҳаётда ҳамиша қўллаб келадилар. Домлани суҳбат одоби, муомала одоби, ўзини тутиш одоби барча учун бир намунадир. Бунга амин бўлиш учун домланинг бир жуфтлик дарсига кирсангиз ёки бир бора суҳбатларидан баҳраманд бўлсангиз кифоя;

-домла ҳунарли инсон. Ўз ҳаётларида “Бир йигитга қирқ ҳунар оз” деган халқ мақолига амал қилиб келадилар. Домлани: тадбиркорлик, деҳқончилик, шоликорлик, чорвачилик, паррандачилик, ҳайдовчилик, қаламкашлик, даврабошилик, ваъзхонлик каби ҳунарлари бор. Узун-юлуқ гап тарқатувчиларнинг миш-мишлари-ю, ғийбатларига қарамай, ўзлари тажрибали раҳбар, катта олим ва етук бир ёшда бўлишларига қарамай, юқоридаги ҳунар ва машғулотлар билан қариб 30 йилдан буён мунтазам шуғулланиб келадилар;

-домла илмли ва маърифатли инсон. Домланинг билимдонлиги, зукколиги бир томон, иккинчи бир томондан ёшларни доимо зиёга чорлаб юради.

Р.Маҳмудов бир қатор илғор ғоялар асосчиси:

-“Миллий ғоя ва фалсафа” кафедрасининг бош илмий “Марказий Осиё мутафаккирлари меросида ахлоқ ва маънавият масалалари” мавзусини асосчиси;

-“Университет овози” газетаси ва “Университет музейи”ни ташкил этилишининг ғоявий муаллифи;

-ГулДУ кичик босмаҳонасининг ғоявий ташкилотчиси;

-университетда қариб 20 йилдан буён фаолият юритиб келаётган ижодий гуруҳнинг ташкилотчиси ва бевосита раҳбари;

-домла ўндан ортиқ ижтимоий мавзулардаги илмий-назарий анжуманларнинг ташаббускори.

Р.Маҳмудовнинг илмий салоҳияти ҳам залворли ва салмоқли. Шу пайтгача илмий-педагогик фаолити натижасида 9 та монография, 1 та дарслик, 22 та рисола, 20 дан ортиқ қўланма ва мажмуалар, 150 дан ортиқ илмий, 500 дан ортиқ оммабоп ва публицистик мақолалар эълон қилган. “Жаҳон фалсафаси” китобининг ҳаммуаллифларидан бири. “Дегонимни улусқа марғуб эт...”, “Тафаккурнинг олмос қирралари”, “Одамлар менинг кутубхонам”, “Алишер Навоий ва Кошифий”, “Тўра Сулаймон”, “Ильгизар Ахметов”, “Сирдарёнинг сирли ўғлони”, “Хусайн Воиз Кошифийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари” монографиялари, “Хусайн Воиз Кошифий ахлоқшунос олим”, “Китоб тафаккур фарзанди”, “Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш усуллари” каби китоблари нашр этилган. Шунингдек, “Маънавият юлдузлари”, “Жаҳон фалсафаси”, “Ғарб фалсафаси”, “Буюк алломалар, сиймолар”, “Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт”, “Конституция ва инсон манфаатлари”, “Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар”, “Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан” каби китобларнинг яратилишига ҳаммуаллифлик қилган.

Равшанбек Маҳмудов айна кунларда фалсафа тарихи бўйича докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

Домла ташаббускор, журъатли, адолатли, кенг тафаккурли, дўстларига ва талабаларга меҳрибон инсон. У вилоят, шаҳар, университет ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирокчи. Домла Сирдарё вилоят файласуфлар жамияти раиси (1998), Ўзбекистон журналистлар уюшмаси (1984) ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмалари (2000) аъзоси.

Равшанбек Маҳмудовнинг ҳаётдаги шиори “Одамлар менинг кутубхонам”, хоббиси китоб варақлаш. Домла маърифат чашмасидан қатралар:

- Аёл нафосат тимсолидир.
- Фалсафа-бу ҳаётни тўлиқ қамраб олган фан.
- Маънавиятнинг гултожи фалсафадир.
- Шоир олам кезади, одамларни ўрганади.
- Маънавиятни белгиловчи мезон бу дунёқараш.
- Фарзандларининг ҳамма қилган яхши ишлари ота-онага

бориб етади.

- Яхши инсонларни эслаш тирикларнинг бурчи.
- Ҳамма ўз устига кўрпа тортмаслиги керак.
- Тасаввуф-инсон дилидан кечган ниятини сезувчи, аниқловчи

таълимотдир.

- Еттини бири Ҳизр, ҳозир орамизда тўртта Ҳизр ўтирибди.
- Одамларга иккига бўлинади: сояси йўқ ва сояси бор

одамларга.

- “Темур тузуклари” Амир Темур тафаккурининг олмас қиррасидир.

-Ўзбекистон Қаҳрамони Саме Самадов Сирдарёнинг сирли ўғлони.

-Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон Сирдарёнинг виждони.

-Китоб беғараз, беминнат ёрдамчи. У инсон ақлий салоҳиятини ўстиради, энг яқин ёрдамчи вазифасини бажаради.

-Ёшларни китоб ўқишга ўргатишимиз керак.

Меҳрибон ва самимий инсон, беғубор ва катта қалб эгаси, файласуф ва қошифийшунос олим Равшанбек Маҳмудовга маърифат тарқатишдек савобли ва эзгу ишларида омад, ижодий баркамоллик тилаймиз.

СИРДАРЁ ФАРЗАНДИ

*Одамлар ҳаётини кўкда қуёш,
ерда одамлар ёритади.
Тилаб Маҳмуд*

“Шоирлар-дунёнинг тан олинмаган қонуншунослариدير”-деб ёзади Г.Гейне. Замондошимиз Йўлдош Карим ана шундай “қонуншунослардан” бири.

Йўлдош Карим Сирдарё шеърият бўстонида Тура Сўлаймон, Ҳамроқул Ризо каби катта авлод, Ойниса Ортиқбоева, Баҳор Холбекова каби ўрта авлоддан кейинги Рустам Эмин, Илҳом Ботировлар билан бир қатордаги навқирон авлоднинг вакилидир.

Оддий, камтар ижодкор бўлиб яшаш жуда кам одамга насиб этади. Оддийлик инсоннинг асосий ҳаётий сифати ҳисобланади. Бу оддийликни унинг ички дунёси белгилайди. Бу қобилият ҳар бир кишида бор. Лекин уни ҳамма ҳам тўғри идрок этолмайди. Хондамир ибораси билан айтганда, “... Олам аҳлининг энг яхши иши ва одам боласининг энг мақбул феъли шуки... тавозеъ ва камтарликни ўзига шиор қилиб олсин”¹.

Шоир Йўлдош Карим ўшандай оддийлар сирасига киради. Йўлдош Каримнинг ҳаёт йўли бошқаларникидан фарқ қилмайди. У Ховос туманининг Туркистон тизма тоғ этакларида жойлашган тоғли Жўлангар қишлоғида дунёга келган. Жўлангар қишлоғи маълумотларга қараганда “Баландликдан келадиган ариқ” ёки “авлиё ариғи” деган маъноларини билдиради.

Йўлдош шу қишлоқдаги 19 сўнгра 15-ўрта мактабда ўқиди, 1985 йилда Сирдарё давлат педагогика институтининг Тарих факультетига ўқишга кирди ва уни аъло баҳоларда тугатди. Меҳнат фаолиятини 1992 йилда ГулДУ “Умумий тарих” кафедрасида кабинет мудирлигидан бошлади. Кейин шу кафедра ўқитувчиси, 1994-1997 йилларда аспирант

¹ Ҳикматлар хазинаси. -Т.: Ёш гвардия, 1977. 53 бет.

бўлди. Бир муддат вилоят “Маънавият ва маърифат” марказида ишлади. 2002-2009 йиллар ГулДУнинг “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида, 2009 йилдан буён “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедрасида фаолият юритиб келмоқда.

Айни пайтда катта ўқитувчи Йўлдош Карим университет “Таҳририят бўлими” бошлиғи, университет ва вилоят ижодий гуруҳи аъзоси ҳисобланади. Унинг бир қатор шеърлари республика ва вилоят матбуот саҳифаларида эълон қилинган. Унинг 2004 йилда “Соғинчнинг тасвири”, шеърий тўплами нашр қилинган. “Юрак тафти” шеърий тўплами ва “Кўнгилдан кўчирмалар” туркум насрий асари нашрга тайёрланган.

Йўлдош Каримнинг шахсий сифатлари ҳақида гапирганда содда, камтар, ўзига талабчан, маънавиятни чуқур англаган ижодкор, деб қайд этиш мумкин.

Йўлдош Карим серқирра ижодкор-маърифатпарвар:

-У файласуф шоир. Бунинг учун унинг шеърларини таҳлил қилмок керак.

“Энамга” шеъридан¹:

Қўллари очилган дуога доим,

Асрасин сизларни дерди худоим.

Койиса койирди бирам мулойим

Менинг содда, сочлари оқарган энам деган мисраларда шоир “барча эналарни” набираларга қиладиган асосий ишини тасвирлаб бергандек гўё.

Бошқа ўринда “Содда бола” шеърида²:

Айёрликни билмас сира,

Алдамайди душманни ҳам.

Риёкорликдан бегона,

Содда бола,

¹ Йўлдош Карим. Соғинчнинг тасвири. –Гулистон: Зиё, 2004. 8 бет.

² Ўша асар, 28 бет.

Содда бола.
Ишонади у ҳаммага,
Дўстга ҳам бегонага.
Алдаш осон у ягона,
Содда бола,
Содда бола.

Юқоридаги мисралар орқали бутунлай болаликни-подшолик қирраларию, соддаликлари очиб берилган, фалсафий мушоҳада юритилган. Шоирнинг бу фалсафий ёндашуви эса ўқувчиларга шеърият билан ошна бўлишга имкон беради.

-У маънавиятшунос зиёли. ГулДУ талабаларига ўқитилаётган “Маънавият асослари” дарсларида мана, 15 йилдирки унинг маънавиятга берган таърифи акадамик Э.Юсупов, профессорлар: Й.Жумабоев, М.Имомназаров, С.Кароматов, Қ.Йўлдошевларнинг таърифлари билан бир қаторда ўқитилиб келинмоқда. “Тил - моддий, сўз - маънавий, мия - моддий, онг – маънавий, юрак - моддий, қалб - маънавий мавжудликдир. Ана шу Сўз, Онг ва Қалб маънавиятдир” - деб таъриф беради у маънавиятга.

- У толмас тарғиботчи. Унинг бу жиҳатини икки қиррада кўриш мумкин. Мана бир неча йилдирки Йўлдош университет ва вилоят тарғиботчилари учун Мустақиллик байрами, Конституция куни муносабатлари билан рисоалар эълон қилмоқда. Бу анъана тусини ҳам олди. Анча ўрганиб ҳам қолдик. Албатта тарғиботчининг “қуроли” бўлса осонда. Айниқса, унда вилоятимизга оид маълумот ва материаллар ноёб ҳисобланади ва тарғиботчини ғоявий қуроллантиради. Иккинчидан, ўқув йили бўйича ҳисоботида Йўлдош вилоят ташкилотларида 40 дан ортиқ маърузалар қилганлигини маълум қилди. Бир йилда қирқта ташкилотда, вилоятнинг нуфузли аудиториялари олдида чиқиш қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун маънавий жасорат керак.

- Йўлдош том маънодаги саводхон, маърифатли инсон. У она тилимизни чуқур ўзлаштирган ўқитувчи, ижодкор. Унга талабалардан тортиб. ўқитувчи-профессорларгача тил муаммолари, кирилл ва лотин ёзувлари тил саводхонликлари буйича мурожаат қиладилар, ўзлари учун зарур ва жўяли жавобни олишади.

Йўлдош тўғрисида ушбу маълумотларни қайд этаябман-у ич-ичимдан хурсандман. Чунки, яқин-яқингача Сирдарёга-Мирзачўлга Республикамизнинг бошқа минтақаларидан кишилар келиб унинг бутун ҳаёт жабҳаларини изга солиш, яхшилаш ва кўтаришга ҳаракат қилар эдилар. Асримиз бошларда эса Сирдарёда янгича руҳ пайдо бўлди. Энди Сирдарё ҳаётини Сирдарёда туғилиб ўсган авлодлар белгилаб бермоқда. Шу маънода Йўлдош Сирдарёда туғилиб ўсган бир зиёли сифатида Сирдарё маърифати учун жон куйдирмоқда.

Йўлдош Карим “Мен ўзбекман”, “Мен Сирдарёликман” деган ғурур ва ифтихор билан яшайди, ижод қилади.

2003 йилда “Шухрат” медали билан мукофотланган.

Йўлдош олийгоҳ ўқитувчиси, маърифатпарвар бир зиёли ва серқирра ижодкор сифатида ҳаётда ўз ўрнини топа билди, кўпчилик назарига тушди. Шунинг билан биргаликда маънавият ва маърифат йўналиши буйича бир неча йилдан буён университет “Таҳририят бўлимини” бошқармоқда, “Университет овози” газетаси ва “ГулДУ Ахборотномаси” илмий журналени савияли ва сифатли чиқишига эришмоқда ҳамда вилоятда олиб борилаётган барча маърифий ишларга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг вазифалари мамлакатимизда мавжуд бўлган 70 га яқин олий ўқув юртлари, 1500 дар отиқ академик лицей ва коллежлари ва 10 минга яқин умумтаълим мактаблари, жумладан Сирдарё вилоятида эса Гулистон давлат университети, 4 та лицей, 48 та коллеж ва 300 дан ортиқ умумтаълим мактабларининг зиёлилари ва ўқитувчи мураббийлари зиммасига тушади.

2014 йили мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан “Ўрта асарлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди. Конференциянинг очилишида Президентимиз “Аждодларимизнинг бебаҳо мероси-абадиятга дахлдор маънавий хазинадир” мавзусидаги нутқ сўзлади.

Нутқни мамлакатимиз таълим тизимида бағишланган қисмида¹:

-мамлакатимиз таълим тизимида 9+3 схемаси, 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилиши;

-юртимизда замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида 1500 та коллеж ва лицейлар барпо этилганлиги;

-мамлакатимизда мустақиллик йилларида олий ўқув юртлари сони 2 марта ошиб, бугунги кунда 60 та университет ва институтда 230 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олаётганлиги;

-минглаб иқтидорли ёшларимиз вакиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмоқдалиги;

¹ “Халқ сўзи” газетаси. 2014 йил 16 май № 95 сон. 1-2 бетлар.

-мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этиши ва бу соҳада жаҳонда олдинги ўринлардан бирида туришимиз таъкидланди.

Чироқ кўтарган олдинда юради, дейди халқимиз. Одатда халқимиз зиёлиларни, маърифатпарварларни чироқ кўтарган одамга ёки чироққа менгзашади. Зиёли-маърифатпар инсонлар одатда олдинда юриб, барчани маърифатга чорлайди, халқларнинг энг катта бойлиги бўлган фарзандлар қалби ва шуурига илм нурини сингдиради.

“Устоз отангдан улуғ” мақолини кейинги пайтларда матбуот саҳифаларида мақолнинг асл моҳиятини ҳисобга олмай, ўзгартириб қўллаш ҳолларига дуч келмоқдамиз. Бу тўғрисида таниқли фолкълоршунос олим Тўра Мирзаев шундай ёзади: “Устоз отангдан улуғ” мақоли “Устоз отангдай улуғ” тарзида бузиб қўлланмоқда. Бунда отани камситиш ҳолати йўқ, шундай бўлганда халқ “Ота рози - худо рози” деган мақолни яратмас эди. Бу ерда устоз ҳурматини бўрттириш бор. Қолаверса, халқда барча одамзоднинг биринчи якка-ягона устози Оллоҳдир, деган гап ҳам бор.

Иккинчидан, устоз билан ота тенглаштириб қўйилса, мақол мазмуни бутунлай ўзгариб, халқ қарашларига зид бўлиб қолади”.

Демак, мақолнинг “Устоз отангдай улуғ” эмас, балки “Устоз отангдан улуғ” варианты ҳақиқатни ифодалайди.

Инсон учун уч яратувчи: Оллоҳ, ота ва она муқаддас, табаррук. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, устозларни отаданда улуғ санаш ҳикматида теран маъно ётади. Буни қуйидагича муқояса қилса бўлади:

-Нур Шарқдан таралади. Нурга, зиёга бўлган эътибор, ҳурмат уни таратувчиси бўлган зиёлига, устозга ҳам тегишли. Шу маънода устоз ҳурматли.

-Устозни отаданда устувор кўриш, Шарқ фалсафасининг негизларидан бири. Ота фарзандини самодан Ерга туширса, устоз ўз шогирдини Ердан коинотга кўтаради. Инсон зоти борки ўз камолини,

юксаклигини устозларидан топади. Тарихда не буюклар ўтган бўлмасин уларнинг бари устозлари шарофати ила шу мақом, даражага эришганлар. Искандар-Арасту, Имоми Аъзам-Нўъмон ибн Собит-Ҳаммод, Беруний-Ибн Ироқ, Амур Темур-Сайид Барака, Улуғбек-Шайх Озарий, Алишер Навоий-Абдурахмон Жомий шарофати ила ўзларининг буюклик ва улуғлик шарафига, мақомига эришган.

Биз толиблар ўзимизнинг устозлар олдидаги бурчимизни шараф билан бажаришимиз лозим бўлади.

Зеро, ҳазрат Жомий ёзганларидек:

Устод, муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қора бўлурди жаҳон.

Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг “Инсон қалбига йўл” фасли зиёли касбининг сермашаққат меҳнатига, жумладан, ўқитувчилик ва мураббийлик касбини жамият ва ҳаётдаги ўрнига бағишланган.

Президентимиз ўз асарида ёзади: “Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори *биз учун энг яқин бўлган буюк зот-ўқитувчи ва мураббийларнинг* олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз.

Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида

олган таълим-тарбия унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

... Она тилимизда “мактаб кўрган”, “мактаб яратган” деган чуқур маъноли ибораларнинг мавжудлиги ҳам бу муқаддас даргоҳнинг, заҳматкаш ўқитувчи меҳнатининг давлат ва жамият ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутишидан далолат беради”¹.

Виктор Алимасов ёзганидек: “Мактаб қанчалик азиз маскан бўлмасин, ҳаёт мактаби ундан янада азизроқ, бойроқдир. Шунинг учун ҳаётни, кишиларни, турмушни, уларга диққат билан назар солишни ўрган”²имиз лозим бўлади. Бу эса ҳаётнинг маърифат дарсидир.

Юқорида номлари зикр этилган XX-XXI асрларда яшаган йигирма чоғли улуғ устоз маърифатпарварларимизнинг барчаси мамлакатимиз ва музофотимиз сарҳадларида яшаб, ўз касбларига ва маърифатга чин садоқат ва самимият билан ёндашиб том маънодаги ўз асрларининг маърифатпарварига айланган, ўз номларинини абадият дафтариغا муҳрлаб қўйганликлари билан халқимиз ҳурмат ва эътиборига лойиқ.

Мустақилликка эришилгач маърифатчилик ҳаракатининг ҳам ғоя ва мақсадлари тубдан ўзгарди. Унинг бош “Нажот-илму ирфонда” ғояси “Маърифат мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим” ғоясига айланди. Илму-маърифат орқали мустақилликни қўлга киритиш мақсади, энди барча мамлакатимиз фуқароларини зиёга чорлаш, баркамол авлодни замон талаблари даражасида маърифатли қилиш ва жоҳилликка қарши курашга қаратилмоқда.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 130-131 бетлар.

² Алимасов В. Қизимга мактублар. –Т.: Фан ва таълим полиграф, 2012. 190 бет.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.:
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ. / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 145-150.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
11. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
12. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000.

14. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
15. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
16. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
17. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
19. Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. 2014 йил 16 май.
20. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2015.

Манбаа ва адабиётлар

1. Абу Али ибн Сино. Зафарнома. -Т.: Ниҳол, 2009.
2. Ажойиб устоз. (Ёхуд Ўринбой Бегимқулов ҳақида хотиралар). Тўплам. -Гулистон: Университет, 2015.
3. Алимасов В. Қизимга мактублар. –Т.: Фан ва таълим полиграф, 2012.
4. Академик Иброҳим Мўминов ўзбек миллий фалсафа мактабининг асосчиси. Академик И.М.Мўминов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб Гулистон давлат университети “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедрасида ўтказилган илмий семинар материаллари тўплами. –Гулистон: Университет, 2008.
5. Академик Мўбин Баратов ҳақида хотиралар. Тўплам. -Гулистон: Университет, 2013.

6. Амиркулов Қ. Тақдир битиклари. -Т.: Маънавият, 2006.
7. Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 1999.
8. Билкиз Аладдин. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. -Т.: Камалак, 1991.
9. Дил изҳорлари. Академик Саид Шермухамедовнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида дилдан айтилган изҳор ва нисорлар тўплами. -Гулистон: Университет, 2015.
10. Ёқубов Ҳ. Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. -Т.: 1963.
11. Зиёга йўғрилган умр. Тўплам. -Гулистон: Университет, 2013.
12. Зоҳидов П. Меъмор олами. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996.
13. Исмоилов С., Каримова С. Маънавий устозлар. -Т.: Navro'z нашриёти, 2013.
14. Исмоилов С. Муҳаммад Юсуфнинг болажонлик фалсафаси. ГулДУ Ахборотномаси. 2014. № 2. 72-76 бетлар.
15. Исмоилов С. Ойбек тилшунос ва адабиётшунос файласуф - Жамият, цивилизация, давлат: ижтимоий тарихий тараққиёт омиллари: Республика илмий-назарий анжуман тўплами. -Т.: 2007.
16. Йўлдош Карим. Соғинчнинг тасвири. -Гулистон: Зиё, 2004.
17. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.
18. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалари луғати. -Т.: Шарқ, 2007.
19. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Қ.Назаров таҳрири остида). -Т.: 2002.
20. Минг бир ҳадис. -Т.: Янги аср авлоди, 2009.
21. Мирзачўл маликаси. Тўплам. -Гулистон: Университет, 2014.
22. Мўминов И.М. Танланган асарлар. Уч томлик. I том. -Т.: Фан, 1969.

23. Президент Ислом Каримов Марказий Осиёлик буюк сиймолар ҳақида - “Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусида (Академик Мўбин Баратов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган) Республика илмий-амалий анжуман материаллари. -Гулистон: Университет, 2013. 99-102 бетлар.
24. Саматов Ш. Илму маърифат боғбони. -Т.: EXTREMUM PRESS, 2010.
25. Собиров О. Ойбек ижодида фольклор. -Т.: 1975.
26. Суйгулик, суянгулик. Мақолалар. / Тўпловчилар С.Исмоилов, Ҳ.Абдувоҳидов; масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи Ҳ.Болтабоев – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2015.
27. Султонмурод Олим. Бешик. Бадиа. -Т.: Ёзувчи, 1998.
28. Тафаккур дурдоналари. 111 ватандош алломаларимизнинг ҳикматли фикрлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2012.
29. Тилаб Маҳмуд. Комиллик асрорлари: ҳаётий ҳикматлар. -Т.: Адолат, 2006.
30. “Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусида (Академик Мўбин Баратов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган) Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 1-китоб. -Гулистон: Университет, 2013.
31. “Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусида (академик Саид Шермухамедов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган) Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 11-12 май 2015 йил. - Гулистон: Университет, 2015.
32. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. –Т.: Шарқ, 2004.
33. Философский энциклопедический словарь. 2 из. -Москва: Советская энциклопедия, 1989.
34. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: Ўзбекистон, 1971.

35. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. -Т.: Фан, 1994.
36. Хайруллаев М. Миллий маънавиятимизнинг улкан жонкуяри. Академик Иброҳим Мўминов (Мақолалар ва хотиралар). -Т.: 1993.
37. Шермухамедов С. Қалбим изҳорлари. Биринчи китоб. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.
38. Эзгуликка бахшида умр. Файласуф олим Баҳодир Бобохонов ҳақидаги хотиралар. -Гулистон: Зиё, 2010.
39. Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти. -Т.: 2000.
40. Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари. -Т.: 1996.
41. Юсуф, Муҳаммад. Сайланма: Шеърлар. Достонлар. Хотиралар. -Т.: Шарқ, 2007.
42. Ўзбек шеърляти антологияси. Тўртинчи том. -Т.: 1962.
43. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
44. Қалб изҳорлари. Тўплам. -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2010.
45. Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка чоғлан, одамзод. -Т.: Шарқ, 1997.
46. Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. -Т.: 1989. -Б. 179, 325.
47. Ғойибов Н. Донишманд. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
48. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
49. Ҳикматлар хазинаси. -Т.: Ёш гвардия, 1977.

МУДАРИЖА

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИЛМУ-МАЪРИФАТ ЖОЗИБАСИ Сўзбоши 3

БИРИНЧИ ҚИСМ

XX АСР ЮРТИМИЗ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ

БУЮК АҚЛ СОҲИБИ	9
ЎЗБЕК ФАЛСАФА МАКТАБИНИНГ АСОСЧИСИ	14
ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ	22
АЛЛОМАНИНГ АБАДИЙ ҲАЁТИ	25
МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ НАМУНАСИ	32
ЎЗБЕК ФАЛСАФА ИЛМДАГИ ҚОЯ	38
ФАХР ТУЙҒУСИ	42
ФАЙЛАСУФ ШОИРНИНГ БОЛАЖОНЛИК ФАЛСАФАСИ	46

ИККИНЧИ ҚИСМ

МИРЗАЧЎЛ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ

СИРДАРЁЛИК ФАЙЛАСУФ	55
МАЪРИФАТ НОРИ	61
МИРЗАЧЎЛ МАЪНАВИЯТ ЧИНОРИ	65
ЯХШИ ЯШАШ ФАЛСАФАСИ	69
ШАРҚШУНОС-УСТОЗ	74
ДАВИ БОР ДОМЛА	78
МИРЗАЧЎЛ МАРИФАТПАРВАРИ	82
ҲАЁТНИ ҲИКМАТ БИЛИБ	87
ТОШ БИЛАН ТИЛЛАШГАН ОЛИМ	94
ЯХШИЛИК УЧУН ЯШАГАН ОДАМ	99
МИРЗАЧЎЛЛИК МАЪРИФАТ ДАРҒАСИ	103
МИРЗАЧЎЛ МАЛИКАСИ	108
НУР ТАРАТУВЧИ	113
СИРДАРЁ ФАРЗАНДИ	118
ХУЛОСА	122
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	126

ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР

**ИККИ АСР МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ
XX-XXI**

Нашриёт муҳаррири: Йўлдош Каримов
Мусахҳиҳ: Абдурасул Содиқов
Техник муҳаррир: Аслиддин Тўрабеков

“Университет”
ГулДУ кичик босмахонаси

Босишга рухсат этилди 21.09.2015 йил.
Офсет қоғози гарнитураси “Arial”.
Қоғоз бичими 60x84. 1/16. Босма табағи 8,25.
Буюртма № 55 . Адади 100 дона.

ГулДУ босмахонасида чоп этилди.
Гулистон ш. 4-мавзе ГулДУ бош биноси.